

ЎЗБЕК  
ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ  
МАСАЛАЛАРИ

VII





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

# ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

## VII китоб

Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси ҳақиқий аъзоси –  
академик *Тўра Мирзаев* таваллудининг  
80 йиллиги муносабати билан чоп этилган илмий  
мақолалар тўплами



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” нашриёти  
Тошкент – 2018

**УЎК 398(=512.133)(092)**

**КБК 82.3г(5Ў)**

**М 54**

Ўзбек фольклорининг билимдони, халқ достонларининг улкан тадқиқотчиси Ўзбекистон Республикаси ФА академиги Тўра Мирзаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами. Китоб олимнинг ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ва фольклоршуносликнинг долзарб муаммоларига доир моқолалардан таркиб топган бўлиб, фольклоршунослар, илмий жамоатчилик ва кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

**Масъул мұхаррир:**  
**Филология фанлари доктори Шомирза ТУРДИМОВ**

**Нашрга тайёрловчиilar:**  
**Шаҳноза НАЗАРОВА**  
**Барно МИРЗАЕВА**

**Тақризчиilar:**  
**Филология фанлари доктори Дармоной ЎРАЕВА**  
**Филология фанлари бўйича**  
**фалсафа доктори (PhD) Мунис Жўраева**

**ISBN 978-9943-19-423-6**

© ЎзР ФА “Фан” нашриёти, 2018

## СҮЗБОШИ

Инсоният тарихида барча билим-амаллар, касб-хунар малакаси отадан болага, устоздан шогирдга, пирдан муридга мерос ўтиб келмоқда. Халқ айтади: “Отадан кўрган ўқ йўнар, онадан кўрган тўн бичар”. Фарзанд отани, мурид пирни, шогирд устозни қадрлашида ҳикмат қўп. Энг асосийси бунда билим-амал, касб-хунар анъаналари барқарор шакл олган, қувват манбаини топган.

Фольклор – халқ оғзаки ижоди ёшига нисбатан, фольклоршунослик фани навқирон ҳисобланади. Хусусан, ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиш даври XX асрнинг аввали деб кўрсатилиши бежиз эмас. Айни шу даврда фольклор асарларини тизимли ёзиб олиш, ўрганиш бошланди. Бу вақтларда фаолият юритганлар орасидан Ҳоди Зарифнинг фольклоршунослигимиз асосчиси сифатида тан олиниши шунчаки танлов эмас.

Устознинг шогирдлари орасида Тўра Мирзаевнинг ўрни алоҳида. Аввало, Ҳоди Зариф бошлаб берган йўлнинг давом этишида, домла асос солган фольклор хазинасининг кўз қорачиғидай асраб-авайлаб сақланиши, бойитилишида у ёққан чироқ – фольклор бўлимнинг ўзбек фольклоршунослиги марказига айланишида Тўра Мирзаевнинг хизматлари катта. Эндилиқда Тўра Мирзаевнинг невара шогирдлари ҳам бу соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшишга асатойдил киришмоқда. Демак, пирдан муридга, устоздан шогирдга ўтаётган яратувчанлик қуввати бардавом.

Ҳаётни хайрли ишлар безайди. Устоз Тўра Мирзаев 80 ўшдан ошди. Домланинг ҳаёт ва ижод йўли фольклоршунослигимизнинг хосиятли йўли ҳисобланади.

Азиз ўқувчи! Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу тўплам устоз Тўра Мирзаевга ҳамкаслари, шогирдларининг эҳтироми, фольклоршунослик соҳасидаги

изланишларининг маълум бир хуносалари. Ўзбек фольклоршуносларининг устозлар шарафига тасниф этилувчи анъанавий “Ўзбек фольклоршунослиги масалалари” илмий тўплами мавжуд. Қўлингиздаги ушбу тўплам уларнинг еттинчиси ҳисобланади.

Устозга ва сиз азиз китобхонларга бу совғамиз манзур бўлади, деб умид қиласиз.

**СИЙРАТ  
МОҲИЯТИ**



**Бахтиёр НАЗАРОВ**

## **АЛПОМИШ САОДАТИ**

### **1.**

Бухоронинг шимолидаги Шофирикон қадимдан машхур. Вардонзе қўргони, Хожа Ориф Моҳитобон – Ревгарий мақбраси, Ҳазорнур қадамжоси, Чилдухтарон, Ғойиб ота, Сайид ота заёратгоҳлари бу ҳудудда бунёдкорлик, маданият-маърифат тарихан ўзига хос равишда гуллаб-яшнаганини, бу тупроқда номдор фарзандлар бисёр бўлганини кўрсатади.

Шофириконнинг замонавий фарзандлари бу зиёбахш анъянани муносиб давом эттириб келмоқдалар. У бугун азамат деҳқонларидан ташқари, ўзининг, айниқса, меҳнаткаш олимлари билан машхур. Унинг фан номзоди, доцент, фан доктори, профессорлардан иборат қисмининг ўзиёқ бир неча юз кишини ташкил этади. Айтишларича, Шофирикон Ўзбекистон вилоятларидағи туманлар ичida мамлакатга энг кўп олим етказиб берган туман саналади. Гап миқдор ёки саноқдагина эмас, албатта. Улар сафида наинки Ўзбекистон, ҳатто, халқаро миқёсда тан олинган, ўз соҳасининг атоқли вакили сифатида шуҳрат топган намояндалар ҳам оз эмас.

Шулардан бири Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, фольклоршунос олим Тўра Мирзаевич Мирзаевдир.

### **2.**

Тўра ака инсон сифатида ҳам, олим сифатида ҳам пешанаси ярқираган киши.

2006 йил олим таваллудини нишонлаш тадбирида мен ҳаяжон билан шундай деган эдим: “70 ёшга кирган фарзандни отаси туғилган кун билан табриклаганини эшит-

ғанмисиз? Бугун тонгда Бухородан Тошкентга қўнғироқ қилиб оталари Мирзо бобо ўғиллари Тўра акани қутлуғ айёmlари билан табрикладилар. Бундай иқбол ҳаммага ҳам насиб этавермайди”.

Тўра Мирзаев фан ташкилотчиси, улкан фольклоршунос олим сифатида хорижда ҳам, ўзимизда ҳам мутахассислар, касбдошлар томонидан алоҳида эътироф этилади. Лекин уч мамлакат раҳбари, уч Президент томонидан атоқли олим деб таъкидланган олимларимиз борми, йўқми, аниқ билмайман. Туркия, Қирғизистон, Ўзбекистон Республикаси Президентлари – Сулаймон Демирел, Аскар Акаев ва Ислом Каримовлар у ёки бу давра сұхбати эмас, расмий мақола ва маърузаларида Тўра Мирзаевни таниқли олим сифатида тилга оладилар.

Устоз-шогирдлик анъанаси деган гап бор. Бу ҳақдаги кўпдан-кўп ҳикматли сўзларни, нақлларни, ривоят ва ҳикоятларни биламиз. Бу масалада мен Тўра Мирзаевни ўз устози – ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳ.Т. Зарифовга шогирдлик садоқатини барчамизга, келгуси авлодларга ҳам этalon даражасидадир, дегим келади. Экканингни ўрасан, деб бежиз айтишмаган. Тўра Мирзаевнинг устозга қўрсатган фидойилиги шогирдларидан қайтди. Ўзбек фольклоршунослигининг таниқли намояндалари бўлган филология фанлари докторлари Б.Саримсоқов, А.Мусақулов; ҳозирда бу йўналишда сидқидилдан, фаол меҳнат қилаётган филология фанлари докторлари – М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов ва бошқа ўнлаб хорижлик ҳамда ўз мамлакатимиздаги фольклоршунослар Тўра аканинг шогирди эканлигидан фаҳрланадилар ва бунга гард туширмасликка интиладилар.

Бевосита ва билвосита устоз-шогирдлик намуналари ни биламиз. Шу маънода, ҳозирда фаолият қўрсатиб келаётган қатор таниқли ҳалқ бахшилари Қора бахши, Чори бахши, Шоберди бахши, Абдуназар бахши, Қаҳҳор бахши каби ҳалқ бахшилари ҳам бор. Ўзбекистон ҳалқ шоири Жамол Камол, филология фанлари доктори И.Хаққулов каби эл-юрт ичida танилган шахслар ҳам Тўра Мирзаевни устоз сифатида ардоқлашини назарда тутсак, бу саҳоватпеша ин-

соннинг устоз-шогирдлик мақомида ҳақиқатан хам пеша-наси ярақлаганига ишонч ҳосил қиласиз.

Тўра Мирзаевнинг фазилатлари ҳақида гапирилар экан, унинг бу даражага етувидаги яна бир омилни алоҳида таъ-кидлаш ўринли. Бу омил Тўра аканинг оиласпарварлиги, оиласпа мөхр-муҳаббати ва айни вақтда, деярли 60 йилдан бўён ҳаётнинг борчилиги-йўқчилиги, паст-баландликла-рини бирга баҳам кўриб келаётган рафиқалари Раъно опа Равшанованинг сабрли садоқатидадир.

### 3.

Халқ оғзаки ижодини ўрганиш Тўра Мирзаевнинг хоҳи-ши, ҳавасигина эмас, қисмати бўлиб қолганлиги унинг 25 ёшлари атрофидәёқ маълум бўлди. У 1960 йилда Мамара-йим баҳшидан “Нурали” достонини ёзиб олди, кейинчалик нашр этди (янглишмасам, 25 йил ўтгач, шогирдларидан бири бу достон ҳақида номзодлик ишини ҳам ёқлади).

Салкам 50 йил мобайнида Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида, Ўрта Осиёнинг Ўзбекистонга туташ ҳудуд-ларига уюстирилган фольклор экспедицияларида шахсан иштирок этди, раҳбарлик қилди.

Деярли ярим асрдан бўён собиқ Иттифоқдаги ва халқа-ро миқёсдаги туркий халқлар оғзаки ижоди масалаларига бағишлиб ўтказилган йирик анжуман йўқки, уларда Тўра Мирзаев ташкилотчилардан бири сифагида ва маърузаси билан иштирок этмаган бўлсин. Ҳозир Ўзбекистонда ўтка-зилаётган бундай тадбирларнинг ташкилотчиси ва ташаб-бускорларидан бири шу олимдир. Бунинг учун Эргаш Жу-манбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоир каби буюқ баҳшиларимиз 100 йиллигига бағишлиб ўтказилган (академик И.Мўминов раҳбарлигига) анжуман-ларни, Тошкентда ташкил этилган туркшунослар ҳамда ол-тойшунослар халқаро конференцияларини эслаш кифоя.

XX асарнинг сўнгги чораги ва XXI асрда “Алломиши”нинг ўзимизда ўрганилиб, нашр этилиши, халқаро миқёсдаги эъ-тирофи ва тадқиқига таъсир, бевосита Тўра Мирзаев номи билан боғлиқ дейиш мумкин. 15 йил аввал жаҳон халқ оғза-

ки ижодининг бу мумтоз намунаси Германияда немис тилида чоп этилди. 1999 йил бевосита Тўра Мирзаев раҳбарлиги ва Россия Фанлар академияси ходими, таникли олима Мирбадалова билан ҳамкорликда тарихда илк бор унинг икки тил – ўзбек ва рус тилидаги (таржимон – М.Абдураҳимов) академик нашри амалга оширилди. Нашрга достон ҳақидаги муҳтасар тадқиқот, матн мусиқасининг нотага солинган шакли, рус тилига ўтирилган матн учун изоҳ ва луғат илова қилинди. Бу нашр эпосдек улкан фольклор асарини чоп этишнинг жаҳон миқёсидаги ибратли намуналаридан бири бўлиб қолди. 2000 йилда Карл Райхл таржимасида Тўра Мирзаев қаламига мансуб "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" асари немис тилида чоп этилиши ўзбек олимининг ҳалқаро миқёсда тан олинниб бораётганининг яна бир далили бўлди. Бу, айни вақтда, Фози Олим Юнусов, Ҳоди Зарифов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Малик Муродов, Муҳаммадносир Саидов кабим фольклоршунос олимларимизнинг илғор анъаналари муносиб давом эттирилаётганини кўрсатди.

Тўра Мирзаев тадқиқотлари Ўрта Осиё, Татаристон, Озарбайжон, Бошқирдистон, Олтой олимларидан ташқари В.Жирмунский, В.Путилов, К.Райхл каби ҳалқаро миқёсдаги фольклоршунос назариётчилар томонидан юқори баҳоланди.

Туркий достонларни ўз қобигидагина эмас, типологик ва қиёсий ўрганиш зарур деган коцепцияни Тўра Мирзаев янада мустаҳкамлади. Ҳусусан, ўзбек ҳалқида "Алпомиш"нинг икки версияси мавжуд экани, у ана шу икки йўналишда тарқалгани ҳақида Тўра Мирзаев илгари сурган фикр ҳамкасларнинг кўпчилиги томонидан тан олинди, бу ноёб асарнинг келиб чиқиши, тарқалиши вариантлари ҳақидаги баҳс ва тортишувларга жиддий ойдинлик киритди. Атоқли адабиётшунос В.М.Жирмунский ўзбек олимининг бу йўналишдаги изланишларини юқори баҳолаб, "Алпомиш"нинг ўзбек вариантлари ни қиёслаш асосида чиқарилган хulosалар билан Тўра Мирзаев бу принциплар асосида туркий достонлар устида тадқиқот олиб боришга "пойдевор қўйди" деган эди. Зоро, Тўра Мирзаев "Алпомиш"нинг ўттизга яқин баҳшилар томонидан ижро этилган, ўттиз бешга яқин вариантини ўзаро чоғишириб,

қиёслаб ўрганиши у ҳақда улкан олимнинг шундай хуласалар чиқаришига омил бўлди.

Тўра Мирзаев Жаҳон фольклоршунослиги тадқиқида ноёб деб баҳоланишга муносиб нашрларни амалга ошираётганига яна бир мисол ишлатиш ўринли бўлади. У бахши Раҳматулла Юсуф ўғли ижро этган “Гўрӯғли” туркумидаги йигирма етти достонни умумлаштириб чоп эттириди. Устоз олим яқинда ўзбек фольклоршуноси, профессор Маматқул Жўраев, таниқли олмоншунос олим, доцент Хурсанд Раҳимов ҳамда немис олимаси Келлер хоним ҳамкорлигига Германияда чоп этилган икки жилдли ўзбек фольклоршунослиги каталогининг яратилишига бош-қош бўлди.

Агар юқоридаги маълумотлар ёнига Тўра Мирзаевнинг узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори лавозимларида меҳнат қилгани, шу институт қошидаги докторлик илмий даражасини берувчи кенгаш раиси, “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали бош мухаррири бўлганини; унинг раҳбарлигига кўп жилдли ўзбек фольклори намуналарининг ўттиз етти китоби чиққанини, ҳозирда юз жилдли ўзбек ҳалқ ижоди ёдгорликларининг дастлабки жилдлари чиқа бошлаганини эътиборга олсак, унинг ташкилотчилик фаолияти нечоғли серқирра ва салмоқли, илмий-ижодий салоҳияти нақадар серунум эканига гувоҳ бўламиз.

Бу тинимсиз меҳнат ва изланиш Тўра Мирзаевни ҳақли равища Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланишига асос бўлди.

#### 4.

Тўра Мирзаевнинг сўнгги босқичдаги изланишларида фольклоршуносликнинг методологик муаммолари алоҳида ўрин тутади. Бунга унинг, айниқса, “Гўрӯғли” ва “Алпомиши” ҳақидаги икки салмоқли мақоласи далилдир.

“Алпомиши” туркуми ўттиз икки достондан иборатми?” мақоласининг ёзилишига янги авлод бахшилари томонидан бу буюк достоннинг сохта намуналари яратила бош-

лагани, “Алпомиш” туркуми достонлари сонини кўпайтиришга уринишдан ташқари, халқ ижоди шаффоғлигини сақлаш” уни “тўқима, улама, сохта намуналар билан булғамаслик” зарурати сабаб бўлди. Бу масалага профессор Ҳ.Зарифов 1930 йиллар аввалидаёқ эътиборни тортган эди.

Тўра Мирзаев, айниқса, тўпловчилик ишларининг метод ва методологияси бузилмаслиги заруратига эътиборни қаратади. Аслида, “мустаҳкам, барқарор эпик анъаналардан ташқарида, анъана билан бадиҳа ўзига хос бир мутаносибликда бирлашмаган ҳолатларда фольклор асари бўлмайди”<sup>1</sup>, – деб ёзади Тўра Мирзаев.

“Эпоснинг жонли оғзаки намуналари сўла бошлаган ёки ўз шаклини ўзгартираб бораётган даврнинг ҳосилалари сифатида юзага келган бундай намуналарни ҳам ёзиб олиш, ўрганиш, уларнинг халқ оғзаки бадиий ижоди билан муносабатини аниқлаш, шунингдек, бахшиларда индивидуал ижодкорлик ҳиссининг кучая бориш жараёнини теран кузатиш ҳамда замонавий мавзуларда одоб-ахлоққа доир улар томонидан яратилаётган термаларни тадқиқ этиш бугунги фольклоршунослигимизнинг муҳим вазифалари дандир” деган қараш мутахассислар олдига ечилиши зарур қатор муҳим муаммоларни қўйди. Зеро, бу методологик ёндашув “янги”, сохта фольклор асарлари пайдо бўлишининг, бу масаладаги сохтакорликнинг олдини олиши мумкин”.

Юқоридаги фикрларга асосланган Тўра Мирзаев: “Айрим тадқиқотчилар ва, ҳатто, бахшилар ўйлаганидек “Алпомиш” туркуми ўттиз икки достонни ўз ичига олмайди, достоннинг маъно моҳияти, поэтик қурилиши, унда куйланган давр, ғоя ва образлар мантиғи бундай кенг миқёсли туркум яратилишини тақозо” этмайди, – деб хулоса чиқарди. Зотан, “Алпомиш” достони ўзининг тасвир миқёслари жиҳатидан ҳар қандай туркумдан кенг ва улуғвордир”<sup>2</sup>. Ҳуш, шундай бўлса, “Ёдгор” достонининг яратилишини қандай изоҳлаш мумкин, деган ҳақли савол туғилади. Олим изланишларида, фикримизча, бу саволнинг ҳам тўғри жавоби топилади. “Алпомиш” достонидаги “Ёдгор” билан боғ-

<sup>1</sup> Ўзбек тили ва адабиёти. 2017, 6-сон, 11-бет.

<sup>2</sup> Шу ерда. 18-бет.

лиқ айрим ижодкорликка ҳавола тасвиirlар бу ёш қаҳрамон эпик биографияси түғрисида мустақил достон яратиш зарурлигини тақозо этади<sup>1</sup>.

Тұра Мирзаевнинг фольклоршунослық методологиясига бағишилланған навбатдаги мақоласи “Гүрүғли” туркуми достонларининг яратилиш даври” деб аталади<sup>2</sup>. Мақола номида достоннинг яратилиш даври ҳақидагина гап борадигандек туылса-да, унда, аслида, “Гүрүғли” билан алоқадор қатор назарий-амалий муаммолар, айниқса, бу асарга ёндашувнинг айрим мұхым методологик масалалари ёритилади.

Маълумки, бу ноёб эпоснинг йигирмага яқын ҳалқ баҳшиларидан ёзіб олинган вариант ва версиялари мавжуд. Бинобарин, у ниҳоятда кенг худудда тарқалиши жиҳатидан ҳам ноёб. Шу вақтгача ҳамон бу асар у ёки бу ҳалқнинг мұлқидир, аслида, у ёки бу ҳалққа мансубдир, деган баҳслар да-вом этиб келади. Тұра Мирзаевнинг мазкур масалага қараши үзига хос: айрим фольклор асарлари, жумладан, “Гүрүғли” туркуми ҳам “қачонлардир яратилиши ҳамда тарихий-ҳәёттій ва мифологик асослари жиҳатидан бир ёки бир неча негизга бориб тақалсалар-да, кейинги тараққиетіда оғзаки ижро шароитларида уларни құйлаб келган ҳар бир ҳалқнинг үз миллий эпосига айланған”<sup>3</sup>.

Баъзи олимлар “Гүрүғли” силсила достонларининг дастлаб юзага келган үрни Жанубий Озарбайжон эканини ва, ҳатто, унинг бош қаҳрамони тарихий шахс бўлганини эътироф этадилар. Тұра Мирзаев бу фикрни инкор этмайди, унда муайян илмий қараш мавжудлигини таъкидлайди. Лекин, айни вақтда, бу нуқтаи назарга муайян бир танқидий муносабат ҳам билдиради.

Ўзбек олими фикрича, “Гүрүғли”ни XVII асрда яратылған деб қараш ва унинг қаҳрамонини ўша вақтда Жанубий Озарбайжонда яшаган шахс номи билан боғлаш туркум достонларнинг саногини, аввалги даврларда яратылганини ва уларнинг қадимий замири XVII асрда яшаган шахсдан анча

<sup>1</sup> Шу ерда. 19-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти: таъсир ва типология. –Т.: Мухаррир. 2013. 17–28-бетлар.

<sup>3</sup> Шу манба. 17-бет.

аввалги замонларга мансуб эканини инкор этиши мумкин. Бу туркум достонларнинг фақат айримларигина XVII-XIX асрларга мансуб, айримлари эса “қайта шакллантирилган, ва ҳатто баъзиларига “янгича “бадиий либос” кийдирилган”. Шу маънода, эпосга, хусусан, “Гўрўғли”га “Халқ ижтимоий-маънавий ҳаёти билан қанчалик чамбарчас боғланган, тарихий воқелик ва тарихий жараён билан қанчалик шартланган бўлмасин, унинг реал нусхаси эмас, балки бадиий тасвиридир”<sup>1</sup>, деб қараш тўғри бўлади.

Узоқ йиллар давомида халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, достонларга, уларда ижтимоий муаммоларнинг акс этиши нуқтаи назаридан баҳо бериш тамойили хукм сурди. Тўра Мирзаев бу масалани инкор этмаган ҳолда, халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, достонларга ҳам, энг аввало, бадиий асар сифатида қараш, бинобарин, улардаги бадииятга қараб баҳо бериш зарурлигини таъкидлайдики, бу қарашнинг бадиий асар моҳияти ва аҳамиятини белгилашдаги ўрни нечоғли муҳим эканини таъкидлашнинг зарурати бўлмаса керак.

Фольклоршуносликда шу вақтгача “Гўрўғли” типидаги силсила достонларнинг, асосан, бир халқдан иккинчисига ўтиб тарқалиши таъкидланади. Тўра Мирзаев фикрича, бу қарашда жон бор, лекин уни қатъий равишда қабул қилишга шошилмаслик зарур. “Менинг кузатувим бўйича, – дейди у, – ўзбек, туркман, озарбайжон версияларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида генетик асосларга бориб тақалади, ва демакки, турли нуқталардан тарқалиб, ёйилиш ареалига эга бўлади”<sup>2</sup>. Тўра Мирзаев кузатишлари ва хulosаларига кўра “Гўрўғли”нинг “ҳатто ўзбек версияси икки хил генетик асосга эга”. Шу тариқа ўз кузатишлари ва деярли ярим асрлик иш тажрибасига асосланиб, Тўра Мирзаев бу масалада янги бир назарий фикрни илагари сурадики, фольклоршунослик фани методологияси учун у муҳим аҳамиятга эгадир. Унга кўра, халқ оғзаки ижоди намуналари, айниқса, эпос ва унинг версия, варианtlарига макон ва замондаги силжиши ҳамда шунинг таъсиридаги ҳаётнинг, тарихнинг “акс садола-

<sup>1</sup> Шу манба. 27-бет.

<sup>2</sup> Шу манба. 23-бет.

ри"дан келиб чиқиб, достон шу "даврда яратилган" деб хулоса чиқариш түғри бўлмайди. Шу ўринда машхур турк олими Огоҳ Сирри Лаванд билан ўзбек олими Тўра Мирзаевнинг достон бош қаҳрамони исми кейинроқ яратилган бўлиши мумкин, деган қарашлари уйғун эканини такидлаш лозим.

"Гўрўғли" достонлар силсиласининг (озарбайжон ва турк версиялари – 28-30; туркман версияси – 20; ўзбек версияси – 100-105 достон) яратилиш даври ҳақидаги Тўра Мирзаевнинг яна бир хulosаси эътиборлидир. Бундай кўламдор туркум сўнгги икки-уч аср мобайнида яратилиши мумкин эмас, улар анча узоқ даврлар маҳсулидир, деб ҳисоблайди олим.

Тўра Мирзаев "Гўрўғли" достонлар туркумининг дастлабки намуналари "Китоби дадам Кўркут" ва "Алпомиш"-дан сўнг Ўрта Осиё минтақасида пайдо бўлди деган нуқтаи назарда туради ва қарашларини достон марказида акс этган Чамбил мамлакатидаги давлатнинг ташкил топишида ўз ифодасини топган бадиий талқин Ўрта Осиёда содир бўлган худди шу ижтимоий ҳаракатларга мос туриши билан изоҳлайди.

Бу – узоқ йиллардан буён туркий фольклоршуносликда давом этиб келаётган тортишувли, баҳсли масала ҳал бўлди дегани эмас, албатта. У ҳақда янги-янги изланишлар давом этиши, янги-янги илмий қарашлар илгари сурилиши табиий. Лекин бир нарса аниқки, бу каби масалалар ўрганилиши давом этар экан, ўзбек олими Тўра Мирзаевнинг мазкур муаммолар хусусидаги узоқ йиллик изланишлари, хulosалари мутахассисларнинг шубҳасиз, эътиборини тортади. Улар Тўра Мирзаев тадқиқотлари, хulosаларига муносабат билдиримай ўтишлари мумкин эмас. Зеро, академик Тўра Мирзаевнинг "Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари", "Халқ баҳшиларининг эпик репертуари", "Эпос и сказитель", "Ўзбек халқ шеърияти", "Гўрўғли" туркумидаги достонларнинг яратилиш даври" ҳамда "Алпомиш" туркуми ўтгиз икки достондан иборатми?" сингари ўтмиш маданий меросимизга бағишлиланган мақола, тадқиқот ва монографиялари ўзбек халқининг бугуни ва келажакдаги маданий-маънавий нуфузини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Маматқұл ЖҮРӘЕВ**

## **ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИНИНГ АТОҚЛИ НАМОЯНДАСИ**

Ходи Зариф асос солған ўзбек фольклоршунослиги мактабининг Марказий Осиёдаги етакчи илмий мактаблардан бири даражасида танилиши ва бугунги ривожида фидойи фан ташкилотчиси, эпосшуносликнинг фундаментал назарий масалаларини юксак илмий даражада ҳал қылган йирик олим Тўра Мирзаевнинг хизматлари бениҳоя катта. Т.Мирзаев 1936 йил 6 март куни Бухоро вилоятининг Шоғиркон туманидаги Чандир қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Саврак қишлоғида дунёга келди. 1943-1953 йилларда Ибн Сино номли ўрта мактабда таҳсил олди. 1953 йили Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги Бухоро давлат университети) тарих-филология факультетининг ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ўқишига кирди.

1957 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлагач, маҳсус йўлланма билан Сурхон воҳасига ишга юборилиб, 1957-1958 йилларда Жарқўрғон туманидаги Кақайди қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги мактабларда ўқитувчиллик қилди. Бўлажак фольклоршуносининг ҳалқ оғзаки бадиий ижодиёти дурдоналарини илмий тадқиқ эта билиш иқтидори ҳам ҳудди шу даврда куртак ёза бошлаган эди. У кўнглида сўз санъатига ҳавас уйғонган ёшларни адабий ўлкашунослик сирлари билан таништириди<sup>1</sup>. Жарқўрғон туманидаги 5-сонли мактабда “Ёш фольклоршунослар тўғараги”ни тузиб, сўзга чечан момолару “кумкулоқ” бололардан алла, ёр-ёр, келин салом, айтим-олқишлиарни, мақол, топишмоқ ва эртакларни ёзиб олишни ташкил этди.

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзаев Т. Адабиёт тўғаракларини ташкил этиш тажрибасидан // Ўқитувчилар газетаси. –Тошкент, 1961, 16 март.

У фольклоршунослик амалиётида биринчи бўлиб нева-расини тиззасига олиб ухлатаётган боболарнинг алласи – “хўйя” намуналари матнларини ёзиб олди ва шу тариқа асосан Жанубий Ўзбекистондагина сақланиб қолган бу жанр ҳақидаги илк маълумотлар тўпланди. Ўкувчилари билан биргаликда ўтказган фольклор экспедицияларидан бирида Жарқўргонда истиқомат қилувчи зукко достончи Мамадрайим баҳши ҳузурида бўлиб, ундан “Нурали” достонини ёзиб олди. Ана шу илк изланишлар жараёнида асрлар давомида баҳшилар тилидан тушмаган ҳалқ достонлари бадииятини ўрганиш ҳамда баҳшилар эпик ижодиётининг ўзига хос жиҳатларини илмий тадқиқ этиш иштиёқи юзага келди. Шу тариқа ўзининг фольклоршунослик фаолиятини тўпловчиликдан бошлаган Т.Мирзаев ҳалқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини ёзиб олиш ва системалаштириш борасида муайян тажрибага эга бўлган истеъоддли мутахассис сифатида 1960 йилнинг кузида ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасига ҳужжат топширди.

Институтнинг пешқадам олимлари Тўра Мирзаевнинг кенг қўламли филологик тадқиқотларга тайёр бўлган ёш мутахассис эканлигини эътироф этишид ва у аспирантурага қабул қилинди. 1961–1964 йилларда аспирантурада таҳсил олиб, атоқли фольклоршунос олим X.Зарифов раҳбарлигида “Алпомиш” достонининг ўттизга яқин вариантларини қиёсий таҳлил қилди.

Т.Мирзаевнинг аспирантлик даврида ўзбек-лақайлар фольклорини тўплаш ҳамда баҳшилар ижодиётини жонли ижро жараёнида ўрганиш мақсадида 1963 йил июнь–август ойларида Жанубий Тожикистаннинг Восеъ, Данғара, Кўрғонтепа, Колхозбод туманлари бўйлаб ўтказган экспедицияси, айниқса, самарали бўлди<sup>1</sup>. Бу экспедиция натижасида Данғара тумани-

<sup>1</sup> Ўзбек ҳалқ достончилиги анъаналарини ўрганишда мұхим босқич сифатида эътироф этилган мазкур илмий экспедиция ҳақида тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Мирзаев Т., Муродов М. Ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди дурдоналарини излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1963. –№1; Мирзаев Т. “Алпомиш” достони вариантларини излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1964. –№2. – Б.78–79; Яна ўша. Қўшқиялик баҳши // Ўзбекистон маданияти. –Тошкент, 1964 йил, 8 июль; Яна ўша.

нинг Жорибқўл қишлоғида яшовчи 80 яшар Тўла соқи Ҳайбат ўғли репертуарида “Алпомиш” достонининг ўзига хос варианти мавжудлиги аниқланди. Бу илмий кашфиётнинг аҳамияди шунда эдики, “Алпомиш” достонининг Тўла соқи Ҳайбат ўғли вариантида Барчиннинг отаси Қармишбой деб аталиши атоқли олим Ҳоди Зарифнинг “Шажараи тарокима”даги “ўғуз элини оғизлариға қаратиб кўп йиллар беклик қилган етти қизнинг иккинчиси Қармишбойнинг қизи ва Момишбекнинг ҳалоли Барчин сулув эрди” деган қайднома “Алпомиш” достонига дахлдор деган илмий фаразини<sup>1</sup> тасдиқловчи ғоят муҳим далил бўлди. Чунки “Алпомиш” достонининг Тўла соқи Ҳайбат ўғли Т.Мирзаевга айтиб берган вариантида ҳам худди Абулғозий Баҳодирхон ёзганидек<sup>2</sup>, Барчиннинг отаси Бойсари эмас, балки Қармишбой деб аталади. Бунинг устига “Тўла соқининг гувоҳлик беришича, XIX асрнинг II ярми – XX аср бошларида яшаган Ҳайбат соқи Шомол ўғли, Кундуз соқилар қуйлаб келган “Алпомиш” достони вариантларида ҳам Барчиннинг отаси Қармишбойдир. Буни Арал қишлоғида яшаётган Ула соқи, Мустафоқул соқилар ҳам тасдиқлади”<sup>3</sup>.

Ўзбек-лақай баҳшилари репертуаридаги “Алпомиш” достонида Қармишбой образининг мавжудлиги тасодифий бўлмай, генеалогик афсоналар сюжетининг ҳам деталларидан биридир. Чунки “лақай” уруғининг келиб чиқиши ҳақидаги генеалогик афсонанинг 1948 йил 4 октябрда Кўлоб вилоятининг Дават қишлоғида яшовчи 104 яшар Эшқувват отадан ўқитувчи К.Дўсаев ёзиб олган вариантида ҳам Қармиш образи мавжуд. Афсонада айтилишича, Қармиш Чингизхоннинг кенжаси исми бўлиб, лақайларнинг бобокалони сифатида талқин қилинган<sup>4</sup>. Шунингдек, В.В.Бар-

Тожикистонда яшаётган ўзбек достончилари ижодини ўрганиш хақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1964. –№5. –Б.64–66.

<sup>1</sup> Зарифов Х. “Алпомиш” эпосининг асосий мотивлари // Шарқ юлдузи. –Тошкент, 1957. –№1. –Б.129.

<sup>2</sup> Кононов А.Н. Родословная туркмен, сочинение Абул-гази хана хивинского. –М.-Л., 1958. –С. 78.

<sup>3</sup> Мирзаев Т. “Алпомиш” достони вариантларини излаб // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1964. –№2. –Б.79.

<sup>4</sup> Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. –Сталинабад, 1954. –С.23–25.

тольднинг қайд қилишича, Қўрқут отага нисбат бериувчи мақоллардан тузилган “Аталар созю” номли қўлёзмадаги 75-ҳикматда Қўрқутнинг отаси Қармиш ёки Қирмиш дейилган<sup>1</sup>.

Ана шу маълумотларнинг ўзи ҳам Т.Мирзаевнинг ўзбек-лақай бахшилари репертуаридаги достонларни ёзib олиш ва бу худуддаги достончилик анъаналарини тадқиқ этиш мақсадида олиб борган экспедицион изланишлари қаҳрамонлик эпоси сюжетининг генетик илдизларини аниқлашга доир ғоят қимматли маълумотларни берган-лигини кўрсатади. Экспедиция давомида Жанубий Тожикистонда яшовчи бахши-шоирлар ижодини кенг кўламда ўрганган Т.Мирзаев колхозободлик Бўрибай Аҳмедовдан “Алпомиш” достонини, Колхозобод туманидаги Тошработ қишлоғида яшовчи 66 яшар Назар Шукуровдан “Хонойим”, Данғара туманининг Гулбулоқ қишлоғида истиқомат қилувчи 85 яшар Шомурод соқи Бойман ўғлидан “Авазхоннинг Гирдоб кўлига сафари”, Зардолубоғ қишлоғилик 68 яшар Моро соқи Жалматовдан “Гўрўғлининг нобуд бўлиши” достони, шунингдек, “Ёзи билан Зебо” достонидан парчалар, бир неча эртаклар, қўшиқлар, термалар ва мақолларни ёзib олди. Бундан ташқари, ўрганилган худудда Мустафоқул соқи, Ула Ҳайбат ўғли, Бозор Шеров, Бўрон соқи, Авғон Раҳимов, Қораҳон соқи ва бошқа бахшилар яшаб, достон куйлаётганликлари аниқланди. Мазкур экспедиция материаллари тадқиқотчига Жанубий Тожикистонда яшайдиган ўзбек бахшилари репертуарини умумўзбек достончилик анъаналари тизимида қиёсий-тарихий жиҳатдан текшириш, фольклорда версия ва вариантилийни ўрганиш, достончиликдаги жонли ижрочилик анъаналарининг сақланиш даражаси ва тараққиёт қонуниятларини аниқлаш, эпик сюжетларнинг тарқалиш доираси ҳамда бахшичилик санъатида рўй берадиган ўзгаришларни таҳлил қилиш имконини берди. Натижада “Алпомиш” достони ўзбек вариантларининг ўзига хос хусусиятлари, достон сюжетининг тарихий асослари, ривожланиш босқичлари

<sup>1</sup> Бартольд В.В. Турецкий эпос и Кавказ // Сочинения. Т. V. –М.: 1968. –С.484.

ва тарқалиш ареали, достончиликда версия ва вариантлик масалаларига бағишенгандык илмий мақолалари юзага келди<sup>1</sup>.

Аспирантура таҳсил тугагач, ЎзР ФА Тил ва адабиёт институттада ишга қолдирилган Т.Мирзаев 1964 йил апрелдан 1966 йил июль ойигача Фольклор бўлимининг кичик илмий ходими лавозимида ўз илмий тадқиқотларини давом эттирди.

Фольклор асарларини барча тур ва жанрлар асосида яхлит тадқиқ этишнинг илмий методларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган Т.Мирзаев ўзининг ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосини ўрганишга доир изланишларини умумлаштириб, 1965 йилда “Алпомиш” достонининг ўзбек варианatlари” мавзуидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Мазкур тадқиқот жаҳоннинг кўплаб йирик олимлари, жумладан, XX асрнинг атоқли филолог олими академик В.М.Жирмунскийнинг жуда юксак баҳоси ва муносиб эътирофига сазовор бўлди. У диссертация автореферати билан танишиб чиққач, Т.Мирзаевга қуйидаги хатни ёзган эди: “Сиз мазкур ишингиз билан энг машҳур ўзбек достонларини барча варианtlари бўйича тадқиқ қилишдек янги йўналишга пойдевор қўйгансиз. Бу эса ўзбек халқ ижодини ҳар томонлама ўрганишда жуда муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблайман. Ўзбеклар орасида “Алпомиш” достонининг икки типи мавжудлигини кашф этганлигингиз менда катта қизиқиш уйғотди. Чунки достоннинг Бўри баҳси версияси сифатида тавсифланган типи менга маълум эмас эди. Шу боис тадқиқотингизнинг бу холосаси мен учун жиддий янгилик бўлди”.

Дарҳақиқат, нафақат ўзбек, балки туркий халқлар фольклоршунослигига эпос назариясига доир илмий қарашларни тубдан ўзгартириб юборган бу диссертация

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзаев Т. “Алпомиш” достонининг ўзбекча прозаик мазмунлари ҳакида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1963. –№5. –Б.17–20; Яна ўша. “Алпомиш” достонининг ўзбек версиялари ҳакида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1963. –№6. –Б.23–27; Яна ўша. Ўзбек эпосида варианция масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1964. –№4. –Б.59–62.

1968 йилда “Алпомиш” достонининг ўзбек варианatlари” номи билан китоб ҳолида нашр этилди<sup>1</sup>.

Т.Мирзаев дунё фольклоршунослигида илк бор ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпосининг классик намунаси ҳисобланган “Алпомиш” достонини тўла ўрганиб, бу эпик асарнинг ўзбек бахшилари репертуарида қайд қилинган барча варианtlарини қиёсий тадқиқ этиш асносида достоннинг ўзбек ҳалқи эпик тафаккури тараққиётida тутган муҳим ўрнини белгилаб берди. Олим достон сюжетининг тарихий асослари, шаклланиш босқичлари ва бадиий ривожи, сюжет тизимидағи етакчи мотивлар поэтикасини изчил ўрганиб, “Алпомиш” достони яратилган даврни аниқлаб берди. Т.Мирзаев жуда бой тарихий, этнографик ва филологик далилларга асосланган ҳолда, “Алпомиш” достонининг мукаммал эпик асар сифатидаги шаклланиш даври X-XI асрларга оид деб белгилаши жаҳоннинг кўплаб нуфузли илмий марказлари томонидан эътироф этилган. Т.Мирзаевнинг “Алпомиш” достони ҳақидаги монографик тадқиқотлари Германия, Туркия, Россия каби мамлакатларда нашр қилинганлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир<sup>2</sup>.

Т.Мирзаев ўз фаолияти давомида бу достонни бахшилардан қайта ва қайта ёзиб олиб, илмий ўрганишни изчил давом эттируди<sup>3</sup>, кўплаб варианtlарини биринчи бўлиб чоп

<sup>1</sup> Бу монографик тадқиқот илмий жамоатчилик томонидан қизгигин кутиб олинди. Қаранг: Камолов Ж. “Алпомиш” достони варианtlари ҳақида китоб // Бухоро ҳақиқати, 1968, 1 октябрь; Қодиров М. Достонлар таҳлили // Ўзбекистон маданияти. –Тошкент, 1970, 6 январь.

<sup>2</sup> Мирзаев Т. Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” // Туркология материаллари. –Бохум, 1984 (немис тилида); Яна ўша. Вопросы сравнительного изучения “Алпамыш” и “Альп-Манаш” // Фольклорное наследие народов Сибири и Дальнего Востока. –Горно-Алтайск, 1986. –С.110–112. Яна ўша. “Alpamış” destanı üzerinde araştırmalar // Uluslararası turk dünayısı halk edebiyatı kurultayı. –Ankara. 2000. –S.58–59; Яна ўша. Алпомиш достонининг ўзбек варианtlари // Карл Райхл. Ўзбек қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш”. –Висбаден, 2001. –Б.77–107 (немис тилида); Яна ўша. “Alpamış” destanining ogrenilmesi // Uluslararası turk dünayısı halk edebiyatı kurultayı bildirileri. –Ankara, 2002. –S.545–547.

<sup>3</sup> Мирзаев Т. “Алпомиш” нашрининг ўзбек достончиларига таъсири // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1965. –№2. –Б.12–18; Яна ўша.

эттириди<sup>1</sup>, Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган намунанинг илмий-академик нашрини<sup>2</sup> амалга ошириди, достон матни нинг бошқа тилларга ўғирилган таржималарини<sup>3</sup> нашр эттириб, ўзбек халқ қаҳрамонлик эпосини дунё халқлари маданиятининг беназир бадиий қадриятларидан бирига айланишига хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра 1999 йилда Термиз

“Алпомиш” достонининг ғоявий йұналиши хақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1965. –№3. –Б.21–24; Яна ўша. “Алпомиш” достони варианtlаридаги бир хусусият түгрисида // Ўзбек халқ ижоди. –Тошкент, 1970. –Б.49–50; Яна ўша. “Алпомиш” достонининг жаҳон халқлари эпик ижодиётida туттган ўрни // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент, 1999. –№6. –Б.34–37; Яна ўша. Ўзбек қаҳрамонлик эпосининг бархаёт намунаси // Мозийдан садо. –Тошкент, 1999. –№3. –Б.24–26; Яна ўша. “Алпомиш” достони, унинг версия ва варианtlари // “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. –Тошкент: Фан, 1999. –Б.3–24.

<sup>1</sup> Алпомиш (Берди бахши вариантининг матни, сұзбоши ва лугат). –Тошкент: Фан, 1969; Алпомиш (Фозил Йўлдош ўғли вариантини нашрга тайёрловчи: Ҳ.Олимжон, Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев). –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Алпомиш. Рустамхон. Ўзбек халқ достонлари (“Алпомиш” достонининг Фозил Йўлдош ўғли вариантини нашрга тайёрловчи: Ҳ.Олимжон, Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев). –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985; Алпомиш (нашрга тайёрловчи Т.Мирзаев). –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987; Алпомиш (достондан парчани нашрга тайёрловчи: Т.Мирзаев) // Эпос. –Тошкент: Ёш гвардия, 1987; Алпомиш. 1-жилд. Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Алпомиш. 2-жилд. Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Зарифов, Т.Мирзаев. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Алпомиш. Сұзбоши, матн, лугат муаллифи: Т.Мирзаев. –Тошкент: Шарқ, 1998; Алпомиш. Бекмурод бахши варианти. Сұзбоши муаллифи ва матнни нашрга тайёрловчи: Т.Мирзаев. –Тошкент: Ёзувчи, 1999; Алпомиш. Берди бахши варианти. Сұзбоши муаллифи ва матнни нашрга тайёрловчи: Т.Мирзаев. –Тошкент: Фан, 1999; Алпомиш. Пулкан шоир варианти. Матнни нашрга тайёрловчи: Т.Мирзаев. –Тошкент: Ёзувчи, 1999; Алпомиш. Ёдгор. Сайдмурод Паноҳ ўғли ва Фозил шоир варианtlари. Сұзбоши муаллифи ва матнни нашрга тайёрловчи: Т.Мирзаев. –Тошкент: Ёзувчи, 2000;

<sup>2</sup> Алпамыш. Тадқиқот, матн, изоҳлар. Академик нашр. –Тошкент: Фан, 1999. 53 б.т.

<sup>3</sup> Алпамыш (Вступительная статья, подготовка текста и примечания Т. Мирзаева). –Л., 1982; Алпамыш. Вступительная статья, подготовка текста и словарь Т. Мирзаева. –Ташкент: Фан, 1998; Alpamis destani. –Ankara, 2000.

шахрида ўтказилган “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги тантаналари доирасида жаҳоннинг етакчи фольклоршунос олимлари иштирокида “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзуидаги халқаро конференция бўлиб ўтганлигини ҳам профессор Тўра Мирзаев илмий тадқиқотларининг ўзига хос сархисоби дейиш мумкин.

“Алпомиш” достонининг ўзбек баҳшиларидан ёзиб олинган барча варианtlарини текстологик жиҳатдан тадқиқ этиш борасидаги изчил иш олиб борган Тўра Мирзаев мазкур йирик эпик асарнинг Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Берди баҳши, Бекмурод Жўрабой ўғли, Сайдмурод Паноҳ ўғли варианtlарининг академик нашрини тайёрлаб, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигига нашр эттиради.<sup>1</sup> Бундан ташқари, олим “Алпомиш” достонининг Зоҳир шоир Кўчқор ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Мардонакул Авалиёқул ўғли варианtlарини, шунингдек, “Ёдгор” достонининг Чори баҳши Умиров, Қаҳҳор Раҳимов варианtlарини ҳам илк бор нашрга тайёрлади.

Т.Мирзаевнинг эпосдаги версия ва вариантилик юазасидан билдирган назарий қарашлари ўзбек халқ достонларининг барча вариант ва версиялари асосида комплекс ўрганишдан иборат янги илмий йўналишни бошлаб берди. Унинг илмий-назарий қарашларига суюнган ўзбек фольклоршунослари “Гўруғлиниң туғилиши”, “Рустамхон”,

<sup>1</sup> Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 1-жилд. “Алпомиш” достони (Фозил Йўлдош ўғли варианти). Нашрга тайёрловчи: Х.Зарифов, Т.Мирзаев. Масъул муҳаррир: М.Жўраев. –Тошкент:Faafur Gulom nomidagi nashriyoti-matba, 2015. –512 б.; Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 4-жилд. “Алпомиш” достони (Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Бердиёр Пиримкул ўғли, Сайдмурод Паноҳ ўғли варианtlари). Нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, М.Нарзикулова. Масъул муҳаррир: М.Жўраев. –Тошкент: Faafur Gulom nomidagi nashriyoti-matba ijodiy yiji, 2015. –444 б.; Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 10-жилд. “Алпомиш” (ўзбек халқ қаҳрамонлик достонлари). Бекмурод Жўрабой ўғли ва Эгамберди Олломурод ўғли варианtlари (нашрга тайёрловчилар: Т.Мирзаев, Б.Мирзаева). Масъул муҳаррир: М.Жўраев. –Тошкент: Faafur Gulom nomidagi nashriyoti-matba ijodiy yiji, 2016. –512 б.

“Кунтуғмиш”, “Муродхон”, “Малла савдогар”, “Зевархон”, “Соҳибқирон”, “Фарҳод ва Ширин”, “Ширин билан Шакар”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Хурлиқо ва Ҳамро”, “Ёзи билан Зебо”, “Баҳром ва Гуландом”, “Тоҳир ва Зухра” сингари ўнлаб халқ достонларининг вариантлари, генетик илдизлари, ўзига хос эпик табиати ва бадиияти ҳақида илмий тадқиқотлар яратдилар.

ХХ асрнинг 60-йиллари охирида ёқ фольклоршунослар орасида ўзига хос илмий қарашлари билан танилиб қолган Т.Мирзаев 1966 йилнинг июлидан 1971 йил сентябригача ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг катта илмий ходими вазифасида ишлади. 1971 йил октябрдан 1973 йил сентябргача мазкур институтдаги Халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаб, системалаштириш ва нашр этиш бўлимига мудирлик қилди. 1973 йил октябрдан ўтибиоран Фольклор бўлимига мудир этиб тайинланди. Т.Мирзаевнинг шундан кейинги илмий қизиқишлари асосан ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, генезиси ва бадиияти, эпосшунослик, достончилик мактаблари ва халқ бахшиларининг эпик репертуари, фольклор назарияси, фольклоршунослик тарихи, халқ оғзаки бадиий ижоди асарларини тўплаб, системалаштириш ва нашр этиш, фольклор матншунослиги ҳамда бугунги тарихий-фольклорий жараён масалаларига қаратилди.

Ўзбек достончилиги мактабларининг Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Ёрлақаб бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Берди бахши, Сайдмурод Паноҳ ўғли, Мардонакул Авалиёқул ўғли каби ўнлаб забардаст сиймолари ижодиётининг тадқиқ ва тарғиб этилиши ҳам бевосита Т.Мирзаев номи билан боғлиқ. У ўзбек достончилиги тараққиётига катта хисса қўшган халқ бахшилари репертуаридаги фольклор асарларини ёзиб олиш, архивлаштириш, нашр этиш ва ўрганиш ишига раҳбарлик қилиш билан бир қаторда, ўзи ҳам ҳар бир бахши ҳақида алоҳида илмий тадқиқотлар яратди.

Ўзбек халқ бахшиларининг ижрочилик маҳорати ва достончилик мактабларининг эпик анъаналарини узоқ йиллар мобайнида ўрганганд Т.Мирзаев “Достончилик мак-

таблари" (1973), "Бахшилар" (1975), "Пўлкан шоир ҳақида сўз" (1976), "Ўзбек халқ достончилиги ва Ислом шоир" (1978) каби мақолаларида достончилик мактабларининг асосий хусусиятлари, шаклланиш тарихи, улар ўртасидаги ижодий алоқалар, халқ бахшилари эпик репертуарининг шаклланиши қонуниятлари ва бахши ижрочилигининг бадиий ҳодиса сифатидаги хоссаларини кенг ёритиб берди. Бу тадқиқотлар яратилгунга қадар фольклоршунослиқда Булунғур, Қўргон, Шаҳрисабз; Хоразм достончилик мактаблари маълум эди, холос. Фольклор экспедициялари давомида тўпланган янги материалларга асосланган Т.Мирзаев юқорида номи зикр этилган достончилик мактабларидан ташқари Нурота, Нарпай, Шеробод, Қамай, Пискент, Жанубий Тожикистон каби бошқа бахшичилик мактаблари ва бир неча хил услубий йўналишлар мавжудлигини аниқлаб, ҳар бир мактабга мансуб бахшилар репертуари, ижро усули, шогирд тайёрлаш анъаналари ва ўзига хос эпик асарлар хусусида муфассал маълумот берганлиги ўзбек фольклоршунослиги учун муҳим янгилик бўлди.

Туркий фольклоршунослиқда биринчи марта бахши ижрочилиги ва ижодкорлигининг достончилик мактаблари амалиётидаги ўрнига илмий-назарий жиҳатдан муфассал баҳо берган Т.Мирзаев бахшиларнинг эпик асарларни куйловчи, яратувчи ҳамда фольклор анъаналарни сақловчи сифатидаги вазифаларини очиб берди. Бахши ва тингловчилар аудиториясининг ўзаро муносабатлари, бахшининг ижро ва ижодий йўналиши, достон айтиш усули ва поэтик маҳорати, эпик хотира ва эпик билимнинг бадиий анъана тараққиётидаги аҳамияти каби масалалар фундаментал даражада тадқиқ этилди. Халқ достонлари таснифотини янада мукаммаллаштирган Т.Мирзаев достонларнинг тарихий тараққиёти босқичларини аниқлади ва халқимиз эпик тафаккурининг ҳар бир даврдаги ўзига хос ривожланиш тамойилларини кўрсатиб берди<sup>1</sup>.

Унинг ўзбек халқ бахшиларининг поэтик маҳорати, "бахши"нинг эпик асарларни ижро этувчи, янгиловчи ва достон-

<sup>1</sup> Мирзаев Т., Саримсоков Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Тошкент: Фан, 1981. –Б.9–61.

чилик анъаналарини давом эттирувчи сифатидаги ўзига хослигини ўрганишга оид илмий кузатишлари асосида достончилик мактабларининг эпик анъаналарини тадқиқ этишга бағишиланган монографияси юзага келди<sup>1</sup>. Ўзбек эпосшунослигининг методологияси масалаларига бағишиланган бу китобда достончиликда вариант ва версия масалалари, бахшиларнинг эстетик қарашлари, устоз-шогирдлик муносабатлари, бахши репертуарининг асосий хусусиятлари чуқур тадқиқ этилди. Олим ўзбек эпосининг бадиий қадрият сифатидаги ўзига хослигини эпик тафаккурнинг тараққиёт тизимида очиб беришга эришди.

Ўзбек фольклоршунослигига, айниқса, эпосшунослик ривожига бениҳоя катта ҳисса қўшган Т.Мирзаевнинг назарий хулосалари ва илмий умумлашмалари 1986 йилда ҳимоя қилинган “Ўзбек ҳалқ бахшиларининг санъати ва улар репертуарининг асосий хусусиятлари” мавзусидаги докторлик диссертациясида ўз ифодасини топди. Ўзбек достончилиги анъаналарининг ўзига хослигини унинг тарихий тараққиёти тизимида тадқиқ этишга бағишиланган ушбу тадқиқотда фольклоршунослика биринчи марта бахшиларнинг эпик анъанани шакллантириб, асрлар давомида сақлаб келадиган ижрочи типи сифатидаги функциялари ҳамда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни белгилаб берилди. Бахшилик санъатининг асосий типлари аниқланди, достонлар таснифи, тарихий тараққиёти, яратилиш босқичлари ва ривожланиш тамойилларига доир янги назарий қарашлар баён этилди. Шунинг учун ҳам бу тадқиқот Россия ФА Этнология институти бош илмий ходими, профессор Б.Н.Путилов, Қирғизистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт институти Манасшунослик бўлими мудири, профессор Р.Қидирбаева, Туркманистон Республикаси ФА Тил ва адабиёт институти директори академик Б.Чарияров ҳамда шу институт Фольклор бўлимининг мудири Б.Мамедязов, Озарбайжон Республикаси ФА Адабиёт институти Фольклор бўлимининг мудири проф. М.Сейидов, А.Жданов номидаги Иркутск Давлат университети профессори Н.О.Шаракшинова, Қозон Давлат университети профессо-

<sup>1</sup> Мирзаев Т. Ҳалқ бахшиларининг эпик репертуари. –Тошкент: Фан, 1979.

ри Х.Усмонов, Озарбайжон Давлат педагогика институти Озарбайжон адабиёти тарихи кафедраси мудири М.Акимов, Ж.Банзаров номидаги Бурятия Давлат педагогика институти профессори С.Ш.Чагдурров, сабиқ иттифоқ Фанлар академияси Сибирь бўлими Ижтимоий фанлар институтининг катта илмий ходими Г.О.Туденов каби таниқли фольклоршунос олимлар томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

Бу тадқиқотнинг юзага келиши нафақат ўзбек, балки жаҳон фольклоршунослиги учун ҳам жуда катта воқеа бўлганлигини проф. Б.Н.Путиловнинг: “Албатта, менинг Тўра Мирзаев диссертациясига мавзу бўйича қозоқ, туркман, ўзбек тилларида эълон қилинган қўп сонли ишлар юзасидан баҳо беришим осон эмас. Аммо шундай бўлса-да, мазкур ишларнинг натижалари тўла ёки қисқартирилган шаклда рус тилида эълон қилинган мақола, маъруза, реферат ва ҳ.кларда ўз аксини топганлигини назарда тутган ҳолда, шуни айтишга журъат этаманки, бизнинг олдимизда мавзуга доир энг катта ишлардан бири, балки, энг улкан тадқиқот турибди”, – деган эътирофидан ҳам билиш мумкин<sup>1</sup>.

Т.Мирзаев ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби, фольклор ижодкорлари ва ижрочилари, тарихий-фольклорий жараённинг ҳозирги ҳолати, эртак, мақол, қўшиқ, лапар каби фольклор жанрларининг поэтик табиати, фольклор ва ёзма адабиёт муносабати масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб борган.

Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослиги фанининг шаклланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари таҳлилига доир мақолаларида халқ оғзаки бадиий ижодиёти асарларини тўплаб, нашр этиш ҳамда тадқиқ этиш борасида олиб борилган изланишларга холисона баҳо берди. Айниқса, ўзбек фольклоршунослигига асос солган Ҳоди Зарифнинг ранг-баранг ва қўпқиррали илмий фаолиятини ёритишга бағишлиланган “Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси” (1966), “Энтузиаст узбекской фольклористики” (1966),

<sup>1</sup> Биринчи расмий оппонент Б.Н.Путилов такризи // “Филология фанлари номзоди Т.Мирзаев шахсий хужжатлари йигма жилди”. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти хузуридаги Д 015.04.01 рақамли Ихтисослашган кенгаш архиви.

“Ходи Зарифнинг илмий ижоди” (1967), “Устозимнинг орзузи эди” (2000), “Устозимдан эшитганларим” (2000) каби мақолалари ҳамда “Ходи Зариф” номли адабий портрети (1968) алоҳида олинганд бир истеъоддли олим ижоди мисолида фан тарихининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришнинг ёрқин далилидир.

Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослигининг ривожланиш қонуниятларини белгиловчи етакчи илмий-назарий концепцияларни аниқлаб, ҳар бир босқичга хос бўлган тараққиёт мезонларини кенг кўламда таҳлил қилди. Фольклор илмининг юзага келиш тарихи, ҳалқ оғзаки бадиий ижоди асарларини ўрганишнинг усул ва методлари, фольклоршуносликдаги асосий илмий мактаб ва йўналишлар тадқиқ этилди.<sup>1</sup> Олимнинг ҳалқ оғзаки бадиий ижодиётининг турли масалаларини тадқиқ этган Б.Каримий, Ҳ.Зарифов, В.М.Жирмунский, М.Афзалов, Қ.Айимбетов, Қ.Мақсетов, Ҳ.Раззоқов, И.Сафитов, М.Алавия, Ш.Шоабдураҳмонов, З.Хусайнова, Ж.Қобулниёзов, Ф.Мўминов, О.Сафаров, Ё.Жўраев, К.Имомов, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев, М.Абдураҳимов, Б.Саримсоқов ва бошқа олимларнинг илмий-ижодий фаолияти таҳлилига доир мақолалари ўзбек фольклоршунослиги тарихининг ўзига хос кўзгуси саналади.

Фольклоршунос олим Т.Мирзаев 1973-2002 йиллар давомида ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимининг мудири сифатида кенг кўламли илмий-ташкилий фаолият олиб борди. У ўзининг улкан ташкилотчилик фаолияти ва тадқиқотчиларни фаннинг долзарб муаммола-

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирзаев Т. Ўзбек фольклоршунослиги мактаби // Ўзбек тили ва адабиёти. –1967. –№5. –Б.15–20 (М.Муродов, М.Сайдолов билан ҳамкорликда); Яна ўша. Узбекская фольклористика за 50 лет // Юбилейная научная сессия АН Республики Узбекистан. – Ташкент, 1967. –С.178–179; Яна ўша. Ўзбек фольклористикаси тараққиётни тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. –Ташкент, 1973. –№6. –Б.24–32; Яна ўша. Ўзбек фольклорини ўрганишнинг асосий натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Ташкент, 1974. –№5. –Б.45–49; Яна ўша. Фольклористика ютуқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Ташкент, 1980. –№4. –Б.6–9; Яна ўша. Ўзбек фольклоршунослиги янги босқичда // Ўзбек тили ва адабиёти. –Ташкент, 1982. –№6. –Б.15–20; Яна ўша. Фольклор бўлими // Ўзбек тили ва адабиёти. –Ташкент, 2004. –№1. –Б.3–9.

рига йўналтира олувчилик қобилияти туфайли Тил ва адабиёт институтининг Фольклор бўлимни Марказий Осиёнинг энг нуфузли илмий мактабларидан бири даражасига кўтарди. Ушбу бўлимда эпик репертуарнинг ўзига хослиги, халқ бахшиларининг бадиий маҳорати, халқ достончилигининг ҳудудий-локал табиати (Т.Мирзаев, М.Муродов, М.Кўшмоқов, С.Рўзимбоев, Ҳ.Абдуллаев), халқ достончилигига туркумлилик (М.Мирзаева, М.Обидова, Қ.Мамашукров), достонлар поэтикаси (С.Йўлдошева, Т.Зуфаров), ўзбек фольклорининг тарихий тараққиёти (Ж.Қобулниёзов, О.Собиров, С.Асқаров), мифология ва унинг ўзбек фольклори эпик жанрларида тутган ўрни (Ғ.Акрамов, Б.Саримсоқов, М.Жўраев), ўзбек маросим фольклорининг жанрлар силсиласи, генетик асослари ва поэтикаси (Б.Саримсоқов), эртак бадиияти ва эпик сюжетлар типологияси (Ғ.Жалолов, Ҳ.Эгамов, К.Имомов, М.Жўраев), халқ лирикасининг поэтик хусусиятлари (Ш.Турдимов), терма ва тарихий қўшиқ (А.Мусақулов, А.Турсункулов, У.Жуманазаров), ўзбек болалар фольклорининг жанрлар таркиби (О.Сафаров), ёзма адабиёт ва фольклор муносабати (О.Собиров, Б.Саримсоқов, И.Ёрматов, Ғ.Мўминов), ўзбек фольклори ва тарихий воқелик (У.Жуманазаров, С.Умаров) масалаларининг тадқиқ этилганлиги, терма (А.Мусақулов, А.Турсункулов), топишмок (З.Хусаинова), лирик қўшиқ (Ш.Турдимов) жанрлари чукур ўрганилганлиги ўзбек фольклоршунослигини янги босқичга кўтарди.

У 2018 йилдан яна Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор бўлимининг мудири сифатида ўз фолиятини давом эттириши фольклоршуносликни янги тараққиёти босқичига кўтаришга хизмат қиласди, деб ўйлаймиз.

XX асрнинг 80-йилларига келиб Т.Мирзаевнинг илмий-ташкилий салоҳияти туфайли Фольклор бўлими халқ оғзаки бадиий ижодиётини ўрганиш борасида собиқ иттифоқ республикалари орасидаги энг етакчи илмий мактаблардан бирига айланди. ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги Ихтисослашган илмий кенгаш қарорига кўра 10.01.09 – фольклоршунослик мутахассислиги бўйича фан доктори ва фан номзоди илмий даражасини олган озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, қўмик, татар, бошқирд, бурят,

тоғли олтойлик олимларнинг ишлари бевосита Фольклор бўлимида дастлабки муҳокамадан ўтказилганлиги ва унинг тавсияси билан ҳимояга йўлланма олганлигининг ўзи ҳам бўлимнинг нуфузи нақадар баланд бўлганлигини кўрсатади.

Т.Мирзаев Эргаш Жуманбулбул ўғли ижодий меросининг “Булбул тароналари” номли ўзбек тилидаги беш томлиги ва “Песни Булбуля” номи билан чиқарилган русча уч томлиги чоп эттирилишида масъул муҳаррир ҳамда тузувчи сифатида фаол иш олиб борди. Унинг раҳбарлиги ва бевосита иштироқида “Ўзбек ҳалқ ижоди” кўпжилдлигининг 37 китоби босмадан чиқди. Бу силсилага кирувчи “Алномиш” (1979), “Эрали ва Шерали” (1987), “Юсуф ва Аҳмад” (1987), “Малика айёр” (1988), “Ўзбек ҳалқ мақоллари” (1989), “Луқмони ҳаким” (1989), “Нурали” (1989) каби жилдларнинг чоп эттирилишида нашрга тайёрловчи ёки масъул муҳаррир сифатида иштирок этди. Бундан ташқари, “Жонодил” (1970), “Одилхон” (1971), “Авазхоннинг ўлимга ҳукм қилиниши” (1976), “Нуралининг ёшлиги” (1993), “Гўрўғлининг туғилиши” (1994), “Райхон араб” (1994) достонларини Т.Мирзаев нашрга тайёрлади. Унинг ташаббуси билан “Ўзбек ҳалқ достонлари” кўпжилдлигига кирувчи ўнлаб асарлар китобхонларнинг севимли асарига айланди. “Ўзбек ҳалқ мақоллари”-нинг бир нечта алоҳида мажмуа ҳолидаги нашрлари ҳамда икки жилдлик академик нашри чоп эттирилди. Фольклор асарларини нашр этиш борасида катта ижодий тажриба тўплаган олим “Алномиш” достонининг 5 та баҳши варианти ва Раҳматулла Юсуф ўғли репертуаридаги “Гўрўғли” достонларининг мукаммал нашрини тайёрлади.

Т.Мирзаев ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб ҳар бир фольклор ижроқисининг ижодий меросини тўла нашр этишнинг илмий принципларини ишлаб чиқди. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Нурали Нурмат ўғли, Абдуғафур Шукуров каби баҳши ва эртакчилар репертуаридаги барча асарлар ана шу илмий мезон асосида чоп эттирилди.

Профессор Т.Мирзаев фольклоршуносликнинг назарий-методологик асосларини белгиловчи жiddий илмий асарлар яратиш билан бир қаторда, XX асрнинг 60-йилла-

ридан эътиборан ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг Фольклор экспедицияси раҳбари сифатида Ўзбекистонда фольклор асарларини тўплаш ва системалаштиришдек эзгу ишга ҳам етакчилик қиласди. У бошликил қилган илмий экспедиция мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, қўшни мамлакатларнинг ўзбеклар истиқомат қиласидиган худудларида илмий сафарда бўлиб, ўзбек фольклорининг барча жанрларига оид нодир маънавий қадриятларни тўпладилар.

Ҳар бир экспедицияда фаол иштирок этган Т.Мирзаев фольклоршуносликдаги илмий қарашларни бойитадиган, янгилайдиган ва тўлдирадиган қизиқарли материалларни тўплади. Жумладан, 1963, 1974, 1977 йилларда Жанубий Тоҷикистон бўйлаб ўtkazilgan экспедициялар давомида ўзбек-лақай баҳшиларининг ўзига хос достончилик анъаналари ўрганилган бўлса, 1972 йил 21-23 июль кунлари қашқадарёлик Ҳазратқул баҳши Худойбердиев, Бозор Омонов каби ижрочилар орқали Қамай достончилик мактабига хос етакчи эпик белгилар аниқланди. 1969 йилги фольклор экспедициясининг раҳбари сифатида Чимкент вилоятига йўл олган Т.Мирзаев Сайрам туманининг Қорамурт қишлоғида яшовчи 34 яшар Қумри Аҳмедова, 76 ёшли Қумри Неъматова, 73 яшар Унсин Ғойибова, 65 яшар Тожи Раҳматуллаева, Қозиғурт қишлоғилик 62 яшар Ҳасан Норалиев, Султонработ қишлоғида яшовчи 62 яшар Ойимбуви Абдурасурова ва бошқа ижрочилардан лапар, ҳалқ орасида "ҳаққоналар", "кўҳналар" номи билан машҳур бўлган қадимиҳ ҳалқ қўшиқларини ёзиб олди. Бу материаллар ўзбек маросим фольклорининг қиш фасли билан алоқадор жанрларидан бири – "яс-юсун маросими"ни тадқиқ этиш,<sup>1</sup> шунингдек, лапар жанрининг ўзига хос жанр хусусиятлари, ижро ҳолати, тўй маросим фольклоридаги ўрни ва бадиияти масалаларини ўрганиш<sup>2</sup> учун манба бўлди.

<sup>1</sup> Қаранг: Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. –Тошкент: Фан, 1986.

<sup>2</sup> Қаранг: Мирзаев Т. Ўзбек фольклорида лапар // Ўзбек тили ва адабиёти. –№1. –Б.42–45; Яна ўша. Ozbek folklorinde leper ve onun temel ozelikleri // Uluslararası dorduncu turk kultürü kongresi bildirileri. –Ankara. 2000. –S.369–374.

1973 йилги фольклор экспедицияси таркибида Сурхон воҳасига илмий сафар қиласган Т.Мирзаев 27 июль куни Бойсун туманининг Работ қишлоғида яшовчи 76 яшар Нурмат Бадаловдан “Ё рамазон” қўшиғи, турли ирим-сирим ва айтимлар қатори ёмғир ёғдириш мақсадида қадимда ўтказиб келинган “Сўз хотин” маросимига оид қимматли этно-фольклористик материалларни ёзиб олди.

Хуллас, бир неча авлод ўзбек фольклоршуносларининг кўп йиллик мاشаққатли изланишлари натижасида юзага келган Ҳоди Зариф номли Ўзбек фольклори архиви Т.Мирзаевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Марказий Осиёнинг энг нодир фольклор ёзувлари сақланадиган улкан илмий марказга айлантирилди.

Тўра Мирзаев 1991–1998 йилларда ЎзР ФА Адабиёт институтининг раҳбари, 1998–2010 йилларда ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти директори, 2001 йилдан эса ЎзР Фанлар академиясининг вице-президенти вазифасини бажарувчи сифатида мамлакатимизда филология илмининг тараққиётiga самарали ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг тадқиқотчилик фаолияти профессор (1990) илмий унвони, Абу Райхон Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти (1973), “Дўстлик ордени” (1997) ва Ўзбекистон Республикаси фан арбоби юксак унвони (2003)нинг берилиши ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги (2017) бўлишида муносиб эътиборини топди.

Т.Мирзаевнинг раҳбарлиги ва фаол иштирокида “Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар” туркумидан 8 та китоб чоп эттирилди, “Ўзбек фольклори очерклари” уч жилдлиги ҳамда олий ўқув юртлари учун халқ оғзаки бадиий ижоди бўйича дарслик яратилди. У устози Ҳоди Зариф билан биргаликда ҳозиргача 37 жилди босилиб чиқсан “Ўзбек халқ ижоди” кўп жилдлигининг нашр принципларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиди. Т.Мирзаев томонидан тайёрланиб, Санкт-Петербургда нашр этилган “Алпамыш” (1982), “Ўзбекская народная поэзия” (1990) тўпламлари, Германияда чоп қилинган “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш” (1984) асари, “Алпомиш” достонининг немисча (Бохум, 1984) ва туркча (Анқа-

ра, 2000) нашрлари ўзбек фольклорини оламга танитишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Т.Мирзаев ўзининг илмий-ташкилий фаолиятини жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб боради. У ЎзРФА Тил ва адабиёт институти хузуридаги фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш раиси ва аъзоси, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг бош муҳаррири ва таҳририят аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ЎзРФА Ижтимоий-гуманитар фанлар мажмуи қошидаги Адабиётшунослик ва манбашунослик бўйича Республика илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси, ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти фольклори институти хузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раисининг муовини ҳамда мазкур кенгаш қошидаги фольклоршунослик бўйича илмий семинар раиси сифатида узоқ йиллар мобайнида изчил фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг илмий раҳбарлигида 7 фан доктори, 24 фан номзоди ва бир нафар филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тайёрланди.

Заҳматкаш олим Т.Мирзаевнинг илмий-ижодий фаолияти, ютуқлари нафақат у кишининг ўзига, балки бутун ўзбек фольклоршунослиги тараққиёти тақдирига ҳам тегишлидир. Зеро, у ўзбек филологиясининг атоқли намояндаларидан бири сифатида нафақат мамлакатимизда, балки кўплаб хорижий илмий марказларда ҳам эътироф этилган йирик олим, Ўзбекистонда халқ оғзаки бадиий ижодиётини кенг кўламда тадқиқ этишдан иборат фундаментал илмий мактабга асос солган улкан фан ташкилотчисидир. Биз бугунги кунда ҳам жуда катта куч-ғайрат билан ўзининг тадқиқотчилик ва ташкилотчилик фаолиятини давом эттираётган муҳтарам устозимизга мустаҳкам соғлик ва узоқ умр тилаш баробарида унинг эпосшунослик назарияси, фольклоршунослик тарихи ва халқ оғзаки бадиий ижодининг тараққиёт қонунияtlарига доир изланишлари янада самарали бўлишига тилакдошмиз.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ**

## **САМИМИЯТ ВА СОДИҚЛИК САРДОРИ**

**(Эссе)**

*Улуғлардин насиб истар эсанг касби*

*камол этгил,*

*Нединким, анбиёға илмлик инсон*

*эрур ворис...*

*(Алишер Навоий)*

### **I**

Илм-фан ва маърифатдан йироқ дунё – қабоҳат ва ғафлат зулмати билан қуршалган бир дунёйи дундир. Бу – кўпчилик биладиган ва аллақачон иқрор бўлган ҳақиқат. Аммо ҳар қандай илмдан нур ва зиё таралмаслиги, маърифат ва маънавият номи билан амалга оширилган ҳар қандай уриниш инсон қалби ва шуурига ёруғлик бағищлашга қодир эмаслигини ҳамма ҳам англайвермайди, албатта. Нима учун? Чунки илм-фанда XX аср нечоғлик оламшумул ютуқ ва натижаларга эришган бўлмасин, ғайриилмий тажриба ва ҳаракатларга ҳам шунчалик кенг имкон берганди. Ушбу ҳодисанинг юзага келиш сабаблари кўп. Бу ўринда улардан фақат биттасига эътиборни қаратмоқчимиз. Тасаввуф психологиясини ўрганган тадқиқотчиларнинг чиқарган хуносаси бўйича, ҳақиқий илм ва ирфон инсон нафсига таъсир ўтказиб, чиркинлик, ёмонлик ва кучсизликлардан уни халос этаркан. Аммо нафсига тобе “олим”нинг илмида, умуман, рух ва хосият бўлмас экан. Дарҳақиқат, нафс ва моддий манфаат доялик қилган илмни Мавлоно Жалолиддин Румий одамни йиртқичлаштирувчи қувват деб тавсифлайди. Хожа Аҳмад Яссавий “Охир замон олимлари бўлур золим”

деганда ҳам шуни назарда тутган. Зеро, қай зайлда бўлмасин, Қалб ва Ҳақ билан алоқаланмаган илм-фан онгу идрокни бузиб, одамийлик ҳис-туйғуларини, хусусан, самимият ва садоқатни булғайди. Бу ҳолатни ҳаётда кўрган, олимлик даъвосидаги кимсаларда кузатган ҳар бир киши ўзича хулоса чиқариши муқаррар, албатта.

Феъл-автор эътибори билан оддий одамлар хилма-хил бўлганидай илм-фан аҳли ҳам турли-турлидир. Баъзиларида билим, ташаббус, интизом бор, савия, маслак, холислик йўқ. Бошқа бирларида камтарлик, ғайрат, мутахассислик жойида, аммо қаноат, ҳалолдан ҳаромни фарқлаш, хусусан, журъат ва ҳиммат чатоқ. Шу томонлардан ҳам қадимги чин олимлар билан кейинги асрлардаги олимлар орасидаги тафовут анча каттадир. Шукрлар бўлгайки, меҳрибон Аллоҳ мени орзу-аъмоли ва билими тўғрилигидан, одамийлиги олимлигидан кескин фарқланмайдиган зукко, донишманд шахсиятларга юзлаштириб, улар билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлишни насиб этди. Халқимизнинг ардоқли фарзанди, дунёга таниқли фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаев шулардан бири, балки биринчисидир.

Олимликда нимага эришиб, нимага эришолмадим, нима тўғри бўлдию, нимаси нотўғри бўлди – буларни аниқ айттолмайман. Лекин тақдир мени Тўра Мирзаев билан учраштиргани илмий-ижодий фаолиятимдаги омад ва муваффақиятнинг гарови бўлгани рост.

Шофиркон заминида туғилиб, вояга етиб, Тўра акага ўхшаб мен ҳам Бухоро педагогика институтида таълим олганман. Унинг исми шарифи ва олимлиги ўспиринлигимиздаёқ бизга маълум эди. Шофирконнинг алпомишишунос фарзандини туманимизда айтарли ҳамма зиёли биларди. Институтда эса у киши тўғрисидаги илк мақтов гап ва таърифларни домлаларимиз, хоссатан, тилшунос олимлар – профессор М.Мирзаев ва Я.Пинхасовдан эшитганмиз.

1969 йил таътил чоғида, адашмасам август ойининг бошлирида, нимадир бир иш билан Бухорога бордим ва Лаби Ҳовуздаги китоб дўйонига ҳам кирдим. Қарасам, Тўра аканинг бирмас, икки китоби турибди. Бири – “Алпомиш достонининг ўзбек вариантлари” (Тошкент, 1968) номли монографияси,

иккинчиси – устози ҳақидағи “Ходи Зариф” деб аталған адабий портрети. Унисини ҳам, бунисини ҳам олдим. Талабалик илми ва савияси билан уларни үқидим. “Алпомиш” тадқиқига бағишиланган қалин муқовали күк китоб фақат таҳлил ва талқинлари билан эмас, иловалар қисмидаги факт ва маълумотлари билан ҳам мени қизиқтириди. Болалигимдан отни яхши кўриб, от минишга иштиёқим кучли бўлганлигидан от абзалларига тегишли ҳали мен эшитмаган, билмаган сўз ва атамаларнинг (масалан: чирги, довур, умулдирик) изоҳларини үқиб қувониб кетгандим. Хуллас, Тўра Мирзаев билан ғойибона танишув ва мулоқот ана шундай тарзда бошланган. Энг асов тулпор устида ҳам қамчи ўйнатиш унинг одатий ҳолидай туюлган менга.

Институтни тугатиб, 1970 йилнинг ёзида Иззат Султон, Комил Яшин, Сайд Аҳмад, Лазиз Қаюмовларнинг назарига тушган, жумҳуриятга таниқли адаб Аҳад Ҳасан мұхаррирлик қилаётган “Шофиркон ҳақиқати” газетасида иш бошладим. Ёзиш-чизиш сирларини, аввало, Аҳад акадан ўргандим. Орадан унча кўп муддат ўтмай менга “Маданият ва адабиёт” бўлимини топширишди. Рости, газетчилик меҳнати, қарийб бир йил, мароқли бўлган. Айниқса, маънавият, маърифат, адабиёт ва танқид мавзуларида қалам тебратиш ғайратга ғайрат қўшаркан. Газетада Алишер Навоий, Эргаш Жуманбулбул, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби шоирлар тўғрисида қатор мақолаларим эълон қилинган. Қарангки, қисқа бир муддатда мен журналист сифатида туманда танилиб қолдим. Ўша йилларда район маориф бўлимига Тўра аканинг холавачаси Носир Собиров раҳбарлик қиласарди. Ҳақиқатда, у илм ва маърифатни қадрлайдиган зиёлилардан эди. Носир ака мени ўзим ўқиган Свердлов номидаги мактабда озроқ дарс беришга таклиф этди. Таклифни қабул қилиб, то Тошкентга келгунимга қадар муаллимлик билан ҳам машғул бўлдим. Тўра Мирзаевга мени таърифлаб, иложи бўлса, Тошкентга олиб кетишини сўраган киши Носир Собиров бўлади. 1972 йил ёзги таътил пайтида Тўра ака Шофирконга келганида, бир қариндошиникига бориб, у кишига учрашимни айтишди. Айтилган манзилга зуд етиб бордим. Ҳонадон соҳиби тўрт-беш киши гурунглашиб ўтири-

ган бир уйга мени олиб кирди. Саломлашдик. Сўрашган бўлдик. Улардан бири бош меҳмонга “Носир сизга гапирган йигит мана шу..” – деди. Тўра ака “Ҳа, яхши” деди-ю, бир муддат танаффусдан кейин қизиқиш ва китобхонлигимни аниқлаш учун бўлса керак, савол бера бошлади. Мен ҳам тайсалламай жавоб қайтара бердим. Бошқалар жим. Анчагина чўзилган савол-жавобдан сўнг “сиз классик адабиётга кўпроқ қизиқаркансиз. Менинг Ёқубжон Исҳоқов деган ўртоғим бор. Сизга ўша илмий раҳбар бўлади”, деди домла. “Мен у кишини биламан” дедим, тортиниш-портинишни четга улоқтириб. “Қаердан биласиз?” “Навоийнинг илк лирикаси” китобини, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида босилган бадиий санъатларга доир мақолаларини ўқиганман”. Бу изоҳ ёқди, шекилли, Тўра ака “Демак, муаммо йўқ... Августга қараб Тошкентга бораверинг...” деди. Рухсат сўраб даврадагилар билан хайрлашдим.

Очиғини айтсан, тасаввуримдаги Тўра Мирзаев билан кўришиб сўзлашганим Тўра Мирзаев тамоман бошқа эди. Ундаги оддийлик, табиийлик, жиндек танилган ёки ном қозонган кишиларда кўзга ташланадиган ғурур ва димоғдорликдан мутлақо фориғлиқдан бир қадар ҳайратландим ҳам.

Тўра ака билан учрашиш воқеасини келиб дадамга етказдим. Баҳонада Тошкентга кетишимга қарши эмасликларини ҳам билдим.

– Бўлмаса гап бундоқ, жўра, – дедилар дадам, – домлани меҳмон қиласиз. Аҳадга сен айт, Носир Собирдан ўзим илтимос қиласман, район раҳбарларидан фалончи, фалончиларни таклиф этади. Укаларингдан бирортасини Ибод амакингга жўнат. Эртага кечга қараб келиб, қўй сўйсин...

Дадам қандай режалаштирган бўлсалар меҳмондорчилик шундоқ тарзда ўтди. Ўша кўришувдан бошлаб Тўра акани дадам мақтаб, шарафлаб ўтдилар. Умуман, укаларим, жўра ва айрим яқин қариндошларимда Тўра акага бир севги пайдо бўлганини ҳам айтишим керак.

## II

Тўра Мирзаевнинг олимлик салоҳияти ҳамда асосларидан энг муҳими, менимча, унинг устози буюк олим ва ал-

лома Ҳоди Зарифга беғараз садоқатидир. Акс ҳолда у Ҳоди Зариф асос солган фольклоршунослик мактабининг содик давомчиси ва пешвоси бўлолмасди. Жаҳоннинг қатор мамлакатларида, айтайлик, Россия, Германия, Туркия, Озарбайжон ва Қозоғистонда у ўзбек халқ оғзаки ижодининг чинакам тарғиботчиси, толмас тадқиқотчи қиёфасида танилган. Устоз табиати ва дунёқарашининг шогирдниги, шогирд маслак ва матлабининг устозниги тўла мувофиқ келиши кам учрайдиган ҳодиса.

Тўра ака илмдаги биринчи одимлариданоқ фольклор матнларини, аввало, тарихийлик, ҳаққонийлик ва бадиийлик мезонлари бўйича баҳолаб, тадқиқу таҳлилда мифология, этнография, археология сингари фан тармоқларига тегишли маълумотларга ортиқча ўрин ажратмаган. Шу жиҳатдан ҳам у устози Ҳоди Зарифнинг илмий-амалий тажриба ва сабоқларидан четлашмаган. “Ҳоди Зариф сухбатлари” (Тошкент, 2013) китобини ўқиган киши мазкур фикрга ортиғи билан ишонч ҳосил қиласди.

Тасаввуфда шайх ёки муршидга фоне бўлиш, раҳнамонинг тафаккур ва ҳол дунёсидан четлашмаслик лозим деган тушунча ва мажбурият бор. Оллоҳ Тўра акага шундай содиқлик ва маслақдошлики насиб қиласди.

Олимнинг табиатида агар озми-кўпми илм жавҳари бўлса, унинг руҳи агар нафсидан устунлик касб эта олса, тамаъва моддий ҳарислик тил билан дилни агар бир-биридан ажратмаса, бундай олим ҳеч қачон ўзига-ўзи қарши бормаганидек, риё ва найранг “тегирмон”ига ҳам сув қуймайди. Мансаб ва мартаба қачон олимни йўлдан оздиролмайди? Қачонки, илму эътиқодига хилоф кўчага кирмаса, қачонки, худбинлик, тўдакашлик, моумонлик ўйинларига бош кўшмаса. Бу эса камдан-кам зотларга насиб бўладиган мунавар бир толедир. Тўра Мирзаев айни шундай иқбол эгаси. Бунга дўст ё хайриҳоҳларигина эмас, моҳир товламачи ғанимлари ҳам тан беришган.

Улкан ва хоксор шахслар етти ёт кимсалар билан бир қаторда, гоҳо яқин олган, ҳатто шогирд ё муҳлис деб ҳисоблаганларидан ҳам ёмонлик кўрган. “Ярқираб юлдуз ёнодур тун қаро бўлган сайин”, дейилганидек, қалтис вазият, аёвсиз

хужум асноларида ҳам Тўра аканинг ҳиммати, кечирувчанлиги кўпчиликни ҳайратлантирган. Кимдан нима ёмонлик ва нокаслик етса, барисини у сабр-бардош ила қабул қилиб, кин, адоват, ўч туйғусига асло берилмаган. Буни мендан аввал Тўра аканинг оқибатли, содик шогирди, қадрдон жўрам филология фанлари доктори Асқар Мусакулов айтганини ҳам таъкидлашим жоиздир. Меҳр ва холисликда Тўра аканинг шогирдлари бир-биридан фарқланиши ва ажralиши тўғрисида тўхталмоқ ниятим йўқ. Аммо камсуқумлик, хоксорлик, илмдан моддий манфаат кўзламаслиқда Асқар табиатан Тўра акага яқин эканини айтмасам бўлmas.

Тўра акадай дили очиқ, меҳрибон, одил устозга учраганидан у қанча рози бўлган бўлса, унинг издоши эканлигидан янада фахрланарди.

Кечагидай эсимда. Домласининг етмиш йиллигига бағишлиб ёзган мақоласини Асқар менга бериб, фикр билдиришимни сўради. Чин дилдан ва чўнг меҳр билан ёзилган нарса, албатта, яхши ва таъсирили чиқади. “Моҳият” газетасида “Достонларнинг эгаси” (2006 йил 3 март) номи билан чоп этилган ўша мақолада шундай сўзлар битилган: “Тўра ака жуда кучли инсон. Мен у кишининг бу кучи ва теранлигини, аввало, камтарлиги, ҳеч кимга ёмонлик истамагани, аниқроғи, ёмонлик қилишга ожизлиги, соддалиги, боладай беғуборлиги ва самимиятида кўраман”.

Ҳа, худди шундай: биринчидан, Асқар таъкидлаган хислат, фазилат ва ҳолатдаги одамини бугунги ҳаётда учратиш эртакка ўхшайди. Иккинчидан, камтарлиги, ёмонлик қўлидан келмаслиги, содда ва боладай беғуборлигидан кўз юмилса, Тўра аканинг ахлоқий-маънавий қиёфаси нурсизланиб, шахсият жавҳари ҳам, гавҳари ҳам барҳам топади. Тўра ака олтмишга кирганида ҳам, аввало, унинг соғлиги, хоксор ва самимиятига урғу берилгани шундоқ хотирамда турибди. Юбилей йифинида академик Иззат Султон гапириб, “Тўрабойни мен ука ёки сафдош эмас, ўғлим деб биламан ва фарзандимдай ардоқлайман...” деган сўзлар билан гапини тугатган эди. Ўлмас шоир Абдулла Орипов эса уни халқнинг ўзидаи содда, тўғри, бағрикенг ва саховатли дея таърифлаганди.

Уумуман, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, академиклар Азиз Қаюмов, Матёқуб Кўшжонов, Шоназар Шоабдурраҳмонов, Саид Шермуҳаммедов, Азим Ҳожиев, Наим Каримов фикр-мулоҳазаларини эслаб, Тўра Мирзаев ҳақиқатда улуғларнинг назари тушган илм дарғаси дегим келади.

### III

Мен 1972 йил сентябрь ойида Тил ва адабиёт институтига ишга қабул қилиниб, 1976 йилнинг биринчи ярмигача фольклор бўлимида ишладим. Шу вақт оралиғида ҳам, ундан сўнг ҳам Тўра акадан кўп нарса ўргандим, ҳар турли вазият ва ҳолатларда ундан ибрат олишга ҳаракат қилдим.

1973 йил июль ойида Тўра Мирзаев раҳбарлигида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида ўтказилган фольклор экспедициясида мен ҳам иштирок этганман. О.Собиров, З.Хусайнова, Б.Саримсоқов, А.Мусакулов каби марҳум фольклоршунослар қатнашган ўша экспедиция самарали, шахсан мен учун эса фавқулодда мароқли бўлган. Аввало, ҳалқ ҳофизаси ва бадиий тафаккури бекиёс чашма, тўлқинли бир дарёлигига юрак-юракдан инонганман. Иккинчидан, турли шакллардаги ҳалқ оғзаки ижод намуналарини китобдан ўқиш билан кимдандир ёзиб олишдаги таассурот орасида фарқланиш мавжудлигини англағанман. Энг муҳими, фольклор жанрларининг Тўра Мирзаев учун катта ё кичик, муҳим ёки номуҳими йўқлигини, шунингдек, юрт кезиши, ҳалқ орасида юриб, у яратган қўшиқ, терма, мақол ёхуд достонларни жонли жараёнда тинглаш инсондаги ички сиқиниш, маҳдудлик ва ҳар турли ҳавойиликларга барҳам беришни ич-ичдан ҳис этганман. Термиз яқинида яшовчи бир чолдан ёзиб олганимиз:

Қизил гулнинг равшани,  
Айтиб қўйигил ўшани.  
Бир ёстиқقا бош қўйиб,  
Билмайди андешани, –

каби қўшиқларни хотирласам, ҳозир ҳам кўнглим яйрайди.  
Хуллас, бир ойлик экспедицияда Тўра ака қўшиқшунос сифатида ҳам мени қойил қолдирганди.

Бир вақтлар академик Ш.Шоабдураҳмонов Т.Мирзаев-нинг илмий-амалий фаолиятидан сўз юритиб, “Унинг илмий ижоди фольклор асарларининг барча турлари ва жанрларини ўрганишга бағишиланган”, деган эди. Олимнинг 1990 йил Ленинградда нашр этилган “Узбекская народная поэзия” тўпламига ёзган кенг қамровли сўзбошиси ушбу фикрнинг ёрқин бир тасдиғидир.

Фольклор бўлимида ишлаб юрганимда рўй берган унучилмас воқеалардан яна бирини сўзлашим зарурга ўхшайди.

1976 йил январь ойининг охирларида мен “Ўзбек адабиётида рубоий” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Ўшанда ҳали йигирма бешга қадам қўймаган, ўзига ишончи баланд бир ўспирин эдим. Бу ёшда кўнгилда қанақа хаёл, орзу-ҳавас ва иштиёқлар чарх урмайди дейсиз?!

Тўғриси, кимдир ишимга салбий тақриз ёзиб, Московга мени Олий аттестация комиссиясига сухбатга чақиришади деган фикр хаёлга ҳам келмаган. Чунки илмий даража берилишини ёқлаб, Ихтисослашган илмий кенгашда ҳамма овоз берган. Бироқ олти ойдан сўнг бир ярим саҳифа ҳажмидаги (муаллифнинг исми фамилияси қирқиб олинган) тақриз орқали мен ОАҚка чақирилдим. Ўша кунлари институтимизнинг беш ё олти ходими биргалашшиб бир олий ўқув юртида кириш имтиҳони олаётган эдик. Адашмасам, тақризни тушдан кейин Тўра ака менга етказиб, “Бунга илмий пухта бир жавоб тайёрла. Кейин русчага ағдариш керак”, деди. Мени “русча” масаласи сал чўчитарди. Негаки, русий мулоқотим яхши эмасди.

Уйга бориб тақризни ўқиб бир қадар ажабландим. Ва диссертация ўзбек тилида ёзилгани учун тақризчи (бу киши F.Алиев деган олим экани кейин маълум бўлди) уни ўқимасдан автофератга таяниб борни йўқقا чиқарганига инондим. Тўра акага буни айтганимда, “диссертациядаги ўша жойларни ажратиб олиб таржима қилдирасан” деди. Ақлим етгани ва қўлимдан келганини қилиб, уни Тўра акага кўрсатдим. У бир пас ўйга толиб, “Абдуқодир Ҳайитметов расмий оппонентинг бўлган. Кел, ёзганингни унинг назаридан ҳам бир ўтказайлик” деди. Икковлашиб домланикига бордик. Ҳайитметов ОАҚдан келган тақризни ҳам, унга

жавобни ҳам ўқиб “Баъзан шунақаси ҳам бўлади... Фикр ва далилларингиз яхши.Faқат Е.Э.Бертельснинг “Форс-тожик адабиёти тарихи” китобидаги бир мулоҳазани эътиборга олинг” дея ўша китобни кабинетдан олиб чиқдилар. Кўрсатган саҳифаларидан керакли гапларни ёзиб олдим.Хайрлашаётганда “Ҳеч хавфсираманг, Худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади. Москвага яхши бориб келинг” дея, домла менга оқ йўл ва муваффақият тиладилар. Ортга қайтаётганимизда Тўра ака “Ҳаққул бобонинг набираси, энди Жамол Камолни зиёрат қиласиз. У сенга ҳамроҳ бўлиб Москвага бориб келади”, деди.

- Борармикан?

- Нега бормасин, ҳозир отпускада юрибди, боради...

Дарҳақиқат, Жамол ака ҳеч эътиrozсиз ҳамроҳ бўлишга розилик берди. Москвага қараб икковлон самолётда парвоз қилдик. Чақирилган вақтда ОАК идорасига етиб борилди. Эксперт комиссияси йиғилишидаги савол-жавобдан кейин оқ менга номзодлик дипломи берилишини маълум қилишди. Эшик олдида кутиб турган Жамол аканинг қутловидан бошим кўкка етгудай бўлгани ва шу кайфиятда Тўра акага телефон қилиб суюнчи сўраганим ҳамон ёдимда.

Докторлик диссертацияси ҳимояси арафасида ва ундан кейин янада ғалати, ҳатто қалтис ҳодиса содир бўлганки, анча батафсил ифодани талаб этадиган ғанимлик ўйини ва ҳужумларидан қутулишимда ҳам Тўра ака ҳимматини дариг тутмаган. Унинг муҳофизлиги ва самимияти мени ҳамиша ғайрат ила ишлашга рағбатлантирган. Бундоқ ўйлаб кўрсам жуда оддий ва жўн туюлган юмуш ва уринишларда ҳам холис маслаҳатгўй, ёрдам қўлини беминнат чўзгувчи Тўра ака бўлган экан.

1988 йилда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ҳассос шоир Рауф Парфига бағищлаб сиёсий айбнома қориштирилган бир мақола чоп этилди. Анча шов-шув қўзғаган ушбу чиқишига жавобан мақола ёзиб, мусосир адабиёт тадқиқи билан машғул бўлиб юрган икки фан докторига уни олдинма кейин ўқишига бердим. Улардан биринчи ижтимоий-сиёсий вазият деярли ҳисобга олинмаганини ургулауб “Уни бундоқ қилиш керак, буни ундоқ ўзгартириш

керак...”, деб маслаҳат берди. Иккинчиси эса нима деганини ўзи ҳам аниқ тасаввур этолмай латтачайнарлик қилди. Уларнинг гапига кирса ё инонса, мақоланинг баҳридан кечиш лозим эди. Мен эса уни Тўра акага ўқишга бердим. Эртасига у мени чақириб “Мақоланинг айрим жойлари кескин, мен белги қўйган жумлаларга қара... Сарлавҳани ўзгартириб, нашр эттиrsa бўлади”, деди. Мен “Сарлавҳа ўзимга ҳам маъқул эмас. Аммо мақбулини тополмаяпман”, дедим. “Яна лирик қаҳрамоннинг маънавий олами ҳақида” деб қўявер, деди Тўра ака. Шу ном билан мақолани “ЎЗАС” газетаси муҳаррири, мутафаккир адаб Асқад Мухторга элтиб топширдим. Орадан узоқ вақт ўтмай мақола чиқди ва бир неча ой давомида уни кўллаб-кувватловчи мақолалар газетхонлар ҳукмига ҳавола этилди. Тўра ака қатор китобларимга муҳаррирлик қилганларида ҳам жуда топиб маслаҳатлар бериб, баъзан у ё бу ўринларга таҳrir киритган. Мен буларнинг барини Тўра Мирзо сабоқлари сифатида қалбимда асрайман.

#### IV

Фундаментал илм – пойдевори мустаҳкам, миллат тафаккури ва дунёқарашининг юксалишига таъсир қиласидиган илм дегани. Тўра Мирзаевга нисбат берилган миқёси кенг фундаментал илмий мактаб юрт ва ҳалқ миллий-маънавий манфаатларига хизмат қилиши кундай равшан. Унинг фан ташкилотчиси мақомидаги фаолияти ва ғайрати ҳам таҳсинга лойик.

Қадимда ижтимоий-маданий ҳаётда “ҳисбонийлик” деган бир оқим бўлган. Унга мансуб кишилар фараз, тасаввур, таҳминга таяниб, ўзларига мақбул келган ҳар қандай foя ёки тушунчани ҳиссиёт хуружи билан ё инкор этишган, ё қоралашган. Ўтган асрдагига нисбатан ҳам кучайган ҳисбонийлик, яъни уйдирмачилик кейинги чорак асрда ижтимоий фанлар соҳасида, жумладан, адабиёшунослик ва фольклоршуносликда кенг кулоч ёзди. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки совет даврида марксча-ленинча методология асосида яратилган фан ғайриилмий ҳаракатларга қарши туриш қувватига қодир эмасди. Шунинг учун боқий

орзу-умидлар ва қаҳрамонликлар тараннум этилган миллатимизнинг бош китоби "Алпомиш" достонига ҳам ёлғон ёғилиб, сохта талқин, тамалсиз тавсифлар қўпайди.

Тўра Мирзаевнинг ҳаёти, илмий фаолияти мавзусида китоб ёзган профессор О.Сафаров матншунослик тажрибасига тўхталиб бундай дейди: "Шубҳасиз, унинг матншунослик фаолиятида "Алпомиш" достони алоҳида мавқега эга. Айтиш мумкинки, у шу достоннинг ҳар бир нусхасини ҳижжалаб қунт билан ўқиди, ҳар бир сўзнинг мозий муҳрига айланган маъно жилоларини илғашга интилди, шу маъно товланишларига хос оҳангуда садолардан сурур топди, шу жараёнда сўзни ҳис қилиш, англаш ва туйиш саодатига эришди.." Бизнингча, бу фикр ва эътирофларда ёлғон ё му болаға йўқ: ҳаммаси бўлган ва исботини топган. Истаймизми, истамаймизми, Тўра Мирзаевнинг алпомишшунослиги фольклоршунослик тажрибаси ва тарихида наинки алпона, балки қайтариб бўлмас ҳодисадир. Билим миқёси кенг, тे-ран мушоҳадага қодир, хайриятки, шундай тадқиқотчимиз бор. Тўра Мирзаевнинг "Алпомиш" туркуми... ўттиз икки достондан иборатми?" номли мақоласи ("Ўзбек тили ва адабиётни" жур., 2017 йил 6-сон) "Алпомиш"нинг яратилиш тарихи, ғоявий-бадиий моҳияти ва варианatlарини соҳталаштириш ҳамда билиб-бilmай ўзбошимчалик билан бузишга қарши ёзилган умумлашма характердаги тадқиқотдирки, унда ҳисбонийлик оқибатлари аниқ ва холис кўрсатилган. Илмий-назарий пойdevori мустаҳкам бундай мақола ёзиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмаслигини унутмаслик керак.

Тўра aka билан бирга ишлаб, яқиндан уни билганимдан бўён ўз ҳаёти ва қисматини институтимиз ҳаёти, илмий жамоаси тақдиридан ажратганини мен ҳеч кўз одимга келтиролмайман. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига Тўра aka қарийб йигирма йил директорлик қилган бўлса, щунча пайт имкон қадар куч-ғайрати, салоҳият ва ташаббусини қадрдон илмий жамоамиз равнақига бағишилади. Шунга яраша обрў-эътибор топиб, турли марта, унвон ва юксак мукофотларга лойиқ кўрилди. Баъзи нокасларнинг қаршилиги, фосиқ ва ҳасадгўйларнинг хусуматига қарамай академик бўлди. Чунки у ҳамиша адолатга

муҳиб, тўғрилилкка толиб, янгиликка тарафдор бўлган. Ўзига ўзи ишонолмайдиганлар ҳам Тўра акага умид ва ишонч билан қарашганини такрор-такрор кузатганман.

V

Яширмай, хаспўшламай айтадиган бўлсам, Тўра акадаги кечиурвчанлик, келишувчанлик, гоҳо меъёрдан зиёдлашгандай туюлган муросакорлик баъзида менга ёқмаган. Буни ўзига очиқ сўзлаганимда: “Гапираверасанда. Раҳбар бўлиш осонми бу илмий ва ноилмий жамоага...”, деган. Чиндан ҳам унга қийин бўлган. Чунки ҳар бирига биттадан директор бас келолмайдиган фосиқ, жанжалкаш ва товламачилар ҳам кам эмасди. У ё бу баҳона ва найранг билан улар Тўра акага ташланиб турганини илмий жамоатчилик ҳали эсдан чиқармаган. Хўш Тўра аканинг муҳофизи нима эди? Аввало, ақл, фикр, тозалик. Лойқа ёки ифлосланган сувни ичиб бўлмаганидай, ундан бошқа бир мақсадда фойдаланиш ҳам душвордир. Шунга ўхшаб ғаддор нафс ва дунёпарастликдан вужуди лойқаланиб, идрокини касру касофат қоплаган олимнинг илмидан ҳам ўзгалар қалбida файз, шуурида маънавий завқ инмайди. Рус шоири М.Ю.Лермонтовнинг “Умримизни сўрди самарасиз фан” деган сўзлари ана шунаقا илм ва олимликка тегишли. Илм-фаннинг сифати, олимлик эътиқоди ҳамда виждонига диққат-эътиборнинг сусайиши – фан тараққиёти ва таъсири йўлидаги хавф-хатарли тўсиқдир. Пинҳона кечадиган бу мураккаб масаладан ҳам кўз юммагани боис илм савдосини Тўра aka ҳамиша қоралаган. Чунки у илм-фанга юрт, миллат, адабиёт манфаати ва истиқболи нуқтаи назаридан қараб доимо ростлик, ҳалоллик ва оддийликка содиқ қолган. Мен буни ўзгалардан кўра дақиқроқ билишим билан мақтанишим мумкин. Шарқнинг буюк файласуф шоири Мирзо Бедил шеърларидан бирида “Кадом хонаеки табдил наёбад – гўр аст” – “Янгиланиш билмаган хона – қаро гўр”, дейди. Дарвоқе, гўрга менгзайдиган хонадонлар кўп бўлгани каби қабрни хотирлатгувчи қасрлар ҳам озмас.

Дари деворидан юлғичлик, ҳақсизлик, зўравонлик, ноқаслик “ҳайқириғи” эшитилиб, ашё-анжомидан кибор-

лик, моумонлик, худбинлик ва ҳаромхўрлик ҳиссиётлари сувратланиб турмаса – оддий, озода, хайр-хосиятли манзил дегани шу бўлади. Шундай уй ва ҳовлилар ёмонлик, гумрохлик, қаллоблик ва бири-биридан тубан майлларнинг кўзга кўринмас кушандасидир.

1972 йил, яъни қарийб ярим асрдан бери мен Тўра аканинг хонадонига кириб чиқаман. Раъно янга туғишган опамдай бўлиб қолган. Кўп улуғ зотлар ташриф буюриб, гурунг қилган Тўра аканинг уч хонали квартираси мен учун кўп қадрли ва хайрли маскандир. Унинг соҳиби самимият, сидку садоқат сарбони ўлароқ каттаю кичикнинг ишонч ва ҳурматига мушарраф бўлган. Оила аъзолари – Раъно опа ва фарзандлари эса устозга муносиб раъийи равишдан четта чиқишмаган. Омад деса ҳам шу, иқболу шавкат деса ҳам шудир.

**27. 04. 2018  
Дўрмон**

## **Раҳматулла БАРАКАЕВ**

### **ТҮРА МИРЗАЕВ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА**

1980 йилнинг октябрь ойида Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтининг болалар адабиёти бўлимига филология фанлари лаборанти лавозимига ишга қабул қилинганлигим ҳеч қачон эсимдан чиқмаса керак. Секин-аста Институтда ишловчи, биз фақат китобларини ўқиб, сиртдан таниб юрган устозлар, катта-кичик ҳамкаслар ва ҳамюртлар билан таниша бошладик. Тўра Мирзаев домла шу вақтларда фольклор бўлими бошлиғи эдилар. Тўғрисини айтганда, мен у кишини Институтда ишлаётганимга беш-олти йил бўлиб қолганидан кейин яқинроқ таниганман.

Ўша пайтларда пахта йиғим-терими, мева-сабзавот йиғиширишларга, албатта, ёшлар биринчи навбатда сафарбар қилиниши табиий ҳол ва буни ҳеч биримиз ғайри-табиий ҳодиса деб қабул қилмас эдик ҳам. Аслини олганда, кўпчилик билан яқиндан танишув айни шу қишлоқ хўжалик ишларига сафарбарлик пайтларига тўғри келган. Чунки дала ҳамма деярли тенг, бўлим мудирлиги-ю катта-кичик илмий ходимлик Институтда қолиб кетган. Тўғрисини айтсан, одамлар бир-бирини айнан шундай шароитда яқиндан таниши ва ҳар бир кишининг инсон сифатида кимлиги ўша далаларда яққол намоён бўлишига ҳам калта ақлим анча кейинроқ етди.

Тўра Мирзаевичнинг инсон сифатида кимлигини ҳам ўзим учун ўша далаларда кашф қилдим десам, асло муболага бўлмайди. У кишининг катта-кичикка бараварлиги, айниқса, ёшларни қўлидан келгунча қўллаб-қувватлаши, самимияти мен учун истисносиз “биринчи” дарс бўлган. Тўра ака билан ҳамюрт эканлигимиз, мактабдош эканли-

гимиз, мен у кишининг кичик сингиллари билан синфдош эканлигим, ҳатто ота қадрдан эканлигимизни ҳам ўша пайтлардаги сухбатларда билганман.

Бугун фаҳр билан эътироф этишим керакки, мен бир жиҳатдан жуда баҳтли одам эканман, ҳаёт йўлимда Тўра Мирзаевичга ўхшаган олим сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам бағрикенг кўплаб одамлар менга йўлдош бўлиб, устозлик қилганлар. Илмий раҳбарим Абдуқодир Ҳайитметов домладан илмий иш борасида қанчалар сабоқ олган бўлсам, Тўра Мирзаевичдан инсонийлик, бағрикенглик, кўпчилик билан ишлаш, катта-кичик билан бирдай муомала қилиш борасида ундан ҳам қўпроқ сабоқ олдим десам, асло муболага бўлмайди.

Тўра Мирзаевич билан ёнма-ён, у киши Тил ва адабиёт институти директори, мен эса илмий котиб сифатида салкам 17 йил биргаликда ишлаш баҳтига мушарраф бўлганим, айниқса, менга кўп нарсани ўргатди. 1994 йилнинг май ойидан бошлаб, Тўра аканинг бошига навбатдаги қора булувлар йиғилиб келган, у киши бош муҳаррир бўлган “Ўзбек тили ва адабиёти” таҳририяти тарқатилиб, бош муҳаррирлик билан бир қаторда директорликдан ҳам четлатилган пайтларда у кишининг ўрнига вақтинча директор вазифасини бажараётган ажойиб камтарин ва камсуқум инсон, катта олим Эрик Абдуллаевич Каримов тавсияси билан, Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти илмий котиби вазифасига тайинландим.

Озгина вақт ўтиб, қасд қилганлар паст бўлди, тошқин сувлар тиниб, Тўра Мирзаевич ўз вазифасига тикланди, журнал ҳам фаолиятини келиб қолган жойидан давом эттира бошлади. Мен ўшанда Тўра aka нақадар сабр-тоқатли, қатъиятли ва матонатли эканлигининг яна бир карра гувоҳи бўлдим.

Тўра Мирзаевич билан ёнма-ён ишлаш жараёни мен учун катта ҳаёт мактаби бўлди, аввало, Институт келажаги ва табиий равишда, ўзбек адабиётшунослиги, тилшунослиги ва фольклоршунослиги тақдиди, эртаси ҳақида жон куйдириш нима эканлигини том маънода шу даврда

англааб етдим. Бир пайтлар таркиби салкам 300 кишидан иборат бўлган, 200 дан ортиқ илмий ходим фаолият кўрсатган Тил ва адабиёт институти 1991 йилда Тилшунослик ва Адабиёт институтлари сифатида икки мустақил илмий муассасага айланганлиги, тўғрисини айтганда, барчамизда тилшунослик, адабиётшунослик ва фольклоршунослик эртасига, равнақига бўлган умид-ишончни янада чараклатиб юборди. Миллий, маданий, адабий, тарихий қадриятларимиз тикланиши шарофати билан минглаб йиллик халқ оғзаки ижоди, шу қадар узоқ тарихга эга мумтоз адабиёт ва XX асрда алоҳида тараққиёт босқичига кўтарилиган замонавий адабиётига эга бўлган Ўзбекистонда, айниқса, ёш авлод маънавий камолотига эътиборнинг янада юксак поғоналарга кўтарилиши барчамизни ушбу соҳалар тадқиқига эътибор ҳам шу қадар ривож топишига умидбахш қилди десам, асло муболаға бўлмайди. Бироқ узоққа бормай, бу умидлар пучга чиқиб, Тилшунослик ва Адабиёт институтлари яна бирлаштирилди, Тил ва адабиёт институти сифатида қайта тикланди. Буларнинг барчаси, аслида, Фанлар академияси институтлари грант тизимиға ўтказилишининг ниҳоятда оғир оқибатлари эдики, унинг асоратлари бугунги кунгача тугаган эмас. Тўра Мирзаевич ўша оғир кунларда бу нотўғри иш бўлаётганлиги, унинг оқибатлари илм-фанни орқага суриб юбориши аниқлигини кўп йиғилишларда, ҳатто катта доираларда ҳам дадиллик билан қайта-қайта кўтариб чиқди. Мен ушбу жараёнда домланинг илм-фан келажаги йўлида нақадар жонкуярлигига яна бир карра гувоҳ бўлганман.

Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг грант тизимида фаолият олиб бориши аниқ воқеликка айланганидан кейин эса Тўра aka йирик фундаментал илмий лойиҳаларгина институтлар илмий салоҳиятини сақлаб қолиши ва келажагини таъминлаши мумкинлигини фаннинг улкан ташкилотчиси сифатида олдиндан кўра олди ва ижтимоий-гуманитар соҳалар институтлар грантлар лойиҳалари тақдимотларида бу борада ўзининг қатъий фикрларини, ҳар доимгидек, дадиллик билан илмий жамоатчилик муҳокамасига ташлади. Ҳеч эсимдан чиқмайди,

бир институт раҳбарияти 2000 йиллар бошларидаги танловда институт номидан йигирмага яқин амалий илмий лойиҳани тақдимотга олиб чиққанида Тўра Мирзаевич бундай кичкина мавзуларга ботиб қолиш институт илмий жамоасини парокандаликка олиб келиши мумкинлигини кескин айтган эди. Афсуслар бўлсинки, ушбу институт тақдири худди домла огоҳлантирганларидек аянчли тугади.

Ўша йилларда Тўра ака ижтимоий-гуманитар фанлар институтлари илмий маҳсулотига харидор давлат бўлиши кераклиги, илмий лойиҳалар натижаларини монографиялар тарзида чоп этиш ҳар бир соҳада илм-фан натижаларини, аввало, таълим тизимининг барча босқичларига жорий қилишда намоён бўлиши кераклигини ҳам жуда кўп мартараб турли даражадаги йиғилишларда қайта-қайта кўтариб чиққан эдилар. Чунки, айниқса, тилшунослик, адабиётшунослик ва фольклоршунослик соҳаларида бажарилаётган илмий лойиҳалар, аслида, миллый, маданий, адабий, диний қадриятларни тиклаш манфаатларига хизмат қилиб, бу борадаги давлат сиёсатини амалга оширишга хизмат қилиши керак. Бу фикр ҳам бугунги кунда ўзини тўла оқлади. Биргина мисол: XX аср 90-йилларининг охирларида “Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғати”ни тузиш бўйича илмий лойиҳа олинган, бироқ “бу кўп жилдликни ким чиқаради?” деган андиша билан иш у қадар кўнгилдагидай бормаётган эди. Тўра Мирзаевич ушбу лойиҳа бажарилиши устидан назоратни тўлалигича ўз зиммаларига олиб, ҳар ҳафта охирида лойиҳа бажарувчилари билан ишнинг бориши юзасидан йиғилиш қилиб, ҳар бир ҳарф бўйича бажарилган ишни кескин мунозара-муҳокама қилишни ташкил қилдилар. Бу йиғилишларда домла ўзининг нафақат етук фольклоршунос олим, балки масъулиятли фан ташқилотчиси эканлигини ҳам кўрсатди. Кескин мунозаралар билан ўтказиладиган йиғилишларда ҳатто баъзи ҳарфлар тузувчилари бу масъулиятни зиммаларига ололмасликларини тан олиб, ҳарф тузувчилигидан четлаштирилди ҳам. 2005-2006-йилларда иш асосан яқунланиб, нашрга топшириш босқичига ўтганда Тўра ака Фанлар академиясининг ўша пайтдаги президенти Беҳзод

Содиқовиҷ Йўлдошевга мурожаат қилиб, нашр жараёни билан боғлиқ харажатлар муаммосини ҳал қилишда ёрдам сўраганлари кечагидек эсимда. Беҳзод Содиқовиҷ ушбу вазиятда Тўра Мирзаевични тўла қўллаб-қувватлаб, нашр жараёни билан боғлиқ каттагина харажатни ўзи директорлик қиласиган Ядро физикаси институтининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳомийлик ёрдами сифатида Тил ва адабиёт институти ҳисобига ўтказиб бердилар. Ушбу икки улкан фан ташкилотчининг илм-фан натижаларини амалиётга жорий қилиш борасидаги бекиёс заҳматкашликлари эвазига Тил ва адабиёт институти илмий ходимларининг, аввало, тилшунос олимларининг юзлари ёруғ бўлиб, 5 жилдлик муҳташам “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” нашр қилинди.

Бу гапни “Алпомиш” достони яратилганининг 1000 йиллигига бағишиланган тадбирлар ва бу борада амалга оширилган ишлар “Алпомиш” достонининг ўнга яқин варианtlари ва академик нашри сифатида чоп этилгани мисолида ҳам айтиш мумкин.

Институт раҳбариятида салкам йигирма йил ёнма-ён ишлаш жараёнида мен Тўра Мирзаевичдан ҳодимлар билан ишлаш, муомала қилиш, ҳар бир кишининг имкониятига қараб иш талаб қилиш борасида ҳам кўп нарсаларни ўргандим. Назаримда, Тўра аканинг беназир фазилатларидан бири ҳам ҳар бир ҳодимнинг меҳнатини қадрлаш, кўнглига йўл топиш, одамларни чиқитга чиқармаслик билан белгиланади. Шу давр мобайнида рус тилидаги З жилдли “Ўзбек (мумтоз) адабиёти тарихи”ни яратган илмий жамоа Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти билан тақдирланди, Абдурашид Абдуғафуров ва Азим Ҳожиев каби таниқли олимлар Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби даражасига эришдилар, йигирмага яқин илмий ҳодимлар (жумладан, ушбу сатрлар муаллифи ҳам) орден ва медаллар билан тақдирландилар. Аслини олганда, ҳар бир илмий ҳодимнинг давлат мукофотларига сазовор бўлишларида Тўра Мирзаевичнинг жуда катта ҳиссалари бор. Яна бир мисол: 2000 йилда улкан тилшунос олим, 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни тузишда жуда

катта меҳнат қилган академик Азим Ҳожиев номзоди “Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби” давлат мукофоти билан тақдирланишга тавсия қилинган эди. Бироқ нима саббандир, у киши мукофотланувчилар рўйхатидан тушиб қолганлигидан хабар топган домла Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўша пайтдаги фан бўйича Давлат маслаҳатчиси қабулига кириб, А.Ҳожиевни мукофотлаш зарурияти ҳақидаги ўз фикрини қатъият билан ҳимоя қилиб, фикри тўғрилигини исботлайди, А.Ҳожиев “Ўзбекистон Республикаси Фан арбоби” давлат унвони билан тақдирланади. Ўшанда Тўра Мирзаевичдаги ушбу қатъият, ҳақиқатгўйлик ва самимият нақадар эътироф қилинишининг яна бир карра гувоҳи бўлганман.

Институт директори сифатида Тил ва адабиёт институтининг умидбахш эртаси, келажагини таъминлаш, институт илмий ходимлари таркибини истеъдодли ёш илмий тадқиқотчилар ҳисобига доимий янгилаб бориш Тўра Мирзаевич кун тартибидаги доимий биринчи даражали масалалардан эди. Грант тизимиға ўтилганидан кейин бу имконият кескин пасайганлиги домлага қаттиқ таъсир қилди. Чунки илмий лойиҳаларга ажратиладиган маблағлар доимо биз сўрагандагидан сезиларли салбий фарқ қилас, ҳатто лойиҳа бажарувчиларига тўлиқ ставкада маош тўлаш имконияти ҳам йил сайин пасайиб борар эди. Фикр исботи учун яна бир мисол: ўша пайтларда ҳукумат қарори билан ойлик маош бир йилда икки марта тахминан 15 фоиздан оширилар эди. Бироқ лойиҳаларга ажратиладиган маблағлар доирасида бир марта ошириладиган ойлик маош миқдори ҳисобга олиниб, иккинчисини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан ошириш кўзда тутилади. Ижтимоий-гуманитар фанлар институтлари ҳисобида бюджетдан ташқари маблағ қаердан бўлсин?! Демак, йил мобайнида иккинчи марта ошириладиган ойлик маош ё нафақага чиқиб, ишдан бўшаб кетадиганлар ёки дунёдан ўтадиганлардан тежаб қолинадиган маблағ ҳисобига оширилади, бошқа йўли йўқ. Илмий ходим буни билмайди, у ўзининг қонуний ҳақи, яъни ойлик маоши орттирилишини талаб қилади. Раҳбарият эса, истаса-истамаса, ойлик маошни

орттириш ҳақидаги қарорни бажариши керак. Демак, ўз-ўзидан институттга янги, ёш ходимларни жалб қилиш имконияти нолга яқинлашиб, институт илмий ходимларининг ўртача ёши ҳам йил сайн юқорилашиб, Тўра Мирзаевич сингари илм заҳматкашларининг соchlаридаги оқлари эса тобора кўпайиб бораверади.

Илмий потенциални кучайтириш, институтни олий малакали илмий кадрлар билан таъминлаш биринчи навбатда диссертациялар ҳимояларига боғлиқ. Ҳар йили аспирант ва докторантлар аспирантура ва докторантурани тутгатаяпти, улар эса шу институттда тайёрланган илмий кадрлар. Демакки уларнинг диссертация ҳимоя қилишларига имконият яратиб бериш ҳам институт раҳбариятининг биринчи даражали вазифаларидан. Тўра Мирзаевич нафақат директор, балки институт хузуридаги диссертациялар ҳимояси бўйича иҳтисослашган кенгашнинг кўп йиллик раиси сифатида бу масалага ҳам доим жиддий муносабатда бўлар эди. Институтда аспирантура ва докторантурани тугаллаб, диссертация ҳимоя қилганидан кейин кўпчилик ёшлар олий ўқув юртларига кетиб қолишини домла тўғри тушунса ҳам, “бу ҳолда эртага институтда ким қолади”, деб азият чекишига кўп марталаб гувоҳ бўлганман. Айниқса, икки тизимли ҳимоя йўналиши бир босқичлига ўтказилганида “бу илм-фан тараққиётига салбий таъсир кўрсатади” деб, Тўра aka жуда қаттиқ хафа бўлди, турли йиғилишларда “бу ахволда фан доктори илмий даражасининг қадр-қиммати ва диссертацияларнинг илмий савияси сезиларли даражада пасайиб кетади”, деб ўз норозилигини изҳор қилди. Бироқ ҳалқимизнинг “От айланиб қозигини топади” деган ибратли мақоли бежиз айтилмаган экан, Тўра Мирзаевич сингари илм-фан сарбонларини норози қилган бир тизимли ҳимоя яна икки тизимли босқичга ўтказилиб, ҳақиқат яна қарор топди.

Тўра Мирзаевич нафақат улкан фан ташкилотчиси, балки Ҳоди Зариф бошлаб берган ўзбек фольклоршунослиги мактабининг бугунги кундаги раҳнамоси, йўлбошчиси сифатида ҳам нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб хориж мамлакатларида ҳам барчага ҳақиқий олим сиймосида

маълуму машҳурдир. Домлани бундан йигирма йиллар олдин ҳам кўпчилик “академик” деб эъзозлар эди. Яратганга шукурлар бўлсинки, бу борада ҳам ҳақиқат қарор топиб, юртбошимиз ташаббуслари билан Тўра Мирзаевичнинг академик сифатида расман эътироф этилишларидан барчамизниңг кўнглимиз янада равшан бўлди.

Ҳар бир ходим билан муомала қила олиш, айниқса, ходим тўла ноҳақ бўлган ҳолатларда ҳам оғир-босиқлик билан вазиятни юмшатиш, унинг ноҳақлигини қизишмасдан исбот қила олиш раҳбарликнинг нақадар оғир иш эканлигини тасдиқловчи ёрқин мисолдир. Тўра Мирзаевич бундай ҳолатларда ҳамиша ташкилот манфаатини ўз манфаатидан устун қўя оладиган улкан фан ташкилотчиси ва ҳақиқатнинг кўзига тик қарай оладиган ҳалол инсон сифатида менинг бир умрлик устозимдир. У кишидаги фазилатларнинг ўндан бирини эгаллай олган бўлсам, устоз сабоқларини, қай даражададир, ўзлаштира олган бўлсам, буларнинг барчаси менинг устоз олдида бир умрлик маънавий қарздорлигим эътирофидир.

**Шомирза ТУРДИМОВ**

### **АЛП ТАДҚИҚОТЧИ**

Ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек фольклоршуносларининг иккинчи авлоди фанга изма-из кириб келдилар. Бу даврда фольклор асарларини ёзиб олиш, нашр этиш борасида маълум тажрибалар тўпланган, ҳали халқ орасида бахши-шоирларнинг анъаналар ўзанида тарбия топиб, суюги қотган бир қатор вакиллари куч-кудратдан қолмаган, лекин от устида турган, жиловбардор шўролар тузми ўрнатган ғоявий тартиблар, “ички қўриқчининг” хушёrlиги уларнинг ҳам онгига ўрнашиб улгурган эди.

Ҳ.Т.Зарифов ва В.М.Жирмунскийларнинг “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” китоби мағзида келган назарий қарашлар, ғоялар барча фольклор тадқиқотларига улги бўлиб, йўл-йўриқ қўрсатиб турса-да, кўпчилик ёш изланувчиларнинг замон талабига “лаббай”, деб жавоб берадиган, “қизил” ғояларга тўйинган мавзуларни ишлашга иштиёқи баланд замонлар эди.

Шофиirkондаги мактабни “аъло” баҳоларга битириб, Бухоро педагогика институтини имтиёзли диплом билан таомомлаб, Сурхондарёдаги ўрта мактабнинг севимли ўқитувчисига айланган Тўра Мирзаевни кўнглидаги илм иштиёқи Тошкентга йўллади. Аввали, талабалик вақти доцент Я.Пинхасов маслаҳати билан киши исмларини тўплашга жиддий киришган, шу йўналишда тадқиқотлар яратишни мақсад қилган адабиёт ўқитувчиси аспирантурага кириш учун бор таваккал дея “Киши исмлари имлосига доир”, “Ойбек ижодида чет эл мавзуси” номли икки рефаратни ёзиб келди.

Тўра Мирзаев аспирантурага кириш вақтида бўлиб ўтган бир ибратли ҳолатни кўп эслайди, гапириб беришдан

чарчамайди: "...аспирантура имтиҳонларини топшириб, академия кадрлар бўлими бошлиғи Файзиев Мириной Мирзоҳидовичнинг олдига кирдим. Мен тик турибман, у киши қоғозларни кўраяпти. Шу пайт эшик кенг очилиб бир киши кўринди: "Мириной, дўппиликлар қайтиб кетмасин, чамадонлиларни ўзинг биласан". Эшик ёпилди. Ҳайрон бўлдим. "Бу киши ким?" – деб сўрадим. Файзиев: "Танимайсизми, академиянинг президенти Ҳабиб Абдуллаев-ку!" – дедилар. Орадан маълум муддат ўтиб, аспирантурага қабул қилинганимни хабар қилишди". Домла илм йўлига кирар экан, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Ҳоди Зариф каби ўнлаб, ўтган асрда фанни елкасида ортмоқлаб, халқ манфатлари йўлида beminnat курашган зиёлилар билан юзма-юз келди, бу улуғ зотларнинг ҳаёти, фаолияти унга маёқдек ибрат намунаси бўлди.

Аспирантурага қабул этилгач, тақдир Тўра Мирзаевни ўзбек фольклорининг ҳодийси – Ҳоди Зарифга рўбарў қилди. Устоз мавзу танлашни шогирднинг ихтиёрига кўйди. Ўша вақтда "Девону луготит турк" чоп этилган, адабиёт аҳли ўртасида шов-шувга айланиб, кўпчилик бу буюк асарни ишлаш иштиёқида ёнарди.

– "Девону луготит турк"ни ишласамми? – деди шогирд.

– "Девон" материаллари докторлик диссертацияси мавзуси. Шунда ҳам бир эмас, бир неча диссертацияларга мавзу бўлади, – жавоб берди устоз.

Ўртада доҳий мавзуси ҳам тилга олинди. Устоз: "Бўлмайди", деб қатъий рад этди. Мавзулар саналди, устозу шогирд "Алпомиш" достонида тўхташди. Мавзуни муаллифина танламайди, мавзу ҳам тадқиқотчини саралайди, деганлари рост экан. Шу-шу Тўра Мирзаевнинг ҳаёт, ижод йўли "Алпомиш" достонига боғланди. "Алпомиш"дай алп эпос ёш тадқиқотчининг алп олим бўлиб шаклланишида таянч бўлди.

"Алпомиш" достонининг ўзбек вариантлари" деб номланган номзодлик мавзусини ишлаш давомида Хатирчи тумани Ёнбош қишлоғида истиқомат қилувчи Эгамберди Олломурод ўғлидан (М.Муродов билан биргаликда), Тожикистоннинг Данғара тумани Кўшқия қишлоғида яшовчи

Аҳмаджон Соибназаровдан достоннинг тўлиқ, Ховос тумани Қўшқанд қишлоғида турувчи Исо Янгибай ўғлидан мазмунини ёзиб олиб фольклор архивида мавжуд варианлар қаторига қўшиди, ўз тадқиқотига жалб этди.

Олим достонни ёзиб олиш жараёнини эслар экан, зарқадрини заргар билганидек, ҳақиқий бахши сўз қадрини чуқур ҳис қилишини Эгамберди бахши мисолида хотирлайди: “Фозил шоир варианти мумтоз намуна. Бу вариант баҳосини нафақат мутахасисислар, балки улкан бахши шоирлар ҳам қайд этишган. Аммо бошқа варианларнинг ҳам илмда, достон генезисини тадқиқ этишда, шунингдек, қатор жабхаларда муносиб ўрни бор. Эгамберди бахши вариант ҳам ўзига хос. Биз достонни ёзиб олар эканмиз, бу борада бахши билан ҳам очиқ гаплашганмиз. “Сизнинг “Алпомиш”ингиз ҳам яхши, аммо Фозил шоирнинг вариантни баланд ва муқаммал”, деб Фозил шоирдан:

...Гул кетар бўлса гулистон эмранар,  
Юрти вайрон бўлса султон тебранар.  
Мол борида ҳамма одам дўст эди,  
Бошдан давлат қайтса, тувғон эмранар...

– парчасини бахшига ёддан айтиб бердим. Шунда раҳматли: “Шу парчани менинг “Алпомиш”имга қўшиб қўйинг, унитибман”, деб илтимос қилди. То бахшининг олдидан қайтгунимизча: “Қўшдингизми”, деб сўрашдан чарчамади. Мен, охири қўшдим, деб қутилдим. Чинакам бахшининг сўз қадрини, бадииятни ўта нозик ҳис қилишини шунда аниқ ҳис қилдим”.

Диссертация асосида чоп этилган “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари” (Фан, 1968) китоби ўзбек фольклоршунослигининг назарий савияси юқори босқичга кўтарилиганини кўрсатди, нафақат ҳамкаслар, балки чет эллик фольклоршунослар эътирофига ҳам сазовор бўлди.

Тўра Мирзаев устози Ҳоди Зариф билан номзодлик диссертациясини ишлаш давомида илмнинг паст-баландини, тадқиқотчи нимани ёзиб, нималардан воз кечишни ўрганди. Тўра Мирзаевнинг навбатдаги фундаментал тадқиқоти “Халқ бахшиларининг эпик репертуари” (Фан, 1979)

ҳам Ҳ.Зариф ва В.М.Жирмунскийларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари асосида яратилди. Эндиликда бу асарнинг аҳамияти кунлар ўтган сайин янада ошиб бормоқда. Олимнинг номини ҳар жиҳатдан оқламоқда. Китоб бахшичилик санъатини яхлит тизим сифатида тасаввур этиш имконини беради. Бахши-шоир ким, бахшининг эпик асарларни куйловчи ва сақловчи ижодкор эканлиги, ўзбек достончилик мактаблари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, бахши репертуари, достон куйлаш тартиби, бахши тайёрлаш, устоз-шоғирдлик муносабати, анъана ва бадиҳағйўлик, ижрочи типлари, бахши ва тингловчи алоқаси ҳамда бахшиларнинг эстетик қарашлари каби фундаментал масалалар бу асар моҳияти, мазмунини ташкил этади.

“Халқ бахшиларининг эпик репуртуари” китобида келтирилган далиллар, назарий хулосалар кейинги тадқиқотларда ҳам ўз исботини топмоқда.

Биргина бахшиликнинг илоҳий илҳом билан боғлиқ талқинига диққат қиласайлик. Муаллиф “...бу тур санъат баъзан сирли, “илоҳий” тушунтирилиб, бахши номи турли-туман афсоналар, ривоятлар, қўшиқ ва нақлларга бурканган” лигини баён этар экан, афсонавий Муродбахш гори ва бу сирли ғор жойлашган Шахрисабзнинг Кенггўзар, Нуротанинг Канда, Чашмаи Зирақ каби маконлари ҳақида тўхталиб, Чанкут (Дўстмуҳаммад) жиров номи билан боғлиқ қуидаги ривоятни келтиради: “Бир куни бир бойникига достон айтишга бораётганда, Қурбон устозидан: “Сизни кароматли жиров дейдилар, ростми?” – деб сўрабди. Шунда Чанкут: “Бугун мен достон айтганда, қўбиз билан овозим бир хил бўлади. Шунда менинг бошимга қара, кўрган нарсангни хеч кимга айтмай, кўзингни юм”, – дебди. Бирга бойникига келиб қўнадилар. Одамлар йифилади. Чанкут достон куйлай бошлайди. Овози билан куйи бир бўлган пайтда Қурбон устозининг бошига қарайди. Қараса, жировнинг бошидан сал баландда икки бошли илон тилини чиқариб турган эмиш. Буни кўрган Қурбон бирдан “Ана илон” деб бақириб юборади. Ўтирганлар уни кўриб, даврадан чиқиб қочадилар. Чанкут достон куйлашни тўхтатиб, чиқиб кетади ва Навоий шаҳрига яқин Қалқон деган жой-

га етиб келиб, отидан тушади ва: "Сен менинг айтганимни қылмадинг. Сенинг яхши чечанлигинг бор, қуиларни үргандинг. Бор, энди үзинг биласан", - деб фотиҳа бермай, Қурбонни ҳайдаб юборган эмиш. Шунинг учун ҳам унинг сози ва сўзи яхши бўлгани билан даврасида файз бўлмаган эмиш. Шундан бошлаб эл орасида уни "Чанкутнинг чала шогирди" деган гап тарқалган экан". Дўстмуҳаммад жировнинг сози ва овози уйғун келган он, ҳазрат Навоий таъбири билан айтилса, шоирнинг алола худудига ўтган дами эди. Бу қувват шаклини Қурбон жиров икки бошли илон сувратида кўрди, ҳалқона тимсолда ифодалай билди холос, аммо тўла илғай олмади. Дўстмуҳаммад жиров тепасида илон шаклида кўринган, барча соҳаларда бирдек кечувчи бу хил илҳом ҳолати аслида инсон руҳияти, англаш, билиш, тафаккур этиш, ижод қилиш, яратиш қувватининг омма тасаввуридаги рамзий ифодаси эди. Фольклорда бу хил сирларнинг ҳалқона изоҳлари, бадиий ифодалари кўп. Инсоният тарихида Леонардо да Винчи қаторида улуғланниб, ихтиrolарида ўз замонасида юз йиллар олдинга кетган, электротехниканинг оталаридан бири деб қаралувчи Тесланинг қуйидаги фикрлари бу ноёб қобилиятнинг манбай, моҳиятини бир қадар изоҳлайди. Тесла ёзади: "Менинг миям фақат қабул қилувчи бир ускуна, холос. Коинот кенгликлари аро қандайдир бир, биз узлуксиз равишда билим, куч, илҳом оладиган манба – ядро мавжуд. Мен бу ядронинг сир-синоати нимада эканлигида бехабарман, лекин унинг мавжудлигига аминман". Бахши-шоирларнинг сирли илҳом манбалари ҳам ана шу коинатдаги сирли Ядро – УЛКАН БИЛМга боғлиқ эканини бахшиларнинг афсона ва ривоятлари тасдиқлайди.

Тўра Мирзаев ҳамкаслари билан ҳамкорликда "Ўзбек ҳалқ ижоди" ўттиз етти жилдининг дунё юзини кўришида иштирок этди, лойиҳанинг муносиб якунланишига бошқош бўлди. Атоқли шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуаридан ташкил топган беш жилдлик "Булбул тароналари", икки жилдлик "Эргаш Жуманбулбул ўғли" тўплами ҳамда "Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни" мақолалар китоби учун Ҳ.Зариф, М.Афзал, М.Алавия, Ш.Шоабдураҳмо-

нов, З.Хусаиновалар билан биргаликда Давлат мукофотига лойиқ топилди.

Т.Мирзаевнинг рус тилида чоп этилган “Эпос и сказитель” (Фан, 2008) китоби юксак академик усулда ёзилган. Академик йўналишдаги тадқиқотлар ҳамма вақт ҳам кенг омма назарига тушавермайди. Лекин илмнинг бу иморатисиз фан ривож топмайди. Олим умр бўйи фанлар академиясида ишлаётгани учунгина академик усулни танлаган эмас. У бунда ўзбек фольклоршунослиги анъаналарини барқарор давом эттириш, дунё миқёсига олиб чиқиши мақсадиди кўзлаган. “Эпос и сказитель” Мустақилликдан кейинги рус тилида эълон қилинган йирик тадқиқотлардан бири бўлганлиги учунгина алоҳида ажралиб турмайди. Китоб олимнинг қарийб эллик йилга яқин илмий изланишлари сарҳисоби сифатида ҳам қимматли. Ҳозирда чет эллик ҳамкасбларимизнинг “Эпос и сказитель”га бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётгани фикримизни тасдиқлайди. Илм ҳажм билан белгиланмайди. Баъзан бир жумлада айтилган фикр бутун соҳа йўналишини белгилаб беради. Олимнинг “Эпос и сказатель” китобида ана шундай ўйлашга, фикрлашга ундовчи ўринлар кўп.

Тўра Мирзаевнинг устоз Ҳоди Зариф ҳаёти, ижоди, салафлари, ҳамкасблари ва шогирдлари билан боғлиқ воқеа ва тафсилотларни жамлаган “Ҳоди Зариф сұхбатлари” (Т., 2013) китоби илмий оммабоп усулда ёзилган. Китобда бир шогирднинг ўз устозга бўлган садоқати, меҳри кўринади, дейилса камлик қиласи. Китобни ўқиш давомида “маданиятимиз тарихи учун жуда муҳим, аммо ҳеч қаерда ёзилмаган, ҳужжатларда қайд этилмаган, архивлардан ҳам топиш мумкин бўлмаган маълумотлар” билан танишамиз. Ҳоди Зариф ёзига улгурмаган, лекин сұхбатларда айтган қимматли илмий фикрлар, у ёки бу факт ёки ҳодисага муносабатлари орқали олим шахсини қайта кашф этамиз. Муаллифнинг: “Мен аслида рисола муаллифи эмас, домланинг у ёки бу масалаларга доир оғзаки мулоҳазаларини, устозлари ва сафдошлари ҳақидаги баҳоларини эшифтган киши сифатида уларни бир-бирига улаб, китобхонга етказувчи воситачиман, холос”, дейишида жон бор. Сұхбатларда кел-

тирилган Ҳоди Зариф, унинг устозлари ва сафдошлари ҳаётидан сүзлавчи лавҳалар орқали ўзбек фольклоршунослиги тарихидан хабардор бўламиз.

“Ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва фаолияти ўзига хос, қизиқарлидир. У умри давомида нималаргadir эришади, нималарнидир бажаришни режалаштиради, нималаргadir улгурмай қолади. Бажарғанлардан мамнунлик, улгурмай қолганларидан ўқсиш кайфияти билан яшаш ва ишлашда давом этади. Эҳтимол, инсондаги ана шундай етиш-етиш-маслик унинг янги, қандайдир бошқа ишларни бошлишига ва имконияти доирасида уни амалга оширишга ундан турса керак”. Олимнинг “Ҳоди Зариф сұхбатлари” кириш сўзига ёзган бу фикрлари эндиликда саксондан ошаётган илм кишисининг бир хулосасидир. Домланинг ҳар бир сұхбатида фольклоршунослигимизнинг бугуни, келажаги билан яшаетган, қайғураётган фан фидойиси муносабатини кўрамиз, ҳавасимиз ортади. “Фольклор биз учун бугун мөрс, асосий намуналари XX асрда ёзиб олинган. Биз XX аср намуналарига қараб ўн асрдан наридаги ҳолатларга назар ташлаймиз. Фольклор доимий ҳаракатдаги ижод. Ҳар бир масалани моҳиятидан келиб чиқиб баҳолаш лозим. Баъзан масала моҳиятини нотўғри талқин этиш ҳолатлари пайдо бўлмоқда. “Ўзбекистонда баҳшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи” (Т: “Тафаккур”, 2015. –304 бет.) деган китоб чоп этилди. Ўрганилиши керак бўлган мавзу, лекин бу тарзда эмас. Бу китобни ўқиб ёқа ушлаб қоласиз, бор китоблардан узиб, қуроқ қилинган, бир-бирига уланмаган ола-тасир нарсалар йиғиндиси. Бу хил чиқишиларга ўз вақтида жавоб бериш керак. Бўлмаса боғни бегона ўт босиб кетади. Ўзбек эпосининг ёрқин намуналари дея нашр қилинган “Ромозон чопоғон”, “Турсун Мерган”, “Хулкар пари”, “Тошбосар”, “Ойсулув” каби китобларни “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”лар қаторида тавсия этишимиз, инсоф билан айтганда уят. Норқизил Кенгбоевнинг “Шомурод шоир куйлаганда” (Шарқ юлдузи, 2015 йил, 5-сон, 181–183-бетлар) мақоласи чоп этилди. Муаллиф ёзадики, “баҳшининг отаси 1942 йил сентябрда “Алпомиш”, “Авазхон”, “Юсуф ва Аҳмад” ва бошқа достонларни баҳши ўғли-

нинг қўлига тутқазиб: "Буларни яхшилаб миянгга жойлаб ол", деди-да урушга кетди". Аввало, бахшилик китобдан ўқиб ўзлаштириладиган санъат эмас. Бугунги бахшиларнинг китоб ўқиётгани, ўрганаётгани бор гап, лекин анъ-аналар китобдан олинмайди. Бунинг устига, 1942 йилда "Юсуф ва Аҳмад" нашр қилинмаган эди. Ёлғон фактларни, ҳалқ оғзаки ижоди табиатига бегона ҳолатларни қўшиб-чатиш оммани адаштиради. Сўз масъулияти деган гап бор. Қўлига қалам олган одам бу масъулиятни ҳис этиши шарт. Саводсизлик ва бефарқлик фаннинг энг катта кушандаси".

Фольклор соҳасига тегишли катта-кичик қайдлар, мақола-ю китоблар Тўра Мирзаев назаридан четда қолмайди. Эринмасдан фикрини ёзиб келиб бизга маълум қиласди. Шундай қайдлардан бирида "Халқ сўзи" (2013 йил, 20 март, 3-саҳифа) газетасида элон қилинган Олимжон Қаюмовнинг жажжигина мақоласига фикр билдирилган. Домла ёзади: "Олимжон Қаюмов "Халқ сўзи" газетасида чоп этилган "Кут-барака қўшиғи" мақоласида Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Хоноқо, Уйшин, Чифотой, Жалойир қишлоқларида 20 март куни ўткизиладиган "Сув тўлди" ("Барака", "Обибарака", "Тўлди" деб ҳам аталар экан) маросими ҳақида маълумот берган. Унда хонадон соҳиби барча идишларни (қозон, челак) сувга тўлдирап экан. Ушбу сувдан Наврӯз таомлари тайёрлашда ишлатилар экан. Халқ байрам куни шудгор қилинган ерга сув сепиб, "ҳай барака", деб қичқиришган.

Гўжа оқжўхори оқланиб тайёрланадиган таом бўлиб, баъзи жойларда қўча оши ҳам дейилади", деб ёзиб ушбу айтимни келтирган:

Момолар болаларни ўтқазиб қуйидаги қўшиқни айтадилар:

Талашмасин, талашмасин,  
Кўзим ошин ошасин,  
Кўча берган худойим  
Улуғ бўл, дер илойим,  
Момонг кўча сузади,  
Уканг ўйин бузади.

Икковора бир қошиқ,  
Кўчага бўлдим ошиқ,  
Ташашиб ичар ошини  
Ўйнамай беш тошини.  
Ол ташаш,  
Ол ташаш!"

Йилт этган жўяли фикр, факт қимматини илғаш чинакам олимга хос хусусият, белги ҳисобланади.

Домла ёзиб келган яна бир қайдга диққат қилайлик: "Халқимиз яратган қўшиқлар орасида "Бойчечак" қўшиғи ўзгача оҳангга эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг сўзларини ёд билмаган ўзбек бўлмаса керак. Бироқ бу қўшиқ мазмуни ҳаммага ҳам аён эмас. [adabiyot.uz](http://adabiyot.uz) сайтида: "Олимлар болалар фольклорини кимлар яратди, деган саволга жавоб беришга уринганлар. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф билан бир куни илмий сухбатда нима учун болалар фольклори ҳақида мақола ёзмаганлигини сўрадик. Шунда устоз бу оғзаки ижод намуналари ўта сирлаи ва мураккаб эканлигини айтдилар ва мазкур асарлар ҳақида мақола ёзишга журъат этмасликларини тушинтиридилар. Уларнинг фикрича, айrim қўшиқлардаги сирли ифодани изоҳлаш жуда мушкил экан" дейилади. Ёки "...бойчечак сўзи гул маъносида эмас экан, янги туғилган гўдак маъносида келаётир... чақолоқни биринчи бор бешикка боғлаш маросимида айтилган..." Яна бир кўчирма келтирадилар: "Зукко халқимиз бойчечак сўзининг" туб маъносига ёндашиб, уни бойнинг боласи, яъни чақолоқ сифатида эътироф қилган. ...мавсум қўшиғи эмас, маросим қўшиғидир. Бешикка белаш маросимини ифодалайди" (кўчирмалар Маъмура Зоҳидованинг "Бойчечак" – баҳор қўшиғи...ми" мақоласидан олинган, "Шарқ юлдузи" журнали 2017 йил 9-сон. 157-162-бетлар). Олим бу фикрларга муносабат билдириар экан, ёzáди: "Бу хил қўшиб тўқишилар кейинги вақтларда кўпайиб кетди. Одамлар илм мастьулиятини унутиб кўйганга ўхшайди. Илм бундай бўлмайди".

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институтининг фольклор бўлими чоп эттираётган "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликла-

ри" 100 жилдлиги бир неча авлод фольклоршунос, адабиётшунос ва зиёлиларнинг орзуси эди. Ушбу нашрлар бевосита Тўра Мирзаев тузган тартиб ва йўриқлар асосида амага ошмоқда. Айни пайтда домла бизга алоҳида мактуб шаклида маслаҳатлар ҳам бериб келмоқдаки, уларнинг баъзиларини бу ўринда келтириб ўтишни лозим топдим. Зеро бу мактублар шунчаки қайдлар эмас, касби ҳаётининг мазмунига айланган мутахассиснинг фикрлари, илмга масъулият, авлодлар олдида жавобгарлик ҳисси билан яшашнинг ёрқин мисолидир:

"Шомирза Турдимовга. Пўлкан шоирдан архив инвентарь рақамлари бўйича 16 достон ("Бўтакўз" икки бўлакда ёзиб олинганини ва икки рақамда инвентарлаштирилган лигини ҳисобга олсак 17 достон) ёзиб олинган. Ҳатто уч достон, баъзан икки достон кетма-кет ёзиб олиниб, бир достон сифатида нашр этилганини, айрим нашр этилган достонлар таркибида мустақил сюжетлар борлигини ҳисобга олсак, уларнинг сони 20 га етади. Бунда такрорлар ёки номига қараб, бир нарса икки марта инвентарлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Қуйида бу борадаги кузатишларимни қисқача баён этаман. Чунки кейинги сухбатда (бўлимда) "Гўруғлининг туғилиши"ни тайёрлайман", деганингиз мени ниҳоятда хурсанд қилди. М.Жўраевда мен тузган проспект ва нашрга тортилажак асарларни танлаш йўриқномаси бор. Танишиб чиқинглар. Чунки ишни материални ўрганишдан бошлиш зарур. Менинг ҳисобим бўйича Пўлкандан 10 достон нашр этилган.

1. И nv. №6. Гулнор пари. Шу номда алоҳида ва "Гулнор пари" кўп томликада нашр этилган.

Шу кейинги нашрнинг 256-299-бетларида Жалман қизилнинг ўғли Алман қизил Бектош арабни Чамбилга бошлаб келиб, енгилиши тасвириланади. Мустақил достонми? Термаларда келадиган "Бектош араб" достоними? Ёки "Гулнор пари"нинг таркибий қисмими?

2. И nv. №7. "Ҳасанхон". Нашр этилмаган. Архивда 37-инвентарь рақамидаги "Темирхон подшо"нинг, "Ҳасанхон", "Ҳасан Чопсон" номларида нашр этилган биринчи қисми билан айнанми ёки бошқа достонми? "Далли"га алоқаси борми?

3. Инв. №13. "Авазхон". Нашр этилган. "Гулнор пари" түплами, 301-375-бетлар. 24-инвентардаги "Гүрӯғлиниң Авазни излаб бориши" достони билан бир хилми ёки мустақил достонми?

4. Инв. №14. "Мисқол пари". "Гулнор пари" түпламида нашр этилган, 5-66-бетлар.

5. Инв. №15, 16. "Бұтакүз". Нашр этилмаган. 31-инвентардаги "Авазниң уйланиши" достонига алоқаси борми? Бириңчи ва иккінчи бұлаклар иккі киши (Фотима ва М.Зарифов) томонидан алоҳида-алоҳида ёзиб олинган. Иккі достонми ёки битта?

6. Инв. №19. "Гүрӯғли". Учта достон кетма-кет айттылган ва ёзиб олинган. 1967 йилда асоссиз бирлаштирилиб, уч достон "Гүрӯғлиниң туғилиши" номида нашр этилган:

1) "Гүрӯғлиниң туғилиши" -7-80-бетлар. Бечора шоир ҳам бириңчи достонни айтиб бұлғач: "Шоирнинг айттан сүзи күп бұлди, авжы келса гапи тушгур хүп бұлди, Гүрӯғлиниң бир байти соп бұлди", – дейди. Шу сабабли ҳам Б.Каримов 1941 йилда "Гүрӯғлиниң туғилиши"ни алоҳида нашр эттеган эди.

2) "Гүрӯғлиниң болалиги". -80-136-бетлар. Бу достонларни Фозил шоир ва Раҳматулла ҳам алоҳида-алоҳида айттылган.

3) "Зайдиной". -136-164-бетлар. Бунинг 29-инвентардаги "Гүрӯғлиниң Райхон образининг қизини олиб қочиб келиши" билан қандай алоқаси бор? "Гүрӯғли"даги (19-инвентарь) "Зайдиной" қисменинг айнан үзими? Буни Раҳматулла, бошқа бахшилар ҳам алоҳида айттылган. Ҳоди Зариф уч достон сифатида таҳлил эттеди. Демак, құшиб юбориш түғри эмас. Пұлкандан кетма-кет ёзиб олинган. Шу сабабли құшилиб кеттеган.

7. Инв. №20. "Гүрӯғлиниң Райхон араб устига ёвлаб бориши". Нашр этилмаган. "Зайдиной" достони билан биттами ёки мустақил достон? "Юнус пари", "Гулнор пари" достонларидаги кирилма сюжетларга алоқаси қандай? 29-инвентардаги "Гүрӯғлиниң Райхон арабнинг қизини олиб қочиб келиши" билан битта достонми?

8. Инв. №24. "Гүрӯғлиниң Авазни излаб бориши". Нашр этилмаган. 13-инвентардаги "Авазхон"га алоқаси борми? Эхтимол, битта достондир.

9. Инв. №29. "Гўрўғлиниң Райҳон арабнинг қизини олиб қочиши". Нашр этилмаган. "Гўрўғлиниң туғилиши"даги (136–164-бетлар) "Зайдиной" қисми билан битта достонми?

10. Инв. №31. "Авазнинг уйланиши". Нашр этилмаган. 15, 16-инвентардаги "Бўтакўз"га алоқаси борми?

11. Инв. №37. "Темирхон подшо", "Ҳасанхон" ("Ҳасан Чопсон"), "Чамбил қамали" номларида икки достон сифатида "Ҳасанхон" тўпламида нашр этилган (1976). 7-инвентардаги "Ҳасанхон"га алоқаси борми. Эҳтимол, "Темирхон подшо" номида бир достон сифатида нашр этиш маъқул дир. Унда Пўлкан шоирнинг "Ана энди Райҳон араб келиб, Чамбилни тошдай қамагани" каби холис изоҳини қандай тушуниш мумкин. Шоирнинг шу изоҳига асосланиб, Ҳоди Зариф "Темирхон подшо"нинг иккинчи қисмини "Чамбил қамали" номи билан узлуксиз нашр этиб келган.

12. Инв. №107. "Хидирали элбеги". Нашр этилмаган.

13. Инв. №108. "Бердиёр оталиқ". Нашр этилмаган.

14. Инв. №109. "Замонбек". Нашр этилмаган.

15. Инв. №114. "Ҳиломон". ("Эломон" бўлиши керак). 1970 йилда М.Муродов алоҳида китобча сифатида нашр этган.

16. Инв. №139. "Юнус пари". 1967 йилда "Гўрўғлиниң туғилиши" тўпламида нашр этилган. ~165–318-бетлар. Шу достон нашрининг 220–238, 261–270, 270–276-бетлардаги киритма сюжетлар (Райхоннинг Чамбилга лашкар тортиши, арабларнинг қочиши)нинг бошқа достонларга ("Гўрўғлиниң Райхон араб устига ёвлаб бориши") алоқаси қандай? Мустақил достонларми?

Мирзаев Т."

Халқимиз айтади: "Қари билганини пари" билмас". Домланинг эллик йилдан ортиқ ҳаёти Тил ва адабиёт институти, фольклор архиви фаолияти билан чамбарчас боғлиқ кечмоқда. Бу зотнинг ҳар бир сұхбати жонли тарих, ўгитлари ҳикмат. Домланинг қўйган саволлари, мулоҳазалари, изоҳлари достонларнинг нашр жараёни катта изланишлар билан кечишини кўрсатади.

Иккинчи мактубдан: "Битта бахшида шунча муаммо. Бундай ҳолатлар бошқа бахшиларда ҳам бор. Масалан,

Буюк Карим 1939 йилда Фозил отанинг “Гүрүғлиниң болалиги”ни зұр дейди. Достонни шу вариантида нашрға тайёрлашга ваъда беради. Аммо архивдаги Фозил ота нусхаси ундай эмас. Шу “зұр вариант” қаерда?

Ёки: Ҳоди аканинг айтишича, Зоҳир шоир у ёки бу достонни икки нусхада ёзиб, бирини ўз номидан, иккинчиси - ни Ислом ота номидан қалам ҳаққи учун архивга топшириб юборган. Бундай ҳолатларни ҳам аниқлаш зарур.

Ёки Раҳматулла “Ёзи билан Зебо”ни менинг илтимосимга қўра ёзиб топширган. “Гүрүғли”ни тайёрлашда уни топа олмадик. Бошқа материаллар орасига кириб кетгандан бўлиши мумкин.

Шу бахшининг “Бахши қиз” достони қандай достон? Яна шу бахшининг “Қатортол” достони нима? Унинг магнителефон нусхасини топса бўладими? Ва ҳоказо.

“Ёдгорликлар”да “Гүрүғли” достонлари жилдлари тузилганда ушбу рўйхат асосида кетма-кет тайёрланиши керак. Масалан, аввал “Гүрүғлиниң туғилиши”.

- а) Пўлкан варианти;
- б) Фозил варианти;
- в) Раҳматулла варианти;
- г) Эгамберди варианти;
- д)

Сўнг иккинчи алоҳида жилд: “Гүрүғлиниң болалиги” варианtlари:

- а) Пўлкан;
- б) Фозил;
- в) Раҳматулла;
- г)

Кўп достонлар бир вариантда. Масалан, “Интизор”. Бундай ҳолларда жилд ўзаро яқин сюжетли достонлар билан тўлдирилиши лозим. Масалан, “Интизор” Авазнинг уйланиши билан боғлиқ бирор достон билан, айтайлик, Раҳматулланинг “Ойгулниң олиб келиниши” каби вариант билан бирга чоп этилиши мақсаддага мувофиқ.

Хоразм “Гүрүғли”си алоҳида жилд (ёки жилдларни) ташкил этиши лозим... Сен, Маматқул, Жаббордан араб ёзувини зарур даражада ўрганишларингни илтимос қиласман. Бизга

биров қилиб бермайди. Мутахассис бўлмаганларнинг нашрлари талабга жавоб бермайди (Хушвақтнинг "Алпомиш", Тўра шоирнинг "Соҳибқироннинг туғилиши", Қаҳҳорнинг "Қирқ қасамёд" ёки "Аҳмад Яссавий") достонлари каби.

Бундай муаммолар бошқа достонлар мисолида ҳам мавжуд. Тўра".

"Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари"га тартиб беришда домланинг бу ўгитларига амал қилинди, нашрнинг мукаммаллигига эришилмоқда.

\*\*\*

Тўра Мирзаев эндиликда ўз устозлари, сафдошлари ҳақида туркум мақолалар эълон қилмоқда. Фольклоршунослик фанининг қарийб бир асрга яқин тарихини жонли ҳикоя қиласувчи бу мақолаларнинг қадри келажакда янада ортишига имонимиз комил.

"Рўза сенинг ўзингга очлик, нафсингга қаҳрdir, руҳингга озуқа бўлади", дейди сўфийлар. Олимнинг рўзаси ёлғондан сақланиш. Устоз Тўра Мирзаев ўз сўзи, ўз ҳаёти билан ёлғонлардан, эгри йўллардан сақланди ва биз шогирдларга ибрат бўлмоқда.

**Дармоной ЎРАЕВА**

## **ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИМИЗ ЯЛОВБАРДОРИ**

Бутун ҳаётини илмга, юртимизда ёшлар тарбиясига бағишилаб келаётган фидойи олим, филология фанлари доктори, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, ўзбек фольклоршунослиги мактабининг етакчи вакилларидан бири, академик Тўра Мирзаев ўз соҳасининг билимдони, жонкуяри, қатор олимларнинг устози бўлганидан нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам таниқли.

Олим мамлакатимизда фольклоршунослик соҳасини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уни янги билимлар эвазига бойитиш, назарий жиҳатдан тараққий топтириш, илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион ишламалар билан мустаҳкамлаш, фундаментал асосга эриштириш, илмий қимматли асарлар яратиш ва амалиётга жорий этиш, шу орқали юртимизда фан ва таълим интеграциясини янада такомиллаштириш, жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш ишида илғорлик қилиб келаётган олимлардандир. Айниқса, у мустақиллик йилларида ўзбек фольклорини жаҳон фольклоршунослиги контекстида ўрганишда ташаббускор бўлиб келмоқда.

Тўра Мирзаев юртимизга жуда кўп фозилларни етиштириб берган қадимий Шоғирқон фарзандларидан. Унинг ўзбек фольклори намуналарини излаб топиб ёзиб олиш, нашр қилдириш ва илмий тадқиқ этиш борасидаги фидойи хизматларидан қўпчилик хабардор. Илмга алоҳида рағбат ва иштиёқ билан қараган, гўзал инсоний фазилатлар эгаси бўлган, илмий салоҳияти ва ташкилотчилик истеъдоди юк-

сак бу улуғ алломанинг фольклоршунослик соҳасида эришган илмий ютуқлари, яратган асарларининг назарий-амалий қиммати, ўзига хос янгилиги жаҳон фольклоршунослалининг ҳам қизиқишига сабаб бўлган.

Юртимиизда фольклоршунос илмига асос соглан атоқли олим Ҳоди Зарифга шогирд тушиб, у бошлаган хайрли ишларни садоқат билан давом эттирган Тўра Мирзаев тинимсиз изланишлари туфайли унга муносиб шогирд ва қатор шогирдларга раҳнамо бўла оладиган етук устоз даражасига кўтарила олди. Бевосита унинг йўл-йўриқлари билан ўзбек фольклоршунослари сафига Б.Саримсоқов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, А.Мусақулов, М.Обидова, С.Йўлдошева, Қ.Мамашкуров, С.Хегай, А.Бозоров, Ж.Эшонқулов, Ш.Турдимов, М.Бобоев, Ф.Ақрамов, Ф.Ҳамроев, И.Бекмуродов, Д.Халилова, Н.Очилов, Н.Сафарова, К.Боймуҳаммедова, М.Жўраева сингари олимлар кириб келдики, уларнинг аксариятини бугун республика илм аҳли яхши танийди.

Олимнинг Б.Саримсоқов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, А.Мусақулов, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов сингари шогирдларининг ҳам ўз мактаблари шаклланиб улгурди. Тажрибали устознинг тўғри йўл-йўриқ ва кўрсатмалари, қимматли маслаҳатлари билан ишлаган бу шогирдларнинг ўзи кўпчилик ҳавас қиласидаги даражадаги устозга айланди.

Ўзбек фольклоршунослигида устози Ҳоди Зарифдан кейин бу фан тараққиётини янги босқичга кўтаришга эришган Тўра Мирзаевнинг номи ўз соҳасининг билимдони сифатида юксак даражадаги илмий доираларда тан олинган. Жумладан, унинг номини нафақат Ўрта Осиё ва жаҳондаги турккийзабон халқлар яшовчи мамлакатларда, балки Европада ҳам билишади ва эътироф этишади. Айниқса, олимнинг эпос ва эпос ижодкорлигию ижрочилигига оид қарашлари туфайли ўзбек фольклоршунослигининг довруғи мамлакатимизнинг сарҳадларигача бориб етди. Бинобарин, бу довруқлар Ўрта Осиё, Россия, Туркия, Олмония, Япония, Озарбайжонгacha ёйилган. Олимнинг илмий қарашлари В.Жирмунский, В.Путилов, К.Райхл, Дурсун Йилдириим, Селами Фидокор сингари рус, олмон ва турк фольклоршунослалининг эътиборига тушиб, уларнинг эътирофига сазовор

бўлган. Айниқса, унинг фольклор муаммоларига бағишиланган жуда кўп регионал ва халқаро илмий анжуманлар ва симпозиумларда қилган маъruzалари жаҳон фольклоршуносларида катта қизиқиш уйғотди.

Т.Мирзаевнинг бевосита ташаббускорлиги ва бағрикен-глиги туфайли у қатор йиллар раҳбар бўлган ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими ўтган асрнинг 70-йиллари иккинчи ярми ва 80-йилларида барча туркий-нажот халқлар учун чинакам фольклоршунослик марказига айланиши, бу даргоҳ ҳузуридаги илмий кенгащда озарбайжонлик Озод Набиев, Мурсал Акимов, қўмиқ Абдулҳаким Аджиев, татар А.Г.Яхин, бурят С.Ш.Чафуров, қирғиз Р.З.Қидирбоева, туркман Б.Мамедязов, қорақалпоқ С.Баҳодирова, К.Алламбергеневлар докторлик ҳамда Ф.Гўзалев, корейс С.Хегай, туркман С.Мамеднуров, уйғур Ф.Ҳамроевлар номзодлик диссертацияларини ёқлаши ўзбек фольклоршунослиги соҳасида илмий алоқаларнинг ривож топишига асос бўлди.

Фольклоршуносликка “Алпомиш” достони тадқиқотчи-си сифатида кириб келган Тўра Мирзаев бу мавзуга мутлақ содик қолди. Ҳатто у ўтган асрнинг 50-йиллари бошларида мафкуравий тазиيқлар туфайли “Алпомиш” достони “миллатчиликни тарғиб қилувчи, халққа қарши асар” деб қораланганига қарамай, уни тадқиқ қилишдан чўчимади. Қайтага янада шижоат билан ишга киришиб, ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси – “Алпомиш” достонининг 33 вариантини қиёсий тадқиқ қилиб, уларнинг икки версияда тарқалганлигини аниқлади. Шу асосда олим у ёки бу достончилик мактабига хос хусусиятларни, улар репертуаридаги достонларнинг сюжет қурилишидаги фарқлар ва бошқа ғоявий-генетик жиҳатларни илмий асосслаб берди. 1968 йилда у шу соҳадаги кузатишлари ва назарий ҳулосаларини умумлаштирувчи “Алпомиш” достонининг ўзбек вариантлари” монографиясини эълон қилди.

Олим Алпомиш” достонининг турли тиллардаги нашрларини амалга оширишда ҳам ғайрат кўрсатди. Жумладан, 1982 йилда бу достоннинг рус тилига таржимаси унинг сўзбошиси билан Л.Пеньковскийнинг тўла таржимаси асосида

“Шоир кутубхонаси” рукнида Ленинградда босилиб чиқди. Бу нашр европаликлар орасида алоҳида эътибор қозонгач, Тўра Мирзаевнинг унга ёзган сўзбошиси Германиянинг Бохум университети томонидан мунтазам чоп қилиниб келинаётган “Туркология материаллари” тўпламининг 9-жилдида немис тилида босилди. 1996 йилда эса у нашрга тайёрлаган Берди бахшининг “Алпомиш” достонига илова шаклида “Алпомиш” достонининг ўзбек варианлари” монографиясининг Карл Райхл амалга оширган немисча баёни Боннда эълон қилинди.

Истиқлол йилларида Тўра Мирзаев “Алпомиш” достонининг Фозил шоир варианти асосидаги тўла нащрини амалга оширишга муваффақ бўлди. 2000 йилда Анқарада шу нашр Ойсу Шимшек ва Ойнур Оз томонидан турк тилига ўгирилиб, достоннинг минг йиллигига тўёна сифатида чоп этилди. Хуллас, унинг илмий тадқиқотчилик фаолияти ҳар қанча кенг қамровли бўлмасин, марказий нуқтасида “Алпомиш” достонини ўрганиш муаммолари турди. Бироқ олимнинг достоншунослиқдаги фаолиятида “Алпомиш” достонини ўрганиш мавқеи ҳар қанча баланд бўлса-да, у бошқа хилма-хил мавзулардаги достонларни ўрганишга ҳам катта қизиқиш билан қаради. Олим шу йўналишда олиб борган кузатишлари ва тадқиқотлари натижасида ўзбек халқ бахшиларининг ижодкорлик ва ижрочиликдаги санъаткорлигини, репертуари хусусиятларини, айниқса, бахши ижрочилигидаги достон танлаш жараёнини, бунда терма жанрининг ўрнини, эстетик вазифасини ва жанрий табиатини ҳам илмий жиҳатдан ўрганиб, ўз кузатишларини 1979 йилда “Халқ бахшиларининг эпик репертуари” монографиясида эълон қилди.

Т.Мирзаев Марказий Осиёда илк бор алоҳида бир бахши репертуари асосида кўп жилдлик тўпламларни нашр этишни ташкил этишга ҳам эришди. Шунинг натижаси сифатида халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбул репертуаридан ўзбек тилида беш томлик “Булбул тароналари” ва рус тилида “Песня Бульбуля” тўпламлари эълон қилинди. Шу улкан хизмати эвазига олим Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофоти билан муносиб тақдирланди. Бу юксак эътибор уни янада янги изланишлар сари ундади. Шундан сўнг

унинг бевосита ташаббуси билан "Ўзбек халқ мақоллари" икки жилдлиги, Бухоро халқ эртаклари ва ривоятлари асосида "Луқмони ҳаким" тўплами, халқ баҳшиси Саидмурод Паноҳ репертуаридан "Одилхон" китоби эълон қилинди. Айниқса, "Одилхон"нинг чоп этилиши XX асрда ҳам Бухоро да эпос сўнмаганигини тасдиқловчи муҳим далил сифатида кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Т.Мирзаевнинг республикамизда фольклор фани заҳматкашлари илмий-тадқиқотчилик фаолиятларини умумлаштириш йўналишида ёзилган илмий мақолалари фольклоршунослик тарихи, унинг тараққиёт тамойиллари ва қонуниятларини яхлит бир тизим кўринишида ўрганиш имкониятини яратди. Бу жиҳатдан унинг Ғози Олим Юнусов, Буюқ Каримов, Мансур Афзалов, Музайяна Алавияларнинг фольклоршунослик фаолиятларини умумлаштирувчи мақолалари, айниқса, устози, ўзбек фольклоршунослик илмига асос солган ва уни жаҳонга танитган заҳматкаш олим Ҳоди Зарифга бағишлиланган адабий портрети эътиборга лойик.

Айниқса, Истиқлол йилларида халқимизнинг юксак ижодий салоҳияти натижасида асрлар давомида яратилиб, бадиий сайқал топиб келган фольклор асарларини янада чуқурроқ ва кенг кўламда, изчил ўрганиш учун яратилган имкониятлар кўпчилик фольклоршунослар қатори Тўра Мирзаевни ҳам ниҳоятда руҳлантирди. Олим ҳеч кечиктирмасдан ўз шогирдларини фольклор асарларида ифода топган асрий қадриятлар силсиласини ўрганиш сари йўллади. Миллий тарбиянинг муҳим омилларидан бири бўлган ва эзгу ғоялару битмас-туганмас маънавий қувват манбаи ҳисобланган фольклор асарларини тўплаб ўрганиш ва кенг оммага етказиш ишига бевосита бош-қош бўлди.

Олим ишни аждодларимизнинг энг қадимий бадиий анъаналарини ўзида мужассам этган оммавий Наврўз кўшиқларини тўплаш ва ўрганишдан бошлади. Халқимизнинг мифологик тасаввур-тушунчалари, эътиқодий қарашлари, қадимги турмуш тарзи, ўтмиш маданияти ҳақида ўзига хос бадиий шаклда маълумот бера олиши жиҳатидан ҳозирги ёш авлод тарбиясига кучли руҳий-эстетик ва

ижтимоий таъсир кўрсатиш имконига эга бўлган Наврӯз анъаналарини тадқиқ ва тарғиб қилишга киришди. У шогирди Маматқул Жўраев билан ҳамкорликда Наврӯз байрамига алоқадор халқ анъаналарини ўрганиб, унга дахлдор янги маълумотларни аниқлади. Бинобарин, ўтган асрнинг 70-йилларида халқимизнинг кўпгина маросимлари қатори Наврӯз байрамини нишонлаш ҳам расман тақиқланган эди. Истиқлол эса Наврӯзни яна халқимизга қайтарди.

Т.Мирзаев шогирди М.Жўраев билан билан ҳамкорликда эълон қилган “Наврӯз” (1992) китобида бу кўхна ва навқирион байрамга алоқадор қўшиқлар, афсоналар, одатлар ва иримлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Бу китоб табиат кўклиамги ўйғониши ҳақидаги мифологик қарашлар, ўсимликларни тимсоллаштиришга асосланган аграр кульплар ва магик характердаги рамзий ҳаракатлар тизимидан иборат ритуалларнинг юзага келиш асосларини ўрганиш сари ташланган дадил одим эди.

Тўра Мирзаев устоз фольклоршунослардан Ғози Олим Юнусов, Ҳоди Зарифовлар қатъий талаб қилишганидек, ҳамиша халқ оғзаки ижоди намуналарини жонли ижрода, ижодкор-ижрочиларнинг бевосита ўз оғзидан, яъни баҳшилар, эртакчиilar, қўшиқчиларнинг айнан ўзидан ҳеч ўзгартирмай, айтувчи шевасида, қандай бўлса, шундайлигича, “қўл уришлар”из ёзиб олишга даъват қиласиди, бу билан олим ўзининг шу юрт маданий-маънавий бойликларини араб-авайлашдаги маъсулиятини, жонкуярлигини чинакам ватанларвр сифатида намоён этади.

Ўзбек фольклоршунослигининг етук намояндаси Т.Мирзаевнинг фольклоршуносликда энг кечирмайдиган жиҳати: бирор-бир матнни ўйлаб чиқариб, уни халқ номидан тарқатишга уриниш ҳолатидир.

Тўра Мирзаев ўзбек фольклоршунослигига оид дарслик ҳамда ўқув қўлланмаларнинг муаллифи сиймосини ҳам ўзида мужассамлаштира олган истеъодод соҳибларидандир. Олимнинг ўз ҳамкаслари ва шогирдлари билан ҳамкорликда яратган “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди” (К.Имомов, Б.Саримсоқовлар билан, 1990) дарслиги, “O’zbek xalq og’zaki ijodi xrestomatiyasi” (О.Сафаров ва Д.Ўраева билан,

2008) ўқув қўлланмалари республика олий ўқув юртларида ўқитилмоқда.

Бухоро фольклори локал белгиларига кўра алоҳида ўзига хосликларга эга. Унга хос ана шу локал хусусиятларни ўрганиш эса ҳамиша долзарб бўлиб келган. Бухоро ҳудудининг фольклорини регионал асосда тўплаб, умумўзбек фольклори контекстида нашр қилиш ва илмий жиҳатдан ўрганишнинг йўлга қўйилишида, айтиш мумкинки, Тўра Мирзаеврохрав бўлди. Бевосита унинг таклифи ва ундаши туфайли бу ишга алоҳида ғайрат кўрсатиб киришган Охунжон Сафаровнинг сайъ-ҳаракати билан Бухоро заминидаги ҳалқ оғзаки маънавий меросини ўрганиш илмий асосда йўлга тушди ва бу заминда фольклоршунослик мактаби қарор топди.

Бухорода фольклоршунослик мактабининг шаклланишида Тўра Мирзаевнинг таъсири катта бўлганини инкор қилишнинг сира иложи йўқ. Негаки, шу мактабнинг бошловчиси Охунжон Сафаровнинг ҳалқ ижоди тадқиқотчиси бўлишига аслида Тўра Мирзаев сабабчи бўлган. Устозимиз Охунжон Сафаров ўз хотираларида буни ҳамиша ёд этардилар.

Охунжон Сафаров билан Тўра Мирзаев бир-бирларини мактаб даврларидан билишган. Дастрраб мактабда, кейин эса Бухоро давлат педагогика институтида кетма-кет ўқиган бу икки биродарга фанда ҳам елқадошлик ва издошлик қилиш тақдири насиб этган.

Талабалик кезларида Бухоро давлат педагогика институти хузурида ташкил этилган ёш адабиётшунослар тўраганидаги машғулотлар давомида бир-бирини таниб, маънан яқинлашган Т.Мирзаев ва О.Сафаров ўртасидаги дўстлик ришталари бора-бора устоз-шогирдлик даражасига кутарилган. Рост, О.Сафаров ҳатто Т.Мирзаевдан олдин докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Шундай бўлса-да, у ҳамиша Т.Мирзаевни ўзининг устози санаб, қадрлаб келган. Негаки, ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталаридан ўзбек болалар адабиётшуноси сифатида танилган О.Сафаров ўзининг кейинчалик етук фольклоршунос сифатида ҳам танилишига икки буюк фольклоршунос: Б.Н.Путилов билан Т.Мирзаев сабабчи бўлганлигини доим эсларди. Чунки у бу иккала

забардаст фольклоршуноснинг маслаҳати билан, кутилмаганда, ўзбек болалар фольклорини яхлит тизим сифатида ўрганишга киришиб, юксак эътирофларга сазовор бўлган докторлик тадқиқотини амалга оширишга эришганди. Ана шу эътиромининг рамзий ифодаси сифатида у 2006 йилда устози, биродари, таниқли фольклоршунос Тўра Мирзаевга бағишлиган адабий портретини эълон қилиб, унда ўз шогирдлик ва инилилк эътиромини баён этишга уринди<sup>1</sup>.

Устозимиз устози, бизнинг ҳам устозимиз Тўра Мирзаев ҳамиша ёш фольклоршуносларнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб келган. Камтар ва заҳматкаш бу инсоннинг ўзбек фольклори намуналарини излаб топиб ёзиб олиш, нашр қилдириш ва илмий тадқиқ этиш борасида берган маслаҳатлари доимо фаолият йўлимизни ёритган. Унинг меҳр-оқибатидан, оталарча ғамхўрлигидан баҳраманд бўлганларнинг сони кўп. Бағрикенглик, жонкуярлик ҳаётининг мезонига айланган, илм аҳлига илтифоти бекиёс Тўра Мирзаев бугунги кунда фольклоршунослигимиз байроқдори бўлиб, шу соҳа ихлосмандларига бош бўлиб келмоқда.

Хуллас, кўп қиррали фольклор назариётчиси Тўра Мирзаевнинг ўзбек фольклоршунослиги назарий асосларини белгилашда ва унинг яхлит тарихини яратишда фольклоршунослар жамоатчилигини уюштириб, соҳага доир кенг қамровли фундаментал тадқиқотларни, тўпламларни, дарслик ва хрестоматияларни яратиш ишида юксак ташкилотчилик салоҳиятини намоён эта олаётганлиги ёшларга ўрнак бўлиб, уларни янгидан-янги илмий изланишлар сари рухлантириб келмоқда. Зоро, Тўра Мирзаевнинг фаолиятида ёш фольклоршунослар учун сабоқ бўларли маънолар бисёр.

<sup>1</sup> Сафаров О. Тўра Мирзаев. Адабий портрет. –Т.: А.Кодирий номидаги Халқ мероси наприёти, 2006. –147 бет.

## **Эргаш ОЧИЛОВ**

### **ТҮРА МИРЗА ҲАНГОМАЛАРИ**

Тұра Мирзаев билан салкам үттиз йилдан буён бир илмий даргохда елкама-елка ишлаб келамиз. Илмий, адабий, ҳәётий масалаларда күплаб мuloқotлар қылғанмиз, қанча-қанча давраларда, сафарларда бирга бўлғанмиз. Устознинг оғзидан эшигидан, ўзим бевосита гувоҳи бўлган ибратли ҳикоятлар ва қизиқарли ҳангомалар, у кишининг турли сабаблар билан билдирган ҳар турли фикр-мuloқазалари ни ён дафтаримга ёзиб юраман. Қуйида уларнинг айримларини қадрдан ҳамкаслар эътиборига ҳавола этаман.

#### **Пайсалга солиш сабаби**

Ходи Зарифни диссертациялар, мақолаларни ўқиб беришни пайсалга солища, ҳатто ўқимасликда айблашар экан. Унинг ўзи эса бу ҳақда Тұра Мирзаевга шундай дебди:

– Мен яхши нарсаны ҳеч қачон ушлаб турган эмасман. Бир-икки бет ўқийман, ёқмадими – ташлаб қўяман...

#### **Олов**

Иzzат Султон Тұра Мирзаевнинг салга қизишиб кетишини кўриб, айтган экан:

– Оловнинг бостириб келаётганини қўрдингми – уни дафқилиш пайдан бўл. Ўзингни оловга урсанг, қуйиб кетасан.

#### **Таскин**

– “Алпомиш” юбилейи баҳонасида эпосга сира алоқаси бўлмаган тадқиқотлар, нашрлар болалаб кетди-да, – шикоят қилиби Тұра Мирзаев. – Кимни қарама “Алпомиш” шунос.

– Хафа бўлманг, – деб уни юпатиби Абдулла Орипов, – ит тумшуқ тиққани билан дарёning суви ҳаром бўлмайди.

## Илм аҳлининг ҳомийси

Азим Ҳожиевга "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби" унвони олиб бериш учун Тўра Мирзаев қаттиқ курашган экан.

– Хўш, шу одамга арбобликни берса нима бўлади-ю, бермаса нима бўлади? – деб сўраган экан унинг хархашларидан безор бўлган Ўзбекистон Президентининг фан ва таълим масалалари бўйича ўша пайтдаги давлат маслаҳатчиси.

– Агар берсангиз янги бир институт очгандай бўласиз!

## Шанбаликда

Институт ходимлари шанбалик қилишаётганда Тўра Мирзаев бир-бирига ёпишган уч ниҳолни кўрсатиб:

– Икки четдагисини чопиб, ўртадагисини қолдириш керак, – деди.

Эгамберди деган бир ходим болтани олди-да, айнан ўртадагисини чопиб ташлади. Шунда Тўра aka айтди:

– Энди сенинг бу қилифингга бир гап айтмаса бўлмайди:  
Шу ниҳолнинг тили бўлса, нима дерди?

"Эгамберди! Менинг айбим нима дерди?"

Кимдир илиб кетди:

Ундоқ эмас, бундоқ дерди:

Чопмаганда Эгамберди,

Мевамни ҳамма ерди.

Шу орада Раҳим Жуманиёз пайдо бўлди-ю, воқеадан хабар топиб, шундай деди:

Эҳ, Эгамберди, Эгамберди,

Қайси аҳмоқ сенга болта берди?

## Юз жилдлик илова

Фольклор бўлими 100 жилдли "Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари"ни чиқара бошлиди.

– Бу юз жилдан ошиб кетади-ёв, – дебди Маматқул Жўраев Тўра Мирзаевга.

– Аввал юз жилдни чиқарайлик. Кейин унга илова сифатида яна юз жилдни чиқарамиз, – дебди унга жавобан устоз.

### Газета

Тұра Мирзаев ҳикоя қиласы:

– Бир газетада мени танқид қилиб чиқишиді. Нима деб жавоб қайтаришни үйлаб, хунобим чиқиб үтирсам, Азиз Қаюмов келиб қолди. Дардимни айтиб, маслағат сұрадым. “Хеч нарса ёзманг, – деди у киши. – Газета бир күнлик нарса: буғун үқилади, әртага унугилади”.

### Дарвеш олим

Тұра Мирзаев билан Эрнст Бегматов кетма-кет докторлық диссертациясина қимоя қилишган экан.

– Диссертация билан ҳужжатларни Москвага юборғанмыз. Таңдағын күтиб менинг юрагим така-пұка. Тұра бўлса парво ҳам қилмайди – ароғини ичиб юрибди, – дейди Эрнст ака. – “Үтса-үтар, үтмаса яна битта диссертация ёзармиз-да”, – дейди.

– Үзига ишонган одам шундай бўлади-да, – дедим.

### Мақтот

– “Фольклоршунослик асослари” дарслигингни яхши ёзғансан-да, – дебди Тұра Мирзаев Маматқұл Жұраевга.

– Нимаси яхши? – деб энди сұрайман деб турса, үзи айтиб қолибди:

– Менга бағищланған қисмини зүр ёзибсан!

### Ресторан

Раҳматулла Баракаев барча маъракаларини Құйлиққа борадиган йұлдаги “Гулсанам” кафесида үтказади. Бир куни унинг ёнидан үтиб кетаётсак, Тұра Мирзаев шунга ишора қилиб ҳазиллашды:

– Мана Раҳматуллонинг ресторани!

### Ҳайф кетған китоблар

Тұра Мирзаев айтады:

– Қалам ҳақи үрніга юзта китоб олиб, ҳаммасини дұсту танишларға дастхат өзиб тарқатдым. Шундан китобингизни үқидим деган уч киши бўлди.

## Фидойилар

Тўра Мирзаев айтади:

– Институтда уч-тўртта фидойи ходимлар бор: ишни ҳам шулар қиласди, гапни ҳам шулар эшигади. Ишламайдиганлар юрибди билганини қилиб...

Баъзан уйланиб қоламан: ишлайдиган кишини ҳадеб танқид қиласверса ҳам тўғри эмас – сендан ҳам, ишдан ҳам қўнгли совиб кетар...

## Таъзиянома

– “Ўзбек тили ва адабиёти” журналида мархумларга таъзиянома бериш эсингдан чиқмасин, – деди Тўра ака.

– Бердим.

– Ҳаммасигами?

– Ҳа.

– Қара, яна бирортаси қолиб кетмасин – бу йил ўлим кўп бўлди.

– Менимча, қолмади-ёв...

– Қидир! Топ!

## Мушоҳада кенгликларида

Тўра Мирзаев айтади:

– Мумтоз адабиётни бошдан-оёқ диний тасаввуфдан иборат қилиб қўйдинглар. Шундай тасаввур туғиладики, гўё ўтмишда ҳеч ким мавжуд ҳаёт билан, оддий инсоний турмуш билан қизикмай, ҳамма ёспасига илоҳий ишқ дарди билан ёнган...

\*\*\*

– Эргаш Фозилов бир китобида менга қарши нима гапларни ёзмади? одамлар жавоб қилмайсанми деб ковлашди. Бунинг учун мен ҳам битта китоб ёзишим керак эди. Лекин бунинг кимга кераги бор? – дейди Тўра Мирзаев.

\*\*\*

– Рубоийнинг келиб чиқишини форсий адабиётга боғлашингга мен қаршиман, – дейди Тўра ака. – Унинг илдизини халқ тўртликларидан қидириш керак.

\*\*\*

– Яхши тадқиқотчи – бир институтга тенг, – дейди Тўра ака.

\*\*\*

– Тамом бўлган одам даъво қилишга ўтади, – дейди Тұра Мирзаев.

## БИР ЧИМДИМ ТАЪРИФ

### Үзини ўйламайдиган одам

Одамлар борган сари манфаатпарат бўлиб бораётгандар ҳақида гапирсам, Қаҳрамон ака тутақиб кетди:

- Менга ўз манфаатини ўйламайдиган кишини кўрсатинг!
- Тұра Мирзаев...

### Отни қамчилаш

Дўстмурод Абдураҳмонов бошлиқ ҳасадгўйлар Тұра Мирзаев профессорликка лойиқ эмас деган мазмунда Олий Аттестация Комиссиясига шикоят хати юборишибди. Ҳолбук, у киши профессорликка ҳужжат топширгаган экан.

### Яхшилик меваси

Дилрабо Қувватованинг докторлик диссертацияси муҳокамасидан кейин бир пиёла чой устида сухбат қурдик. Диссертант қолиб, барча мақтov Тұра Мирзаев шаънига ёғилаётганини кўриб ҳазиллашдим:

- Бу кечак сизнинг кечангиз бўлди!
- Кейин илова қилдим:
- Яхшиликларингизнинг мевасини теряпсиз – одамлар яхшиликни унутмас экан.

\* \* \*

Тұра Мирзаев ўзи хоҳлаганда ҳам бирорвга ёмонлик қилолмайди, чунки бирордан уч олиш у кишининг табиатида йўқ.

## УСТОЗ ҮГИТЛАРИ

### Асаббузарликлар

Тұра Мирзаев айтади:

- Мени ишларнинг кўплиги эмас, охири кўринмайдиган кундалик асаббузарликлар чарчатяпти.

## Вақт ўғриси

Тўра Мирзаев бир гапни кўп тақоролайди:  
– Ичкилик – вақт ўғриси.

## Ўзингдан қолма

Тўра Мирзаев доим менга:  
– Худодан сўра-ю, ўзингдан қолма! – деб насиҳат қиласади.  
Кечаки гапдан-гап чиқиб деди:  
– Мен сенга неча марта айтганман, яна қайтараман: бир-  
ровга орқа қилма, Худодан сўра!  
Чунки ўзи ҳамма нарсага ўз меҳнати ва ҳаракати билан  
эришган-да.

## Иш билан овунинг

– Ҳозир яшаш оғир бўлиб қолди, – деди Тўра Мирзаев.  
– Асабийлашмасликка ҳаракат қилинг. Ўзингизни фақат иш  
билан овутинг. Бошқа йўл йўқ.

Анча бўлди, ўзим ҳам шу тўхтамга келганман. Мен оғир, из-  
тиробли ўйлардан эмас, боши-кети йўқ ишлардан чарчаб қол-  
япман.

## Қалам аҳли

Мен илму ижоддан бир қун узилсан камида уч қун бу  
оламга киролмай қийналаман. Энди ойлаб, йиллаб қулига  
қалам олмаганларнинг аҳволини тасаввур қиласеринг!

Тўра Мирзаев айтади:

– Ҳатто олий ўқув юртларида дарс бераётганларнинг  
ҳам қўли ёзишдан чиқиб қолади. Сенинг баҳтинг шундаки,  
Академия тизимидан четга чиқмадинг. Қўшимча ишларнинг  
ҳам ёзув-чиズув билан боғлиқ.

Яқинда Қаҳрамон Ражабов ҳам шундай деди:

– Ўқитувчиликка ўтса, қўл ёзувдан чиқиб қолади.

# **ИЗДОШЛИК САМАРАЛАРИ**



**Тұра МИРЗАЕВ**

## **“ГҮРҮҒЛИ” ТУРКУМИ ДОСТОНЛАРИНИНГ ҮРГАНИЛИШИ, ЯРАТИЛИШ ДАВРИ ВА ДАСТЛАБКИ НАШРИ ҲАҚИДА**

“Гүрүғли” туркуми достонлари яратилиши, тарқалиш до-  
ираси ва күйланиш хусусиятлари билан ҳам, сюжет таркиби,  
композицион қурилиши ва услубий үзгачилеклари билан  
ҳам, туркumlаниш даражалари ва жонли оғзаки ижро шаро-  
итларида сақланиш ҳолати билан ҳам жағон халқлари эпик  
ижодиётида фавқулодда бир бадий ҳодисадир. Унинг фавқу-  
лодда бадий ҳодиса эканлиги яна шундаки, бутунги кунда  
ноёб фольклор меросига айланган бу улкан эпос Марказий  
Осиё, Кавказ, Яқын Шарқ, Сибирь, қысман Европа халқлари  
орасида кенг тарқалған эди ҳамда айрим әл-әлатларда ҳо-  
зир ҳам бахши, оқин, жиров, ошиқлар томонидан күйлаб ке-  
линмоқда. Унинг версия ва варианtlари ўзбек, токик, турк-  
ман, қозоқ, корақалпок, қирғиз, уйғур, озарбайжон, турк,  
қишимтатар, арман, грузин, курд, ажар, лазгин, абхаз, қумик,  
гагауз, қараим халқлари фольклор ижодкорлари ва ижрочи-  
ларидан ёзib олинған ҳамда нашр этилған. Булғор турклари,  
Эрон озарбайжонлари, Ироқ туркманлари, Сибирь татарлари,  
Ставропол туркманлари, Афғонистон ўзбеклари, Ўрта Осиё  
(Бухоро) араблари Гүрүғли ҳақида күшиқлар күйлаб, риво-  
ятлар сўйлаб келғанлар. Ана шундай кенг ҳудудда тарқалған,  
асосан, туркий халқлар, қысман уларга қўшни яшаган бошқа  
халқларнинг ҳам муштарақ оғзаки ижоди бўлған бундай  
 силсила фольклор асарлари қачонлардир яратилиши ҳамда  
тариҳий-ҳаётий ва мифологик асослари жиҳатидан бир ёки  
бир неча негизга бориб тақалсалар-да, кейинги тараққиёти-  
да оғзаки ижро шароитларида уларни күйлаб келган ҳар бир  
халқнинг ўз миллий эпосига айланган. Туркум достонлар-

да тасвириланган эпик қаҳрамон Гўрӯғли (Кўрӯғли, Карӯғли, Гургули) ўзбек мұхитида ўзбек, озарбайжон мұхитида озари, туркман мұхитида туркман, түрк мұхитида усмонлидир. Шунинг учун ҳам эпоснинг версия ва варианtlарида қанчалик муштараклик, үхашашлик кўзга ташланса, уларда шунчалик (балки кўпроқ) миллий ўзига хослик мужассамдир.

I

“Гўрӯғли” (“Кўрӯғли”) достонларини дастлабки ёзиб олиш, нашр этиш ва ўрганиш ишлари XVIII асрнинг биринчи чораги ва XIX асрнинг 40-йилларига тўғри келади. Жумладан, эронлик арман савдогари Элиас Мушегян Эрон хукуматининг сиёсий айғоқчиси сифатида Астраханда кўлга олинганды, унинг ёнидан бир “Қўшиқлар” тўплами топилади. Ушбу тўпламда Низомий, Фузулий асарларидан намуналар, мақол ва маталлар билан бир қаторда Жанубий Озарбайжон ошиқларидан 1721 йилда арман ҳарфлари билан озарбайжон тилида ёзиб олинган “Гўрӯғли” достонидан ўн учта мустакил қўшма (терма, қўшиқ) ҳам мавжудлиги аниқланган<sup>1</sup>. Тўпламдаги “Гўрӯғли” қўшмалари (термалари) тадқиқотчиларга анча илгари маълум бўлган бўлса-да, унинг матни арман олимлари А.Абрамян ва Д.Габриелянлар томонидан 1954 йилдагина нашр этилди<sup>2</sup>. Шунингдек, ўтган асрнинг 60-йилларида грузин шарқшуноси Л.Г.Чалаидзе Грузия Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг мусулмон фондидан 1856 йилда арман ҳарфлари билан озарбайжон тилида кўчирилган йигирма саккиз мажлисдан (қисмдан, бўлимдан) иборат яна бир қўлёзмани топган эди<sup>3</sup>. Бу мисоллар “Гўрӯғли” достонлари озарбайжон версиясини тўплаш ишлари дастлаб уларни арман имлосида ёзиб олиш билан бошланганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Тахмасиб М. Проблема народности азербайджанских дастанов и современное состояние исследования их // Вопросы изучения эпоса народов СССР. Москва: Наука, 1958. –С. 180.

<sup>2</sup> Абрамян А., Габриелян Д. Неизданные песни “Кёр-оглы” // Известия АН Арм ССР. Общественные науки. –Ереван, 1954, №9. –С. 71–93.

<sup>3</sup> Қаранг: Короглы Х. Г. Взаимосвязи эпоса народов Средней Азии, Ирана и Азербайджана. –М.: Наука, 1983. –С. 169–247.

Ўзбек ва туркман “Гўрўғли” сининг айрим намуналарини қаламга олиш ишлари эса, XIX асрнинг ўрталарига тўғри келади. 1853 йилда насталиқда қўчирилган, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти Петербург бўлими қўлёзмалар фондининг К.П. Кауфман коллекциясида 321-инвентарь рақами остида сақлангаётган қўлёзма, шунингдек, 1936 йилда Ҳоди Зариф топган яна бир бошқа қўлёзма<sup>1</sup> бунга далил бўла олади. Бу ўринда 1870 йилда генерал-майор А.К. Абрамов ташкил этган Искандарқўл экспедицияси кундалигидаги таржимон Абдураҳмон Мустажиров томонидан ўзбек тилида ёзиб олинган “Гўрўғли” достони бир парчаси матнини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур<sup>2</sup>. “Гўрўғли” (“Кўрўғли”) туркуми достонларини нашр этиш ишлари XIX асрнинг 40-йилларидан бошланган. Жумладан, И.Шопен 1840 йилда Петербургда нашр этиладиган “Маяк современного просвещения и образования” журналида “Кўрўғли” достони ўн уч мажлиси (бўлими) баёнини нашр этган эди. 1842 йилда дипломат А.Ходзъко достоннинг Жанубий Озарбайжон версиясини Лондонда алоҳида китоб сифатида инглиз тилида нашр этди. Шу китоб 1856 йилда С.С. Пенн таржимасида Тифлисда рус тилида босилди. В.В. Радловнинг “Туркий халқлар оғзаки адабиётидан намуналар” номли машҳур ўн жилдлигининг тўрттинчи жилдида тобол татарлари версияси (1872), саккизинчи жилдида турк версияси (1899) чоп этилди. 1880–1881 йилларда ўзбек ва турк версияларининг литографик нашрлари амалга оширилди. “Гўрўғли” (“Кўрўғли”) достонларини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш борасида XX ва XXI асрнинг бошларида ҳам салмоқли ишлар бажарилди<sup>3</sup>. Ушбу мақолада уларнинг барчасини таҳлил қилишга за-

<sup>1</sup> Каранг: Зарифов Х.Т. К изучению узбекского народного эпоса // Вопросы изучения эпоса народов СССР. –М.: Наука, 1958. –С. 122.

<sup>2</sup> Каранг: Брагинский И.С. О таджикском эпосе “Тургули”. – Указ. сб. –С. 134–135.

<sup>3</sup> Куйидаги бир неча адабиётларни қайд этиш билан чекланамиз: Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. –Москва: ГИХЛ, 1947. –С. 165–279; Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кёроглы у тюркоязычных народов. –Москва: Наука, 1968; Короглу. Озарбайжон достони. –Бакы: Элм, 1956; Гёрголы. Туркменский героический эпос. –Москва: Наука, 1983 (Туркман ва рус тилларида); Гуругли. Таджикский

рурат йўқ. Шу сабабли бу ерда ўзбек “Гўруғли” сининг ўрганиши тарихини мухтасар ёритишни лозим кўрдик.

“Гўруғли” туркуми достонларини етакчи халқ бахшилари оғзидан бевосита ёзиб олиш ишлари 1926 йилдан бошланди. Шундан бери мамлакатимизнинг турли вилоятларига ўнлаб фольклор экспедициялари уюштирилди. Бу экспедицияларда ўзбек фольклоршуносларининг барча авлоди иштирок этди. Тўпланган материалларнинг каттагина қисмини “Гўруғли” туркумига кирувчи достонлар ташкил этади. Уларнинг умумий адади варианtlари билан бирга ҳисобланганда, икки юзга яқиндир.

Ўнлаб бахшилардан ёзиб олинган бу достонларнинг асл нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг фольклор архивида сақланмоқда. Уларни алоҳида-алоҳида китоблар тарзида нашр этиш ишлари 1941 йилдан бошланган ва шу кунгача узлуксиз давом этиб келмоқда. Айримлари (масалан, “Далли”, “Равшан”, “Кундуз билан Юлдуз”, “Хушкелди”, “Интизор”, “Малика айёр”, “Зулфизар” ва бошқалар) қайта-қайта нашр этилган. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1941–2016 йилларда алоҳида-алоҳида китоблар тарзида, шунингдек, маҳсус “Гўруғли” тўпламида, “Ўзбек халқ достонлари” икки жилдлиги, “Булбул тароналари” беш жилдлиги, “Ўзбек халқ ижоди” кўп жилдлиги (шу серияда 37 китоб босилиб чиқди) каби нашрларда 74 та “Гўруғли” туркуми достонлари чоп этилган. Улардан 16 таси вариантлардир. Булар 24 нафар халқ бахшисидан ёзиб олинган намуналар ҳисобланади.

Агар нашр этилган 74 достонни бахшилар кесимида қарасак, қуйидаги манзара намоён бўлади: Эргаш Жуманбулбул ўғлидан беш (“Далли”, “Равшан”, “Кундуз билан Юлдуз”, “Хуш-

народный эпос. –Москва: Наука, 1987 (Тожик ва рус тилларида); Батырлар жыры, IV том, Көрүғлы. –Алматы: Жазуши, 1989; Қарақалпақ фольклори, XV том, Гөрүғлы. –Нукус: Қарақалпақстан, 1986; Metin Ekiçi. Türk dünyasında Koroğlu. –Ankara: Akçog, 2004; Fuzuli Bayat. Koroğlu destanı. İstanbul: Ötüken, 2009; Goroğlu. Türkmen xalk destanı. I–VIII жилдлар. –Анқара, 1996 (Туркман ва турк тилларида); Кўр оғълу // Дестанлар. –Тошкент, 1980. –49–63-бетлар. (Қиримтатар версияси); Мамадязов Б. Поэтика и современное бытование туркменского героического эпоса “Гёрголы”. Автореферат док. дис. –Ташкент, 1990; Go'to'g'i. Ўзбек халқ достонлари. –Тошкент: Шарқ, 2006.

келди", "Холдорхон"), Фозил Йўлдош ўғлидан етти ("Малика айёр", "Машриқ", "Балогардон", "Интизор", "Зулфизар билан Аваз", "Авазхоннинг ўлимга хукм этилиши", "Нурали"), Мұҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкандан ўн ("Гўрўғлининг туғилиши", "Гўрўғлининг болалиги", "Зайдиной", "Юнус пари", "Мисқол пари", "Гулнор пари", "Ҳасанхон", "Чамбил қамали", "Авазхон", "Хиламон"), Ислом Назар ўғлидан уч ("Гулихиромон", "Зулфизар билан Аваз", "Нигор ва Замон"), Раҳматулла Юсуф ўғлидан йигирма етти ("Гўрўғлининг туғилиши", "Гўрўғлининг болалиги", "Чортокли Чамбил", "Райхон араб", "Юнус билан Мисқол", "Ҳасанхон", "Қирқ йигит билан қирқ қиз", "Ҳасан кўлбар", "Авазхон", "Гулқизой", "Говдароз дев", "Беш подшонинг ёв бўлиб келиши", "Сарвиноз", "Зулфизар", "Аҳмад сардорнинг ўлимга буюрилиши", "Аваз ўғлоннинг Румга қочиши", "Балогардон", "Ойгулқизнинг вафоти", "Нурагининг ёшлиги", "Сумбулсоч бека", "Шоқаландар", "Рўзахон", "Ёёқила", "Хирмон дали", "Бозиргон", "Гўрўғлининг ўлими", "Авазхоннинг ўлимга хукм этилиши"), Бекмурод Жўрабой ўғли ("Гулшанбоғ", "Авазнинг арази"), Қора Умиров ("Жаҳонгир ёхуд шаҳидлар дараси", "Нурали ва Семурғ") ва Усмон Маматқул ўғлидан ("Бўтакўз", "Шоҳдорхон") иккитадан, Сайдмурод Паноҳ ўғли ("Гўруғлининг Қиримга бориши"), Умир Сафар ўғли ("Балхувон"), Зоҳир Қўчқор ўғли ("Ҳасанхон"), Бозор Омонов ("Нурагининг ёшлиги"), Қодир Раҳимов ("Жорхун мастон"), Боймурод Боймат ўғли ("Нурали ва Қари Аҳмад"), Жўра Эшмирза ўғли ("Малла савдогар"), Бўрибой Аҳмедов ("Нурагининг ютилиши"), Ҳазратқул Худойбердиев ("Оға Юнуснинг олиб қочилиши"), Саъдулла Тоҳир ўғли ("Нурагининг банд бўлиши"), Абдумурод Бердихол ўғли ("Бўтакўз"), Чори Умиров ("Гўрўғлининг ғойиб бўлиши"), Жовли Тангиров ("Саксон нор"), Бобораҳим Маматмуров ("Аваз ота юртда"), Шодмон Ҳужамбердиев ("Хон Далли"), Аҳмад Шотўра ўғли ("Қайсар дев") каби ижодкорлардан биттадан достон нашр этилган. Бу нашрларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида таҳлиллар олиб бориш, уларнинг нашр этилган даврида ҳам, бугунги кунда ҳам катта аҳамиятга эга бўлганлигини курсатиш мумкин. Аммо бу ўринда мақоланинг тала-бидан келиб чиқиб, шу нашрларни амалга оширган Ҳоди За-

риф, Буюк Каримий, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Зубайдада Хусаинова, Мұхаммаднодир Саидов, Охунжон Собиров, Малик Муродов, Баҳодир Саримсоқов, Абдумүмин Қаҳдоров, Сиддиқ Асқаров, Тиловқул Ашурев, Муаззам Мирзаева каби мархум фольклоршунослар номларини қайд этиш билан чекланамиз. Чунки фольклор асарларини нашр учун танлаш, матн устида ишлаш, уларни тайёрлаш принципларини ишлаб чиқиш мазкур олимларнинг илмий-текстологик ва амалий фаолиятлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Достонлар нашрининг бахшилар кесимидағи таҳлили шуни күрсатадики, китоблик Абдулла шоир, зоминлик Ёрлақаб Бекназар ўғли, хатирчилик Эгамберди Олломурод ўғли, шерободлик Мардонакул Авлиёқул ўғли каби нисбатан талантли достончилардан ёзиб олинган бирорта достон ҳам нашр этилмаган. Шаҳрисабзлик Зоҳир шоир, дәжқонободлик Қодир бахши сингари ижодкорлардан атиги биттегдан достон чоп қилинганлиги ҳам етарли эмас. Бу истеъоддли бахшилар билан Ҳоди Зариф, Мансур Афзалов, Темир Очилов, Малик Муродов, Абдумүмин Қаҳдоров, Абдиолим Эргашев сингари таниқли фольклоршунослар иш олиб борганлигини ҳисобга олсак, мазкур соҳадаги фаолиятимизни янада тезлаштириш зарурлиги ўз-узидан аён бўлади.

Тадқиқотлардан яна шу нарса маълумки, “Гўрўғли” туркумига кирувчи ҳар бир достон ўзича мустақил характерга эга ва уларнинг ҳар бири эл орасида алоҳида-алоҳида куйланниб келинган ҳамда турли йилларда шу ҳолича ёзиб олинган. Фақат ўтган асрнинг 20-йилларида беш-олти достон (“Гўрўғлиниң туғилиши”, “Гўрўғлиниң болалиги”, “Зайдиной”, “Юнус пари”, “Мисқол пари”, “Гулнор пари” кабилар) атоқли достончи Пўлкан шоирдан кетма-кет ёзиб олинганди. Шунингдек, таниқли шоир-қиссанон Раҳматулла Юсуф ўғли йигирма уч достоннинг (ёзилмаганлари билан биргаликда ўттиз достоннинг) ўзича кетма-кетлигини белгилаб, ўзи ёддан ёзиб, тўрт жилд қилиб, Фольклор архивига топширгандир. Туркум достонларининг сони ҳақида ҳам бахшилар ўртасида ҳар хил фикрлар мавжуд. Уларнинг кўпчилиги “Гўрўғли қирқ достондир”, – дейдилар. Нуроталик Бекмурод Жўрабой ўғлиниң “Авазнинг арази” достонида куйлашича,

унинг устозлари Гўрўғлини "Олтмиш тўрут достон қиб таъриф этган". Жанубий Тожикистондаги ўзбек бахшиларининг (соқиларининг) нақл қилишича, XIX асрда яшаган машхур достончи Кундуз соқи Гўрўғлини бир юз йигирма шоха (достон) қилиб айтар экан. Шунда ҳам Гўрўғли ўлганда, Юнус пари: "Бедостон ўтган, тўрам", – деба йиги берган экан.

Фольклоршуносликда эса "Гўрўғли" туркуми қирқ достондан иборатdir, деган фикр қатъийлашгандир. Масалан, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф шу фикрни кувватлаб, 1941 йилдаёқ унинг ўттиз тўқиз достондан иборат рўйхатини тузган ҳамда ҳозирча ноъмалум бўлган бир достонни аниқлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Аммо олим уларни Хоразм достонлари билан бир турқум сифатида тасаввур қилиб, ушбу рўйхатга "Қирқ минглар", "Хирмон дали", шунингдек, туркумга алоқаси бўлмаган "Эрназархон" достонларини ҳам киритган эди. Буюк Каримов ҳам "Хоразмда, туркман ва қорақалпоқларда қирқ бир достон ҳисобланади, "Кампир шахобча" деган қирқ биринчи достон ҳам бор. Лекин ҳали ёзиб олганимиз йўқ", – деган янгилиш фикрни билдирганди. Кейинги йилларда олиб борилган фольклористик кузатувлар, ёзиб олиниб, нашр этилган достонлар таҳлили мавжуд мулоҳазаларни қайта кўриб чиқишини тақозо этмоқда. Бу ўринда ўзбек халқи томонидан Гўрўғли ҳақида "Кунларим", "Гўрўғли", "Гўрўғлибек – зўр ботир", "Армоним қолмади", "Армонинг қолмасин", "Борми жаҳонда", "Гўрўғлининг ҳасрати" каби ажойиб термалар яратилганлигини ҳам унутмаслик керак. Бизнинг кузатишимизча, бахшиларининг кўпчилиги ва тадқиқотчилар "Гўрўғли" туркуми достонларининг умумий сонини "қирқ" рақами билан белгилайдилар. Туркумни тўла билган бахшилар аниқланган эмас. Фақат айрим бахшиларнинг "Гўрўғли" достонларини кўп билганлиги қайд этилган, холос. Бунда "қирқ" рақами анъанавий бўлиб, у ҳақиқий ҳолни ифодаламайди. Аслида ўзбек элида тарқалган достонларнинг сони юздан ошади.

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса шуки, "Гўрўғли" туркуми таркиби ғоятда мураккабdir. Куйланиш ва ижро шароитларида ўзаро мустақил ва ҳар бири алоҳида ягона сюжетга эга бўлган бу силсила достонлар Гўрўғли ва

Фирот образлари, Чамбил мамлакати каби асосий нуқталарда, шунингдек, қирқ йигит, Соқибулбул, Ҳасанлар, Аҳмад сардор сингари анъанавий образлар, уларнинг ғайриқутблари тасвири орқали бир-бирлари билан бирлашсалар-да, бош қаҳрамоннинг мунтазам эпик биографияси эмас, балки унинг довруқли афсонавий ҳаётининг кўпдан-кўп эпизодлари тасвирларидан иборат. Шу сабабли қуйида келтирилган рўйхатдаги достонлар кетма-кетлигини нисбий равишда тушунмоқ зарур. Шундай қилиб, “Гўрўғли” туркуми достонлари Хоразм версияси киритилмаган ҳолда, ҳозирги ўрганилиш ҳолатида қуйидагилардан иборат:

1. Гўрўғлининг туғилиши.
2. Гўрўғлининг болалиги.
3. Зайдиной (Зулхумор, Райҳон араб, Гўрўғлининг Райҳон араб қизини олиб қочиб келиши).
4. Чортокли Чамбил.
5. Юнус пари.
6. Мисқол пари.
7. Гулнор пари.
8. Қирқ йигит билан қирқ қиз.
9. Соқибулбул.
10. Ҳасан кўлбар.
11. Дониёрхўжа – ёзиб олинмаган.
12. Шодмонбек – ёзиб олинмаган.
13. Бердиёр оталиқ.
14. Хидирали элбеги.
15. Замонбек.
16. Хиламон (Эломон).
17. Холдорхон (Гўрўғлининг Қиримга бориши).
18. Шоҳдорхон.
19. Шоқаландар.
20. Ҳушкелди.
21. Райҳон араб – ёзиб олинмаган.
22. Бектош араб – ёзиб олинмаган.
23. Говдароз дев.
24. Беш подшонинг Чамбилга ёв бўлиб келиши.
25. Рўзахон.
26. Ёсқила.

27. Аҳмад сардор ва Ҳасан шоҳ – ёзиг олинмаган.
28. Аҳмад сардор ва Авазхон – ёзиг олинмаган.
29. Аҳмад сардорнинг суяги – ёзиг олинмаган.
30. Аҳмад сардорнинг ўлимга буюрилиши.
31. Ҳасанхон (Гўруғлибекнинг Ҳасанхонни олиб келиши).
32. Чамбил қамали.
33. Далли.
34. Авазхон (Гўруғлибекнинг Авазхонни олиб келиши).
35. Гулқизой.
36. Гулқизойнинг вафоти.
37. Интизор.
38. Малика айёр (Гулшанбоғ, Таркибадаҳшон).
39. Машриқо.
40. Зулфизар.
41. Холдор бувиш – ёзиг олинмаган.
42. Ойдиной – ёзиг олинмаган.
43. Бутакӯз (Оқ билак ойим ёки Оқчишибойнинг қизи).
44. Қундуз билан Юлдуз.
45. Балогардон.
46. Авазхоннинг арази (Авазхоннинг дор остидан қутқарилиши).
47. Аваз ўғлоннинг Румга қочиши.
48. Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши.
49. Сарвиноз.
50. Гирдоб.
51. Хонимой.
52. Ойтўра ва Мастура.
53. Аваз ва Гултон.
54. Олтин қобоқ.
55. Зайдқул (Саксон нор).
56. Гулихиромон.
57. Зарнигор.
58. Аваз ва Ойзайнаб.
59. Фиротнинг ўғирланиши (Мисқол пари ва Авазхон) – ёзиг олинмаган.
60. Оға Юнуснинг олиб қочилиши.
61. Равшан.
62. Нурали.

63. Нуралининг ёшлиги.
64. Сумбулсоч бека.
65. Балхувон.
66. Жорхон мастан.
67. Нурали ва Қари Аҳмад.
68. Нуралининг ютилиши.
69. Малла савдогар.
70. Нурали ва семурғ (Фуппаной).
71. Нурали ва беш юз муллабачча.
72. Қайсар дев.
73. Шерали.
74. Шералининг уйланиши (Ойнигор).
75. Жаҳонгир.

76. Жаҳонгирнинг ёшлиги (Шаҳидлар дараси).  
77. Эрӯғли (Шаҳиднома, Гўрӯғлининг ўлими, Гўрӯғлининг ғойиб бўлиши).

Хозиргача ёзиб олинмаган ва бугунги кунда унтутилиб кетган саккиз достонни (“Дониёрхўжа”, “Шодмонбек”, “Райхон араб”, “Бектош араб”, “Аҳмад сардор ва Ҳасанхон”, “Аҳмад сардор ва Аваз”, “Холдор бувиш”, “Ойдиной”, “Фиротнинг ўғирланиши” кабиларни) ушбу рўйхатга киритишида Ҳоди Зариф қайдларига асосландик. Чунки аллома уларни қайд этишда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир каби атоқли достончилар маълумотларига суюнган ҳамда уларнинг айримлари тўғрисида “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” монографиясида қисқача ўз мулоҳазаларини баён этган. Шунинг учун ҳам унинг қайдлари ҳар қандай шубҳадан холидир.

Кейинги изланишлар биз тавсия этаётган рўйхатни янада тўлдириши, қай бир ўринларига ўзгартишлар киритиши табиийдир. Масалан, “Таркибадахшон” достони “Малика айёр”-нинг бир вариантими ёки мустақил достон? Буни энди янги тадқиқотлар ҳал этади. Шунингдек, биз достонлар кетма-кетлигини белгилашда шартли равишда уларни бош қаҳрамон, унинг йигитлари, асранди фарзандлари, невара, эваралари, ғайриқутб (эпик душманлари) тўғрисидаги достонлар тарзида гурухлаштиридик. Бундай нисбийликни ҳам кимдир мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қиласлиги табиийдир. Энди шу

Ўринда Хоразм "Гўруғли" туркуми достонлари ҳақида айрим мулоҳазалар билдиришни зарур, деб ҳисоблаймиз.

Аввало, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Хоразм "Гўруғли" туркуми Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида, умуман, ўзбеклар яшайдиган барча худудларда тарқалган достонлардан, шунингдек, тожик версиясидан тубдан фарқ қиласидиган ўзига хос бадиий-эстетик ҳодисадир. Шунга қарамай, Хоразм "Гўруғли"си кейинги йилларгача ниҳоятда кам ёзиб олинган, атиги бир нечагина намунаси чоп этилган эди. Аниқроқ айтганда, марҳум фольклоршунослар Ж.Қобулниёзов, З.Хусайнова, М.Муродов ва Н.Собировлар томонидан тайёрланган "Авазхон", "Бозиргон", "Қирқ минглар", "Гулруҳ пари" достонлари нашр қилинган эди, холос. Шу нуқтаи назардан қараганда, профессор Сафарбой Рузимбоевнинг шогирдлари билан биргаликда 2004 йилда "Гўруғли" тўпламини нашр этиши фольклоршунослигимиз тарихида катта воқеа бўлди. Тўпламга Бола бахши – Курбонназар Абдуллаев, Сакрак бахши – Жумабой Худойберганов, Абдулла Бобожонов, Турсун Жуманиёзов каби таниқли бахшилардан ёзиб олинган "Гўруғлиниң туғилиши", "Юнус пари", "Араб Райхон", "Аваз уйланган", "Араб танған", "Қирқ минглар", "Авазнинг Ваянганга кетиши", "Кампир", "Тұхмат ташлаган", "Хирмон дали", "Хандон ботир", "Сафар маҳрам", "Бозиргон", "Авазхон", "Гўруғлиниң Дарбандга келиши", "Гўруғлиниң улеми" сингари 16 достон кириллган. Тўплам сузбоши ва зарур изоҳлар билан таъминланган. Профессор Сафарбой Рузимбоев ўз изланишларини давом эттириб, 2009 йилда "Ошиқнома" китоблар туркуминнинг тўртинчи жилдида "Эр Ҳасан", "Аваз гатирган" (икки вариантда), "Бозиргон", "Хирмон дали" (икки вариантда) каби яна олти достонни нашр этди. Шундай қилиб, Хоразм "Гўруғли" туркуми достонларидан 26 таси нашр этилган. Уларнинг 8 таси вариантлардир.

Бир қарашда унчалик аҳамиятсиздай кўринаётган бундай умумлаштирувчи рақамлар беҳудага келтирилаётгани йўқ. Сюжет таркиби, бадиий-эстетик воситалари, ижро усуллари билан бир-биридан жиддий, ҳатто тубдан фарқ қилувчи икки эпик анъанада бизгача етиб келган бу достонлардан нашр этилганларининг умумий сони 100 тадир. Агар XIX

асрнинг 80-йилларида нашр этилган “Ҳикояти Гўруғли сulton” таркибидаги икки достонни ҳам қўшсак, бу рақам юздан ошади. Унинг 24 таси варианtlардир. Туркумга киравчи ўнлаб достонлар, жумладан, атоқли халқ шоирлари Фозил Йўлдош ўғли, Мухаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкандан ёзib олинган “Жаҳонгир”, “Гўруғлининг Райхон араб устига ёвлаб бориши”, “Авазхоннинг уйланиши”, “Бердиёр оталиқ”, “Замонбек”, “Хидирави элбеги” кабилар ҳозиргача нашр этилган эмас. Вақтида ёзib олинмаганлиги сабабли оғзаки эпик анъанада унутилиб кетгандлари, бизгача уларнинг қисқача баёни ва номларигина етиб келганлари ҳам анчагинадир.

Профессор Сафарбой Рўзимбоевнинг аниқлашича, Хоразм “Гўруғли” туркумининг умумий сони 26 тадир. Ўзбекистоннинг Хоразмдан бошқа вилоятларида тарқалган “Гўруғли” достонларининг умумий сони ҳам ҳозир олимлар томонидан айтилиб ва ёзилиб келинаётганидек, 40 эмас, балки 80 га яқиндир. Вариантлар бу ҳисобга кирмайди. Демак, ҳар икки эпик анъанада ўзбек халқи орасида тарқалган “Гўруғли” туркуми достонларининг 100 дан ортиғи жонли оғзаки ижро шароитларида бизгача етиб келган. Бундай улкан фольклор меросининг тўпланиши, улардан варианtlаридан ташқари 74 тасининг варианtlар билан биргаликда 100 достоннинг нашр этилиши, бир томондан, ўзбек олимлари ва фольклор тўпловчиларининг самарали фаолиятини кўрсатса, иккинчи томондан, шу пайтгача фольклоршуносликда ҳукм суриб келган айrim қарашларни янгича баҳолашга имкон беради.

Ўзбек фольклоршунослигига “Гўруғли” туркуми достонларини ўрганиш, улар ҳақида муайян бир илмий фикрлар билдириш достонларнинг алоҳида-алоҳида китоблар тарзидаги нашрлари билан бошланди. Бужиҳатдан Ҳоди Зарифнинг 1941 йилда нашр этилган “Равшан” ва “Малика айёр” достонларига ёзган сўзбошилари характерлидир. Мустақил тадқиқот дарајасига кутарилган бу сўзбоши-мақолаларнинг биринчисида олим достонларнинг бадиий хусусиятларига алоҳида эътибор берган бўлса, иккинчисида бир достон (бу ўринда “Малика айёр”) материаллари мисолида эпик асарларнинг тарихий асосларини ўрганишга диққатни қаратди. Қирқ ёшга етар-ет-

мас бу ёруғ оламни тарқ этган таниқли фольклоршунос Буюк Каримийнинг "Гүрүғлининг туғилиши" достонига (1941) ёзган сўзбошисини ҳам шу сирага киритиш зарур. Шуниси характерлики, бу сўзбоши-тадқиқотлар ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам бир неча бор алоҳида мақолалар тарзида қайта-қайта нашр этилди. Мен айттар эдимки, улар Ҳамид Олимжоннинг "Алпомиш" достонига (1939), Мақсад Шайхзоданинг "Ширин билан Шакар" достонига (1941), Мансур Афзаловнинг "Орзигул" достонига (1941) ёзган сўзбоши-тадқиқотлари билан биргаликда ўзбек халқ достонларини илмий асосларда чина-камига ўрганишни бошлаб берди.

Халқ достонларининг бундай ҳақиқий ўрганишнинг салмоқдор меваси сифатида В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифовларнинг "Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси" (1947) монографияси майдонга келди. Ҳали достонларнинг кўпчилиги архивларда қўлёзма ҳолида сақланаётган бир даврда бундай умумлаштирувчи тадқиқотнинг яратилиши ўзбек фольклоршунослигини жиддий равишда олға етаклаш билан бирга унинг тараққиёт йўлларини ҳам белгилаб берди. Монографиянинг каттагина бир боби (165-279-бетлар), шунингдек, "Ўзбек эпосининг умумий характеристикаси. Фоялари, образлари, услугуб" бобининг (302-457-бетлар) асосий қисми "Гүрүғли" туркуми достонлари таҳлилига бағишлиланган. Унда олимлар биринчи марта "Гүрүғли" туркуми достонлари икки географик мухитда, демакки, бир-бирига яқин икки эпик анъаналар бирлигига ўнлаб халқлар орасида тарқалганлигини асослаб бердилар. Уларнинг фикрича, "Яқин Шарқ версиялари" ва "Ўрга Осиё версиялари" деб номланган бу икки тармоқ достонлар умумий бир тарихий асосга эга бўлиб, ҳар бир халқнинг эпик анъаналарида ривожланишда давом этганлар. Олимлар ўтгизга яқин ўзбек "Гүрүғли" достонларини бирма-бир таҳлил қиласар, уларни озарбайжон ва туркман версияларига қиёслар эканлар, бу улкан туркум Ўрга Осиё шароитида бош қаҳрамон, унинг асранди фарзандлари, невара ва эваралари ҳақидаги мустақил асалар тарзида эпиклик томон ғоятда кенгайганлигини алоҳида таъкидладилар. Бу фундаментал асар нафақат ўзбек фольклоршунослиги, балки жаҳон фани нуқтаи назари билан қараганда ҳам, туркум достонларини ўрганишда дастлабки

умумлаштирувчи тадқиқот сифатида жуда катта аҳамиятга эга бўлди ва ҳамон ўзининг улкан назарий қимматини сақлаб келмоқда.

Ўзбек фольклоршунослигида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб “Гўрӯғли” туркуми достонлари, унинг айрим намуналарини муайян муаммолар кесимида монографик тарзда ўрганиш буйича жиддий тадқиқотлар олиб борила бошланди ва бу йўналиш бугун ҳам муваффақиятли равишда давом эттирилмоқда. Жумладан, мархум профессорлар М.Саидов, М.Муродовлар тадқиқотларида бош қаҳрамон талқини, бадиийлик ва маҳорат масалаларига<sup>1</sup> алоҳида этибор қаратилган бўлса, бошқаларида туркумлик, айрим достонларнинг туркумда тутган ўрни, улардаги сюжет ва композиция, баъзи анъанавий образларнинг тадрижи ва туш талқини муаммолари ёритилди<sup>2</sup>. Бу ўринда мен яна иккита монографик тадқиқотга алоҳида диққатни тортмоқчи эдим.

<sup>1</sup> *Қаранг:* Саидов М. “Малика айёр” достони. –Тошкент: Фан, 1964; Яна уша. Ўзбек достончилигига бадиий маҳорат. –Тошкент: Фан, 1969; Мурадов М. Образ Гороглы в узбекском народном эпосе. Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 1962; Яна уша. Жанровые и идеально-художественные особенности дастанов “Гороглы”. Док. дис. автореферати. –Тошкент, 1975; Умаров С. Трактовка главного героя в узбекских народных дастанах (на примере дастанов народного поэта Мухаммедкула Джанмурад оғлы Пулканы). Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 1974.

<sup>2</sup> *Қаранг:* Мирзаева М. Ўзбек халқ достонларида туркумлик. –Тошкент: Фан, 1985; Миркамолова М.А. Место эпоса “Гуруглы” в фольклоре узбеков-лакайцев. Канд. дис. автореферати. –Самарқанд, 1972; Халикулов Дж.Х. “Рождение Гороглы” и его место в цикле дастанов “Гороглы”. Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 1984; Мамашкуров К. Идейно-художественные особенности цикла дастанов “Нурали”. Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 1986; Сарiev С.М. Хоразм “Гўрӯғли” туркуми достонларининг қўлёзма вариантилари. Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 2007; Абдусамедов А.И. Эпическое мастерство Фазыла Юлдаш оғлы (сюжет и композиция). Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 1970; Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадиий талқини. Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 1996; Тилавов А. Ўзбек халқ достонларида от образининг тарихий асослари ва бадиий талқини. Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 2000; Ҳайдаров Т.М. “Гўрӯғли” ва мифологик синкритизм. Канд. дис. автореферати. –Тошкент, 1993; Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талкини. –Тошкент: Фан, 2011.

Улардан бири машхур фольклор тўпловчи, доцент Абдиолим Эргашевнинг "Қашқадарё-Сурхондарё достончилиги" монографияси (2008). Монография ўнлаб достончилар репертуари таҳлили мисолида мамлакатимизнинг жанубий вилоятларида бахшилик санъатининг жонли эпик анъаналарда сақланиш ҳолати ҳар томонлама ёритилганлиги, вақтида ёзib олинмаганлиги сабабли "унутилган" ҳисобланган бир неча достонларнинг аниқланганлиги ва улар тадқиқот доирасига киритилганлиги билан аҳамиятлидир. Бир мисол келтирай. Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида француз шарқшуноси Реми Дор мен билан суҳбатда Афғонистондаги ўзбек бахшиларидан Авазнинг иккинчи ўғли Шерали ҳақидаги достоннинг мазмунини ёзib олганлигини айтган эди. Мен унга бундай достон ҳозир барҳаёт бахшилар репертуарида мавжуд эмас, уни куйлаб келган бахшилардан вақтида ёзib олинмаганлиги сабабли унутилиб кетган, деб жавоб берган эдим. А.Эргашев эса, Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуарида Гўрўғлининг неваралари Нурали ва Шералилар ҳақида достонлар алоҳида-алоҳида туркумлар сифатида мавжудлигини аниқлади, уларнинг намуналарини ёзib олди ҳамда умумўзбек достончилигида тутган ўрнини илмий жиҳатдан асослаб берди, ҳатто айримларини нашр этди ҳам. Муаллифнинг ҳозирги барҳаёт бахшиларнинг аксарияти олий маълумотли тил ва адабиёт ўқитувчилари бўлганлиги сабабли улар амалиётида анъанавий ижодкорлик ва ижрочиликка нисбатан нотабиий "тўкувчилик" фаолияти устунлик қилаётганлиги, бу ҳол достончиликнинг табиий жонли ижро жараёнларига салбий таъсир этаётганлиги ҳақидаги хуласалари ҳам эътиборга лойикдир.

Кейинги йилларда яратилган, алоҳида эътиборга лойиқ тадқиқотларнинг иккинчиси филология фанлари доктори Ш.Турдимовнинг "Гўрўғли" достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари" монографияси (2011) ҳисобланади. Олим бош қаҳрамоннинг туғилиши, болалиги, ор олиши, уйланиши ва ғойиб бўлиши ҳақидаги достонларнинг қиёсий таҳлили орқали "Гўрўғли" туркумининг шаклланишида асос бўлган мотивлар, эпик қаҳрамон ва эпик ҳомий, уларнинг ғайри қутби образлари тўғрисида янгича хуласаларни илгари сурди,

этнос ва эпос муносабатларига доир эътиборли мулоҳазалар билдириди. Айтиш мумкинки, ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф тадқиқотларида элас-элас бўй кўрсата бошлаган этнофольклористик қузатувлар доирасини жиддий равишда кенгайтирди. Қадимий мифологик, диний-илоҳий қарашларнинг халқ достонларида бадиий-эстетик ҳодисага айланиш жараёнларини ўрганишда, умуман, эпос ва ижтимоий-маиший ҳаёт масалаларини текширишда бундай тадқиқотларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

“Гўрўғли” достонларини ўрганиш бўйича олиб борилган ишларнинг қисқача баёни шуни кўрсатадики, ўзбек фольклоршунослари кейинги 90 йил давомида самарали тадқиқотлар яратдилар, жонли оғзаки ижро шароитларидагина етиб келган юзлаб достонларни ёзиб олдилар, энг муҳими, уларнинг асосий қисми нашр этилди. Ўнлаб фольклоршуносларнинг тадқиқотчилик ва тўпловчилик фаолияти натижасида юзага келган бундай илмий ва текстологик замин янги-янги текширишларга йўл очиши шубҳасизdir.

## II

“Гўрўғли” (Кўруғли) силсила достонларни ўрганишдаги жиддий муаммолардан бири уларнинг яратилиш даври, юзага келган ўрни, тарқалиш хусусиятлари ва тадрижий тараққиётини аниқлаш масаласидир. Тадқиқотчиларнинг деярли барчаси, айрим писандаларни ҳисобга олмаганда, эпос тарихий воқеалар асосида XVI–XVII асрларда Жанубий Озарбайжонда яратилганлигини, ҳатто унинг айрим қушиқлари шу ҳудудларда ўша даврда содир бўлган жалолийлар ҳаракатининг бошлиқларидан бири ошиқ (бахши) ва қўзғолончи Кўруғли томонидан ижод қилинганлигини, шунга кўра, тарихий шахс Кўруғли эпос бош қаҳрамонининг прототипи эканлигини таъкидлайдилар. Бундай қарашларнинг юзага келишида эпоснинг Жанубий Озарбайжон версиясининг дастлабки тўпловчиси Элиас Мушегяннинг (XVIII аср), унинг инглиз тилида нашр этивчиси А.Ходзъконинг (XIX аср) оғзаки маълумотларга асосланган изоҳлари, шунингдек, арман тарихчиси Аракел Табризийнинг (XVII аср) жалолийлар ҳаракатининг бошлиқларидан бири Кўруғли шахси ҳақидаги хабарлари асос бўлган.

Ўзбек олимларининг халқ достонлари, жумладан, "Гўрўғли" туркуми достонларининг яратилиш даври ҳақидаги мулоҳазалари асосан Ҳоди Зариф қараашларига асосланади. Устоз олимнинг қараашларида ҳам ҳар хилликлар, ҳатто бир-бирига қарама-қаршиликлар қўзга ташланади. Масалан, олим "Равшан" достони ҳақида" номли сўзбоши-мақоласида: "Бу асарлар бир даврда бир-икки киши томонидан яратилмаган. Уларнинг баъзилари узоқ тарихда, Ўрта Осиёда исломнинг тарқалишидан бурунги даврларда майдонга келган. Баъзилари бундан уч-тўрт аср илгари яратилган ва замонамизга қадар жуда кўп халқ шоирлари томонидан ҳар қайсисининг ўз замони талабларига кўра қайта-қайта ишланиб, кўп варианtlарда бизгача етиб келганлар", – деб ёзган бўлса<sup>1</sup>, "Малика айёр" достонига ёзган сўзбоши-мақоласида: "Гўрўғли" достонларидан баъзиларининг дастлабки яратилишини VIII–XII асрлар орасида излаш мақсадга мувофиқдир", – дея таъқидлайди<sup>2</sup>. Академик В.М.Жирмунский билан ҳамкорликда яратган монографиясида эса, бутунлай бошқа бир қараашни илгари суради, яъни уларнинг таъқидлашича, "Гўрўғли" туркуми асосида довюрак чопағон, куйчи-йигит, "марҳаматли қароқчи" ва халқ қасоскори ҳақидаги озарбайжон ошиқлари ҳикояларига ўхшаш ярим тарихий ва ярим афсонавий ривоятлар ётади. Ана шу асосда XVII асрнинг бошларидан XIX асрнинг ўрталаригача бўлган давр давомида Туркманистанда, хусусан, Ўзбекистонда кўламдор достонлар бўй курсатди. Ўзбек бахшилари репертуарида 40 достонгача бўлган асарларни ўз ичига олган яхлит бу туркумда бош қаҳрамон (Гўрўғли) куйчи-йигит, халқ қасоскори эмас, балки эпик монарх, идеал халқ давлати Чамбилининг ҳукмдори, ботир йигитлар гуруҳининг сардори, ҳар бири ўзининг эпик биографиясига эга бўлган бир неча авлод баҳодирларининг отаси сифатида тасвирланади<sup>3</sup>.

Бу йўналишдаги энг янги тадқиқотлардан бири Бонн университетининг профессори Карл Райхлнинг монографияси-

<sup>1</sup> Ҳоди Зариф. "Равшан" достони ҳақида // Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. – Тошкент: Фан, 1971. – 61-бет.

<sup>2</sup> Ҳоди Зариф. Ажойиб достон // Фозил шоир. – Тошкент: Фан, 1973. – 47-бет.

<sup>3</sup> Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С. 453.

дир. У “Гўрўғли” эпосининг яратилиш ўрни, юзага келган даври ва тарқалиш хусусиятлари ҳақидаги барча тадқиқотларни умумлаштириб шундай холосага келган: “Кўрўғли” эпик туркуми ҳамма эҳтимолларга кўра, XVI аср охирида Озарбайжонда шаклланди. Бу ердан у шимол, шарқ ва ғарбга тарқалди. Дастребаки турк тўпламларининг нашр этувчиси Кунош Кўруғли ҳақидаги ҳикоялар Туркияга Озарбайжондан ўтганлигини таъкидлайди... Туркум ривоятлари Шимолий Озарбайжондан Кавказортининг туркий бўлмаган бошқа халқларига, жумладан, грузин, курд ва арманларга, улардан қиримтатарлари, тоболтатарлари ва қараимларга тарқалган...

Қандай бўлмасин, туркум достонларининг шаклланиши ва шарққа тарқалишида туркман версияси шубҳасиз катта роль ўйнайди... Туркум достонлари хилма-хил йўллар билан туркманлардан бошқа халқларга ўтган. Айтилганидек, Ставрополь туркманлари версияси қозоқ версиясига жуда ўхшаш... Бошқа томондан қараганда, туркманларнинг қорақалпоклар ва Хоразм ўзбекларига таъсири бўлган... Туркум асарлари ўзбеклардан уйғурларга, шунингдек, Бухоро араблари ва тоҷикларга ўтган”<sup>1</sup>.

Бундай қарашларнинг фольклоршунослиқда жиддий ўрнашиб қолиши ва қарийб чорак кам бир аср давомида изчил ҳукм суриб келишини, бизнинг кузатишимиизча, профессор X.Самуэлян эпосининг арман версияси нашрига рус тилида ёзган сўзбоши-тадқиқоти билан бошлаб берган. У Аракел Табризий ва Элиас Мушегян маълумотларини умумлаштириб, шундай ёзади: “Ҳақиқатда ҳам XVII асрда катта шуҳратга эга бўлган Кўрўғли номли шахс яшаган. Озарбайжон ва туркман вариантларида Кўрўғли туркманларнинг така уруғидан эканлиги, унинг отаси султон Мурод хузурида хизмат қилганлиги таъкидланади”<sup>2</sup>.

Туркум достонларининг тарихда аниқ бўлиб ўтган воқеа-ходисалар асосида Жанубий Озарбайжонда яратилганлиги ҳамда шу ердан бошқа жойларга тарқалганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар эпос ва ижтимоий ҳаёт, эпос ва тарихий

<sup>1</sup> Райхл К. Тюрский эпос. Традиции, формы, поэтическая структура. –М.: “Восточная литература”, 2008. –С. 328–329.

<sup>2</sup> Самуэлян X. Предисловие // Кёр-оглы. Народный эпос. Ереван, 1941. –С. 27.

тараққиёт масалаларини ўрганишда қанчалик катта аҳамиятта эга бўлмасин, бугунги кунда уларнинг бир томонлама эканлиги яққол аён бўлмоқда. Туркий халқларнинг ўзига хос муштарак бир ижоди бўлган ҳайратомуз бу туркумнинг яратилиши ва тарқалиши ҳақидаги бундай назарий қарашларни тұла инкор этмаган ҳамда бу илмий мулоҳазаларни илгари сурган олимларга чуқур ҳурматимизни билдирган ҳолда, уларнинг камида уч-тўрт жиҳатдан етишмовчилиги мавжудлигини алоҳида таъкидламоқчимиз. Чунки бундай қарашлар илгари сурилган йилларда эпоснинг миллий версиялари тұла аниқланмаган, тадқиқотчилар құлида бугунгидек катта материал йўқ эди. Шу сабабли ҳам бугун уларга бошқачароқ мусносабат билдириш имконияти мавжуд. "Гүрүғли" эпосининг Жанубий Озарбайжондан тарқалғанлиги ва унинг тарихий асослари ҳақидаги қарашларнинг ўта тарафдори бўлган олимларнинг ўzlари ҳам яна бошқачароқ мулоҳазалар бўлиши мумкинлигини рад этмаганлар. Масалан, эпоснинг туркий халқлардаги версиялари тўғрисида кўламдор тадқиқот яратган туркман олими Б.О.Қориев шундай ёзади: "Кўрүғли"нинг Жанубий Озарбайжон версияси "тарихийлиги"ни таъкидлаш билан биз унда эпоснинг шаклланиш жараёнидаги муайян бир босқични қўрамиз. Эпоснинг нисбатан қадимий, Ўрта Осиёга хос асослари мавжудлигини ҳам инкор этиб бўлмайди"<sup>1</sup>.

Бизнингча, куйидаги ҳолатлар эпоснинг яратилган даври, юзага келган жойи, тарқалиш хусусиятлари, "тарихийлиги" ҳақидаги фанда ўрнашиб қолган қарашларнинг бир томонлама эканлигини, уни қайта қўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Биринчидан. Туркум достонларнинг кейинги икки-уч аср (XVI аср охирлари ва XIX асрнинг биринчи ярми) давомида аниқ тарихий шахс тўғрисида мавжуд ярим тарихий, ярим афсонавий ривоятлар асосида яратилғанлиги ҳақидаги холоса илмий жиҳатдан асосланмаган. Бундай холоса илгари ижод қилинган ва жонли эпик анъаналарда куйланиб келинаётган достонларнинг айrim эпизодларини тарихда рўй берган антифеодал ҳаракатлардаги (бу уринда жа-

<sup>1</sup> Каррыев Б.А. Эпические сказания о Кёр-оглы у тюркоязычных народов. -М.: Наука, 1968. -С. 28-29.

лолийлар ҳаракатидаги) баъзи воқеаларга мослаштириб талқин қилишдан, эпик қаҳрамонни тарихий шахс билан айнанлаштиришдан келиб чиққандир.

Тұғри, тадқиқотчилар XVII асрғача ҳам мустаҳкам, жонли ва ижодий эпик анъаналар бұлғанлигини, унда сюжетлар, мотивлар, образлар, услубий формулалардан иборат бади-и хазина мавжудлигини, бахши ва ошиқлар ана шу хазина асосида “Гүрүғли” туркумини тарихий шахс фаолияти билан боғлиқ ҳолда яратғанликларини таъкидлайдилар. Бу му-лоҳазалар ғоятда умумий бўлиб, истаймизми-йўқми, туркум достонларнинг қўпчилиги илгари даврларда яратилганлиги ва уларнинг қадимий асосларини инкор қилишга олиб кела-ди. Модомики, XVII асрғача ҳам қадимий, мустаҳкам, жонли ва ижодий, узвий ва узлуксиз эпик анъаналар давом этаёт-ган экан, бахши ва ошиқлар томонидан ўзларидан олдинги даврларда яратилган нималарнидир кўйланганлиги, ижро ва ижод (қайта ижод) этигланлиги табиийдир. Бизнинг назаримизда улар репертуаридаги ана шу “нималарнинг” муайян бир қисмини “Гүрүғли” туркуми достонлари ташкил этган.

Бахши, ошиқ ва жировлар фаолиятида ижро ва ижод (қайта ижод) муттасил ижодий жараёндир. Шундай экан, туркум достонларининг айримлари XVII-XIX асрларда ҳам яратилган, қай бирлари қайта шакллантирилган, бошқалариға янгича “бадиий либос” кийдирилган. Шу тариқа туркум кенгайиб борган. Бу даврда туркумлашиш даражалари янада мұжкаммаллашган. Бу дегани қаҳрамонлик достонлари “тарихийлашды”, тарихий воқеаларни тасвирлашга ўтди ва шу тарихий воқелик асосида “Гүрүғли” туркуми юзага келди, дегани эмас. Тарихий воқеаларни тасвирлаш учун фольк-лорнинг маҳсус жанри – тарихий құшиқ ҳамда тарихий дос-тонлар тури мавжуд. Эпос эса, халқ ижтимоий-маиший ҳаёти билан қанчалик чамбарчас боғланган, тарихий воқелик ва тарихий жараён билан қанчалик шартланган бўлмасин, унинг реал нусхаси эмас, балки бадиий тасвиридир.

Бошқа бир жиҳат ҳам бор. “Гүрүғли” туркумининг озар-байjon ва турк версияси 28-30 қўлдан, туркман версияси 20 шоҳадан, қозоқ версияси 11 саладан, ўзбек версияси 100-105 достондан иборат. Бошқа версиялар ҳам алоҳида-алоҳида

туркумларни ташкил этади. Табиий савол туғилади: Умумий ўхшашлигига қарамай, бир-биридан жиддий равища фарқ қилувчи, унинг яратувчилари бўлган халқларнинг ҳар бирининг ўзига хос миллий бадиий тафаккури доирасида бизгача етиб келган бу улкан мерос қандай қилиб кейинги икки-уч аср давомида яратилди экан?! Демак, бизнинг қандайдир "икки-уч ижодий аср" тўғрисидаги мулоҳазаларимиз ўта бир томонлама бўлиб, ҳақиқий ахволни акс эттирамайди.

Иккинчидан. "Гүрүғли"дек кўп тармоқли ва кўп сюжетли каттакон туркум достонларини (мажлислари, шохалари, қўллари ва салаларини) бир нуқтадан (бу ўринда Жанубий Озарбайжондан) тарқалган ва бир тарихий асосга эга бўлган, дея талқин қилиш, бунинг устига унинг ёйилиш ареалини бир халқдан иккинчи халқقا тўғридан-тўғри ўтган тарзида изоҳлаш мазкур эпоснинг генезиси ва тадрижий тараққиёти муаммосини ўрганишни янада мураккаблаштиради. Бундай талқинлар фанда бирёқламалиги аллақачон исботланган "сюжетларнинг кўчиб юриши" назариясининг бошқачароқ кўринишидир, холос.

Бу билан биз сюжетларнинг бир халқдан иккинчи халқча ўтиши (кўчиши)ни мутлақо инкор этмоқчи эмасмиз. Тарихий тараққиёт давомида ҳеч бир халқ ўз қобиғида ўралашиб қолмаган, ҳамиша бир-биридан ниманидир ўрганган. Маданиятнинг қай бир намуналари инсониятнинг умумий меросига айланга борган. Аммо бунда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муносабатлар, адабий алоқалар, борди-келдилар, кўчишлар, ўзаро қўшилишлар ва ажралишлар, фольклор ижодкорларидаги устоз-шогирдлик анъаналари каби ўнлаб омиллар амал қилган ва бугун ҳам давом этмоқда. Шу сабабли қай бир адабий-фольклорий ҳодисадаги ўхшашликлар ва ўзига хосликлар ҳақида сўзлаганда, уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида мезонлар билан ёндашишга тўғри келади. Бунда инсоният жамияти тараққиётидаги умумий ривожланиш қонуниятларини ҳам эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

"Гүрүғли" туркуми достонлари ҳақида сўзлаганда, уларнинг бир халқдан иккинчисига "утганлиги" ("кўчганлиги") тўғрисида фикр юритиш эмас, балки уларнинг яратилиши ва ёзib олинган даврдаги ҳолатининг умумий генетик асосла-

рини тадқиқ этишга тұғри келади. Менинг кузатувим бүйича, ўзбек, туркман, озарбайжон версияларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида генетик асосларга бориб тақалади ва демакки, турли-туман нұқталардан тарқалиб, бугунги ёйилиш ареалига зәг бўлган. Ҳатто ўзбек версияси икки хил генетик асосга зәг.

Одатда эпос ҳақида сұзлаганда, унга унинг яратувчиси бўлган халқ ижтимоий-маиший ҳаётининг объектив бадиий ифодаси, дея баҳо берамиз. Бу жуда тұғри баҳо. Чунки у ёки бу фольклор асари яратилгандан кейин асрлар давомида ижодкор ва ижрочилар томонидан куйлаб келинади. Табиий равишда унда ҳар бир давр ижтимоий фикри ўз изларини қолдиради. Узоқ тарих давомида рўй берган айрим воқеаларнинг асрлараро акс садолари у ёки бу даражада элас-элас ўз ифодасини топади. Бу жараён улар ёзиб олинган давргача давом этади. “Гўрўғли” туркуми ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам эпоснинг жонли оғзаки эпик анъанадаги ҳаракати (куйланиши ва қайта ижод этилиши) давомида унда зухур этган қай бир даврдаги тарихий воқеаларнинг акс садоларигагина асосланиб, уни шу воқеалар рўй берган даврда яратилган, дея хуносага келиш илмий жиҳатдан асоссизdir.

Биз у ёки бу эпос намунасининг бир халқдан иккинчи сига ўтиши (кўчиши) мумкинлигини инкор этмоқчи ҳам эмасмиз. Бундай жараённи “Гўрўғли” туркумida ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, олимларнинг аниқлашича, туркумнинг баъзи намуналари Ўрта Осиё (Бухоро) арабларига ўзбеклардан ўтган. Аммо бунда унинг достонлик хусусияти йўқолиб, ривоятга айланиб қолган, аниқроғи, ўзбек баҳшилари репертуаридаги бир неча достон сюжетининг баёнига ўхшаш ҳикоявий ҳодиса пайдо бўлган. Ёки, “Ҳикояти Гўрўғли сulton”нинг Қозон нашри қозоқ жировлари орасида кенг тарқалган. Қозоқ жировлари уни ўрганар эканлар, қозоқ халқи эпик анъаналарига тўла мослаштирганлар, бадиий-эстетик жиҳатдан батамом “ўзлариники” қилиб олганлар. Демак, у ёки бу эпос намунасининг бир халқдан иккинчи халққа ўтиши ҳам ўзига хос мураккаб ижодий жараёндирки, текширувчи ҳар бир ҳолатда уларнинг ўзигагина тааллуқли унсурларга аниқ-тиник муносабатда бўлиши зарур.

Учинчидан. “Кўрўғли” (“Гўрўғли”) эпосининг тарихий асосларини тадқиқ этиб, уни жалолийлар ҳаракати билан боғловчи олимларнинг аксарияти туркум достонларидағи (қўллари, шохаларидағи) эпик исмлар, жой номларининг тарихдаги шахслар исмлари, у ёки бу ҳудуддаги топонимларга мос ва ўхшаш келишига асосланадилар. Бизнинг назаримизда бундай мослик ва ўхшашлик эпос воқелиги моҳиятини эмас, балки унинг ташқи жиҳатинигина ифодалайди. Масалан, Ҳамза тарихда Эрон шоҳи маслаҳатчиси, эпосда эса от ўғриси. Ёки, Мустафо тарихда турк сultonи Мурод III нинг Кавказга юриш қилган юз минг кишилик қўшини бошлиғи, туркман версиясида эса, Кўрўғлининг ракиби ҳисобланади.

Тадқиқотчилар эпик Кўрўғлининг ҳаётда яшаган тарихий шахс эканлигига кўпроқ эътибор қаратадилар. Бунда асосан Элиас Мушегяннинг Кўрўғли Усмонли мамлакатининг тоғ ва ўрмонларида яшаб, йултусарлик билан шуғулланганлиги, карvonларни талаганлиги тўғрисидаги маълумот ва изоҳларига асосланадилар. Бу эпос воқелигига тўла мос эмас. Тўғри, туркумнинг бошланғич достонларида Гўрўғлининг чўпонларнинг қўй-қўзиларини тортиб олиши, карvonлардан бож талаб қилиши каби воқеалар тасвирланади. Бахши ва ошиқлар буни таловчилик ёки қароқчилик, дея баҳоламайдилар, унга салбий муносабат билдиrmайдилар ҳам. Ўзбек олими Ш.Турдимов эпик қаҳрамон Гўрўғлининг ёшлиқ давридаги бундай хатти-ҳаракатларини “алплик дарди” билан изоҳлайдики, бу оғзаки эпос қонуниятларига тўла мос келади ҳамда тарихий ва этнографик жиҳатдан асосли назарий қарашидир. Бу – бир. Иккинчидан, эпоснинг “тарихийлигини” (исмлар ва жой номларидағи ўхшашликни) “исботловчи” барча материаллар XVII–XIX асрларда тўпланган. Бу даврда туркий элларда достончиликнинг жонли оғзаки эпик анъаналари жуда ҳам ривожланган, халқларнинг кенг қатламлари орасида гуруллаб давом этаётган эди. Бундай даврларда эпик қаҳрамонлар исмлари ва достонлардаги топонимларни ҳаётдаги забардаст шахслар ва жойларга (қишлоқлар, қўрғонлар, тоғ даралари ва бошқаларга) нисбат бериш (қайта номлаш), уларни ўзларига яқинлаштириш, шу билан ифтихор қилиш ҳиссини янада кучайтириш қонуний бир ҳол

даражасига кўтарилади. Шу сабабли биз айрим олимларнинг (масалан, турк олими Огоҳ Сирри Лаванднинг) ошиқ (куйчи) ва қўзғолончи (жалолийлар ҳаракати бошлиқларидан бири) эпик Кўрўғли исмини кейин қабул қилган бўлиши мумкин, деган фикрларини тўла қўллаб-қувватлаймиз. Эпосдаги исмлар ва номларнинг турли-туман ерларда, ҳатто бир-биридан жуда узоқ жойларда учраши ҳам шу билан изоҳланади. Битта мисол келтирайлик:

“Туркестанские ведомости” газетасининг 1908 йил 90-сонида “Тарихий қайдлар” номли мақола босилади. Унда ёзилишича, “А.П.” деб имзо қўйган мақола муаллифи Бухоро амирлиги Ҳисор беклигига қарашли Файзиобод қишлоғидаги вайрон бўлган қўргон дарвозаси олдидан бир тош топган. Тошда қўргон истеҳкомини 1716 йилда йўлбарс билан яккама-якка курашда жасорат қўрсатганлиги учун Гўрўғли номини олган Гул Муҳаммад исмли шахс қурганлиги ёзилган экан. Ҳақиқатда ҳам ўша йилларда Гўрўғли лақабли Гул Муҳаммад номли шахс яшаган ва у ўттиз йил давомида Файзиобод қишлоғи ҳамда унинг атрофларида ҳокимлик қилган. Ўтган асрнинг 40-йилларида Файзиобод қишлоғида ўтказилган этнографик кузатувлар давомида кексалар қишлоқ қўрғони истеҳкомининг қурилиши, унинг Гўрўғли лақабли шуҳратли бинокори ҳақида ривоятлар сўзлаб берганлар<sup>1</sup>. Бундан “Гўрўғли” эпоси XVIII асрнинг бошида Файзиобод қишлоғида яратилган экан, деган маъно келиб чиқмайди, албатта. Бу – эпоснинг элу халқ ўртасида кенг тарқалганлиги ва катта шуҳратидан бир нишонадир, холос.

Тўртингчидан. Эпоснинг жонли оғзаки анъаналарда бизгача етиб келган ва асосан XX асрда ёзиб олинган намуналарнинг яратилиш даври билан уларнинг тарихий-мифологик асослари ва генезисининг бир даврнинг маҳсуллари сифатида айнанлаштириш тўғри хulosаларга олиб келмайди. Чунки биз қадимият намунаси, деб ҳисоблаган сюжет ва мотивлар ўз даврида қайси шаклда бадиий кўриниш берганлиги но-маълум. Туркумнинг генезиси ва тадрижий босқичларини маҳсус ўрганган филология фанлари доктори Ш.Турдимов

<sup>1</sup> Қаранг: Брагинский И.С. Таджикский народный эпос “Гуругли” // Гуругли. Таджикский народный эпос. –М.: Наука, 1987. –С.10–11.

қўйидагича асосли холосага келади: “Гўрўғли” достонининг ядроси, сюжети ва образлар тизимининг мифологик ҳамда тарихий асослари қадим-қадимдан Туркистон кенгликларида яшаб келган аждодларимизнинг тасаввурлари, дунёқарапашларига боғлиқ сак, массагет ва ўғуз эпик анъаналари асосида эрадан аввалги минг йилликларда яратилиб, босқич-ма-босқич сайқал топиб, тўлиқ бадиий-эстетик сатхга ўтди. Архаик эпоснинг навбатдаги талқинларидан бир шаҳобчаси Марказий Осиёдан Кавказ ва Кичик Осиёга кўчган ўғиз қабилалари билан у ҳудудларга ҳам тарқалди, янгиланди. Сунгги талқинлар маданий-адабий алоқалар натижасида Марказий Осиё версияларига ҳам маълум таъсирини ўтказди<sup>1</sup>.

Хуш, “Гўрўғли” эпоси қачон ва қаерда кимлар томонидан яратилди экан? Дабдурустдан қўйилган бундай саволга тұғридан-тұғри жавоб бериш ниҳоятда қийин, албатта. Ҳар қандай жавоб ҳам фаразли бўлиши табиийдир. Бизнинг мулоҳазаларимиз ҳам бир фараздир. Ҳатто, у хато бўлиши, унга кўпчилик қўшилмаслиги ҳам мумкин. Лекин бундай кўламдор туркумнинг яратилишини кейинги икки-уч аср билан боғлаб қўйиш ҳам ҳақиқатга зиддир. Эпоснинг нисбатан қадимиЙроқ, айтайлик, XV-XVI асрлардаги ёзувларининг мутлако бўлмаслиги ҳар қандай фаразнинг ҳам имкониятларини янада чеклайди. Бундай шароитда бирдан-бир манба эпоснинг ўзиdir.

“Гўрўғли” туркуми достонларининг версия ва вариантиларига яхлит ҳолда назар ташласак, уларнинг моҳиятини доно ва адолатли ҳукмдор, жасур ва кўрқмас Гўрўғли бошчилигидаги озодлик үлкаси – Чамбил мамлакати ва давлатининг ташкил топиши, уни янада мустаҳкамлаш ва сарҳадларини қўриқлаш учун эл ботирларининг олиб борган курашлари тасвири ташкил этади. Чамбилдаги тутумлар ўрта асрларда туркий халиқлар тарихида пайдо бўлган йирик марказлашган феодал давлардаги қонун-қоидаларни эслатади. Ҳатто энг афсонавий парилар юрти ҳам Чамбилдаги ҳаёт тарзига ўхшашибдир. Уларнинг ҳам ўз подшолари, лашкарбошилари, мунаққашли саройлари, ҳашаматли боғ-роғлари, сарҳадларини ҳимоя қилувчи мифологик қўриқбонлари бор.

<sup>1</sup> Тұрдимов Ш. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. –Тошкент: Фан, 2011. –219-бет.

Юқорида билдирилган қатор мулоҳазалар ҳамда “Гуруғли” туркуми достонларида тасвирланган ҳаёт тарзи бу хашаматли эпос “Китоби дадам Кўрқут” ва “Алпомиш” достонларидан кейин XI–XII асрларда Ўрта Осиёда яратилди, деган қарашни олға суришга имкон беради. Чунки, IX–XI асрларда Ўрта Осиё туркий уруғ ва қабилаларнинг (кенг маънода ўғузлар, қипчоқлар ва қарлуқларнинг) ўзаро бирлашишлари, ажралишлари, яна қайта бирлашишлари, бошқа ҳудудларга силжишларида ўзига хос бир макон бўлган. Туркий уруғ ва қабилаларнинг курсатилган даврларда алоҳида-алоҳида ҳалқлар сифатида шакллана бориши ҳамда туркийлашиш жараёнининг янада кучайиши ҳам асосан шу ҳудудларда кечган. Бизнингча, “Гўрўғли” туркуми достонлари яратилишидаёқ бир эмас, бир неча қадимий бадиий заминга (ўғуз-туркман, ўзбек-қипчоқ каби) таянади. Ана шу бадиий заминнинг ва яратилиш ҳолатининг эгаси бўлган туркий уруғ ва қабилаларнинг бир неча ҳалқлар таркибига кириши, бу билан илгарироқ ҳаммалари учун муштарак (умумий) бўлган эпос намуналарини ҳам олиб ўтилиши натижасида турқум кейинги босқичида миллий асосларда ривожланышда давом этди ҳамда кенг ҳудудларда тарқалиш имкониятига эга бўлди. Кейинги босқичда эпоснинг озарбайжон-ўғуз асосда “тарихийлашиб” борганини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Аммо туркман ва хусусан, ўзбек версиялари эпиклик томон мислсиз равишда кенгайиб борди. Қўлимизда мавжуд материалларни ўрганиш жонли оғзаки эпик анъаналарда бизгача етиб келган эпоснинг XX асрда ёзиб олинган намуналари (версия ва вариантлари) унинг XIII–XVI асрлардаги ҳолатини асосан ифодалай олади, дея хулоса чиқариш имконини беради. Бунда достончилик узвий ва узлуксиз ижодий жараён эканлигини ҳам унутмаслик керак. Йирик феодал давлатлари саройлари ва ҳокимлар ўрдаларида ўзонлар, баҳшилар, ошиқлар, оқинлар, жировлар, жирчиларнинг яшаганлиги тўғрисида V асрлардан бошлаб элас-элас етиб келган маълумотлар ҳам юқоридаги мулоҳазаларни тасдиқлайди.

### III

Ўзбек ҳалқ достончилиги санъати анъана ва бадиҳа мутносиблигида муттасил ҳаракатда бўлган жонли оғзаки ижро

ва ижод туридир. Шу сабабли ҳам у муайян даврларда жиддий ўзгаришларни ҳам ўз бошидан кечирди ва кечирмоқда. "Фактлар шуни кўрсатадики, – деб ёзган эди ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зариф, – XIX асрдан бошлаб шаҳарларда халқ эпосининг жонли анъанасида маълум ўзгаришлар юзага кела бошлаган. Фольклор ишқибозлари ва достончилар ташаббуси билан ўқиш учун хизмат қиливчи достонларнинг қўлёзма текстлари юзага келган. Шу муносабат билан "Гўруғли" туркуми, "Тоҳир ва Зухра", "Юсуф ва Аҳмад", "Тулумбий" ("Эдега") каби асарларнинг янги версиялари пайдо бўлди. Номаълум авторлар томонидан тузилган бу асарлар нусха қўчириш орқали ва XIX асрнинг II ярмидан бошлаб типографик ва литографик йўл билан кенг тарқалди. Масалан, "Гўруғли" туржумининг бош қисмидан бўлган ва Авазга бағишлиланган бир неча ўзбек достонлари 1875 йилда Петровавловка деган татар қишлоғидан бўлган Мулла Ҳасан Мирбобо ўғли томонидан қўчирилган ва 1880 йилда Қозонда "Ҳикояти Гўруғли сulton" номи билан нашр этилган эди. Шундан кейин бу китоб ўзгартирилган ва қайта ишланган ҳолда бир неча марта Қозонда, 1915–1917 йилларда Тошкент ва Когонда нашр этилди... Худди шундай "Тоҳир ва Зухра", "Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам", "Санобар", "Баҳром ва Гуландом", "Дилором", "Хурлиқо ва Ҳамро" каби достонлар, "Бўз йигит", "Алдаркўса" каби эртаклар, Ҳужа Насриддин ҳақидаги латифалар тўплами бир неча марта турли йўллар билан нашр этилди".<sup>1</sup>

Ўзбек фольклоршунослигига бундай намуналар ҳозиргача жиддий бир тарзда ўрганилмай келинмоқда. Уларни қайта нашр этиш, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб жонли оғзаки ижро шароитларида ёзиб олинган варианatlари билан қиёсий ўрганиш галдаги муҳим вазифаларимиздан бўлмоғи керак. Шу муносабат билан "Ҳикояти Гўруғли сulton" нашри ҳақида айrim мулоҳазалар билдиришни лозим кўрдик. Чунки унгача (1880 йилгача) ўзбек "Гўруғли" достонларининг нашр этилганлиги маълум эмас. Демак, "Ҳикояти Гўруғли сulton" ўзбек халқ достонларининг дастлабки нашрларидан бири ҳисобланади.

<sup>1</sup> Ҳоди Зариф. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан // Ўзбек совет фольклори масалалари. –Тошкент: Фан, 1970. –221–222-бетлар.

Таркибида икки достон мавжуд бўлган “Ҳикояти Гўрӯғли султон” китоби 1880, 1885, 1890, 1895, 1902, 1906, 1909, 1911, 1913, 1915 йилларда Қозонда, 1915–1917 йилларда “Гўрӯғли султон бо тасвир”, “Қиссаи Гўрӯғли султон бо тасвир” номларида деярли ўзгаришсиз Тошкент ва Когонда қайта-қайта нашр этилган. Нашрлардаги матнлар деярли айнандир. Баъзи ҳоллардагина бир-икки сўз уларнинг маънодошлари билан алмаштирилган ёки бирор мисра таҳририй жиҳатдан ўзгартирилган. Онда-сонда янги мисралар қўшилган ёки қисқартирилган. Бизнинг қулимииздаги Думбровский матбаасида босилган 1913 йилги Қозон нашрининг охирида шундай изоҳ берилган: “Ушбу “Гўрӯғли” рисоласининг босма ўлуниб, истихроҳ ўлмоғина сабаб ўлғувчи Петропавлда истиқомат этгувчи китобфурӯш Мухаммадраҳим Мухаммадвали ўғлининг ижтиҳоди бирла Петропавлда турғувчи котиб Мулла Ҳасан Мирбобо ўғлининг қалам хомаси бирла бир минг саккиз юз саксонинчи йилда таҳрир ўлинди”. Бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. Достонларнинг кимдан, қайси баҳши ёки жировдан ёзиб олинганлиги ҳам маълум эмас. Китобни таҳрир қилган Мулла Ҳасан Мирбобо ўғли ҳақидаги биографик маълумотлар ҳам сақланиб қолмаган. Фақат унинг Петропавлдаги (Қизилжардаги) мадрасада ишлаганлигини биламиз, холос. Китобнинг муқовасида: “Ношири: китобчи Шамсиiddин Ҳусаинов ворсаси”, деб кўрсатилган. Бу шахс ҳақида ҳам маълумот йўқ.

“Гўрӯғли” эпоси қозоқ версиясини нашрга тайёрлаган қозоқ олимаси М.Фумарова: “Қизилжар (Петропавл) шаҳрида турувчи Мирбобо ўғли Ҳасан XIX асрнинг етмишинчи йилларида қозоқлар орасинда айтилиб юрган Гўрӯғли тўғрисидаги англизларнинг негизинда “Ҳикояти Гўрӯғли султон”, “Ҳикояти Авазхон” достонларини ёзиб, Қозонда бостиради. Бул ҳикоя 1885, 1890, 1895, 1906, 1909, 1915 йилларда ёруқ кўради”<sup>1</sup>, – деб ёзади. Бошқа бир ўринда эса, “Ҳасан Мирбабин бул эпосни эл орасиндан йиғнаб, ёзиб олиб, ўзича ўнгнаганлиги” таъкидланади<sup>2</sup>. Оима “Ҳикояти Гўрӯғли султон”нинг нашр йилларини тўғри қайд этади.

<sup>1</sup> Фумарова М. “Көрүғлы” эпосы // Батырлар жыры. Төргінші том. Көрүғлы. –Алматы: “Жазушы”, 1989. –7-бет.

<sup>2</sup> Юқоридаги китоб, 397-бет.

Аммо унинг қозоқ англизлари негизида тузилганлиги ёки ёзилганлиги ҳақидаги мулоҳазалари асосли эмас.

Бизнингча, "Ҳикояти Гўруғли султон" таркибига кирган достонлар бизга номаълум ўта истеъододли ўзбек баҳисидан Мулла Ҳасан Мирбобо ўғлининг ўзи ёки бошقا бир шахс томонидан ёзиб олинганга ўхшайди. Балки XIX асрнинг 70-йилларида бирор саводли ўзбек баҳисининг ўзи ёзиб, нашрнинг ҳомийси, китобфуруш Муҳаммадраҳим Муҳаммадвали ўғлига ёки Ҳасан Мирбобо ўғлига топширгандир. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек достончилари орасида саводли, ҳатто мадраса курган баҳшиларнинг ҳам (Мулла Холназар, Эргаш шоир каби) бўлганлиги шундай таҳминга асос була олади. Китобнинг тили, услуби том маънода ўзбекчадир. Бу тил ва услуб XX асрда ўзбек баҳшиларидан ёзиб олиниб, нашр этилган достонлар тили ва услубига тўла равишда мос келади. Бизнинг бу мулоҳазаларимизни М.Ғумарованинг "бул китобнинг тили ҳозирги қозоқ ўқувчилариiga тушуниксиздай бўлиб келади, эски туркий сўзлари кўп", – деган фикри ва шу сабабли уни 1940 йилда таниқли оқин Жақан Сиздиқов томонидан "тоза қозоқ тилинда" ёздириб олинганлиги ҳақидаги таъкидлари ҳам тасдиқлайди<sup>1</sup>. "Ҳикояти Гўруғли султон"нинг туб асоси қозоқча бўлмай, ўзбекча эканлигига уни 1989 йилда Олмасотада нашр этилган "Ботирлар жири" туртинчи жилдига киритилган "Хикаят Көруғлы" билан оддий қиёслаш орқали тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Биргина мисол келтирайлик:

"Ҳикояти Гўруғли султон"да: "Аммо Гўруғлихоннинг Ҳасанхонга бир меҳри юз бўлиб ва эл-юртидан кўнгли тиниб, Ҳасан олдида, қирқ йигит ёнинда ўлтириб эрди, анда Гўруғли султон неча ердан тимсол келтириб, бир сўз айтди":

Сўз айтурман эмди бу дам юз алвон,  
Бу давлатни бизга берибdir мавлон,  
Чамбилбелда сурдингизлар кўп даврон,  
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?"<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Юқоридаги китоб. 397-бет.

<sup>2</sup> Ҳикояти Гўруғли султон. –Козон, 1913. –З-бет.

“Ҳикаят Көрүғлы”да: “Бир куні Көрүғлы ел-журтына риза болып, Хасанхан және қырық жігітпен шат-шадыман болып отырды да, ишаратпен мына ғазалды айтты”:

Сөз айтайын алуан-алуан,  
Бул даулетті берді мәулан,  
Жамбілбелде сурдік дәурен,  
Арманынг бар ма, қырық жігіт?<sup>1</sup>

Юқоридаги биргина мисолнинг үзиёқ “Ҳикояти Гүрүғли сұлтон” ўзбек тилида ёзиб олинганлиги ва шу тилда нашр этилғанлигини яққол күрсатып турибди. Бундан унинг қозоқ версияси йўқ экан, у қозоқлар томонидан “күчирилған”, деган маъно чиқмаслиги керак. “Ҳикояти Гүрүғли сұлтон” китоби ўзининг кўпдан-кўп нашрлари билан қозоқлар ўртасида, шу жумладан, оқин ва жировлар орасида ҳам кенг тарқалди. Қозоқ жиров ва жирчилари унинг асосида ўзбек достонларига хос бўлган бадиий хусусиятларни ботирлар жири ва қозоқ шеър тузилиши унсурларига мослаштирилдилар, асосий матнни қисман қисқартирилдилар ёки қайта ишладилар, шу тариқа уни қозоқ фольклорининг жонли оғзаки ижро ва ижод муҳитида “миллийлаштирилдилар”. Эпоснинг Раҳмат Мазхўжаев, Жақан Сиздиқов каби таниқли жировлар варианtlари буни тўла тасдиқлай олади. Шу сабабли уни “бул эпос 1885 йили Қозонда бо силган текстдан олинди” деган изоҳ билан эмас, балки Жақан Сиздиқов варианти тарзида нашр этиш лозим эди. Чунки ҳар иккала матн бир-бирини такрорламайди, балки бадиий-эстетик жиҳатдан турлича ҳодисалардир.

“Ҳикояти Гүрүғли сұлтон” халқимизнинг севиб ўқиган китоби бўлиш билан бирга баҳшилар ва қиссаҳонлар орасида ҳам кенг тарқалди. Масалан, атоқли достончи Ислом шоир Назар ўғли ўзининг “Таржимаи ҳоли”ни ёздирганда бу ҳақда шундай деб айтган эди: “Нарпай районининг Гавдуз қишлоғида Эргаш деган бир ўқимишли киши бор эди. Мен билан яхши таниш эди. У кўпинча менга “Лайли ва Мажнун”, “Гўрүғлиниң Гуржистондан Авазхонни олиб келгани” ҳақидаги китобларни ўқиб берар эди. Бу китоблар Қозон шаҳрида босилган

<sup>1</sup> “Ҳикаят Көрүғлы” эпосы // Батырлар жыры. Төрттынші том. –Алматы: “Жазушы”, 1989. –164-бет.

эди"<sup>1</sup>. Ёки, шоир-қиссаҳон Раҳматулла Юсуф ўғли бу тўғрида шундай гувоҳлик беради: "Маълумки, Гуруғлибекнинг Авазхонни олиб келгани" деган достон инқилобдан аввал Қозон ва Тошкентда савдогарлар томонидан нашр қилиниб, тезлик билан бутун ўзбеклар элатига тарқалган эди. Мазкур китобнинг Тошкент босмаси бўлган "Гўрўғли султон бо тасвир" бизнинг овлуга ниҳоят 1927 йилда етиб, ўша вақтдаги ҳамма достончи-бахшиларнинг, ҳатто араб ҳарфида ёзилган китобларнинг ҳаммаси рост деб тушунган улуғ Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳам замирига сингиб, мазкур достонни аввалдан ҳар бирлари турлича айтиб юрганлари ҳам йўқолиб, китобникини айтмоқ керак, деган фикр барча бахшиларга ёйилиб, ўша нашрдан чиққанига уҳшаган қилиб айтмоқ одат бўлиб кетди. Ҳозир, масалан, қичикроқ бир бахшидан: "Мазкур достоннинг бошқа хили ҳам илгари айтилармиди?" – деб сўралса, қисқача: "Йўқ", – деб жавоб беради. Аслида, яъни яқингинада мазкур достоннинг бир-икки хилда қуйланишини шундайдан шундайга унтишиб юборгандар. Мен шу аввалги ариқларни қазиб, мазкур достоннинг бошқа бир хилини баёнга келтирмоқчиман. Албаттa, эшитганларга раҳмат ва майда бахшилар учун кўмилган ариқларни очиб берсам, шунинг ўзи менинг учун катта бир шарафдир"<sup>2</sup>.

Раҳматулла Юсуф ўғлининг бу иқорини "Ҳикояти Гўрўғли султон" нашридан кейин ўзбек достончилигига анъанавий достонларни ўзлаштириш ва уларнинг ижросида бир хиллик кучайди, илгаригидагидек хилма-хиллик камайди тарзида қабул қилиш тўғри эмас. Шоир-қиссаҳон бу ўринда китобнинг бахшилар орасида ҳам кенг тарқалганилигини тўғри кўрсатган ҳолда унинг достончилар эпик репертуарига таъсирини бироз ошириброқ баҳоламоқда. Масалан, Пўлкан шоирдан ёзиб олинган "Авазхон" достони китобдаги биринчи достон сюжети билан айнан, ҳатто энг

<sup>1</sup> Ислом шоир. Таржимаи хол // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. Олтинчи жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйи, 2015. –343-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архиви, инв. № 1693. 1965 йил 12 февралда ёзилган.

майдада тафсилотларгача ўхшаш. Лекин бадиий матн бир-бирини такрорламайди. Пўлкан варианти ҳажм жиҳатидан катта. Китобдаги нусха 1600 мисрадан кўпроқ шеърий сатрларни ўз ичига олган бўлса, Пўлкан шоирда 2200 мисрага яқиндир. Худди шундай, насрый қисмларда ҳам жиддий ўзгачаликлар мавжуд. Бирида китобийлик устунлик қиласа, иккинчисида оғзаки нутқ устувордир. Буни ёрқинроқ тасаввур қилиш учун биргина мисол келтирайлик:

“Ҳикояти Гўрўғли султон”да:

Суриш бўлса, ширин жондан кечдингиз,  
Душманларни найза билан санчдингиз,  
Силаб-силаб қизларини қучдингиз,  
Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит?<sup>1</sup>

Пўлкан шоирда:

Ҳар уруғдан азаматни жиймоқдан,  
Хитойи косага майни қуймоқдан,  
Қиз ўрнига парилардан сўймоқдан,  
Ҳар ранг тўнни яшинатиб киймоқдан,  
Сўймоқдан камлигинг борми, қирқ йигит?<sup>2</sup>

“Мен аввалги ариқларни қазиб, мазкур достоннинг бошқа бир хилини баёнга келтирмоқчиман” – деган Раҳматулла Юсуф ўғли вариантида ҳам китобнинг маълум бир таъсири сизилиб туради. Тўғри, Раҳматулла Юсуф ўғли варианти сюжети воқеаларининг бошланиши, унинг айрим ҳалқалари бошқачароқ ўзанда давом этади. Унда янги эпизодлар мавжуд. Матн ҳам ўзгача талқин қилинади. Шу билан бирга сезилар-сезилмас китобнинг таъсирини ҳам кўрамиз. Мисоллар:

“Ҳикояти Гўрўғли султон”да:

– Сени деб сарғайди юзим,  
Чўлларда ахтардим ўзим,  
Хаёлингга на сўз келди,  
Менга айтгил, жоним қўзим,  
Кел, Аваз, мингил Фиротга.  
– Эшитганман сенинг зотинг,

<sup>1</sup> Ҳикояти Гўрўғли султон. –Қозон, 1913. –3-бет.

<sup>2</sup> Аваҳон // Гулнор пари. Достонлар. –Тошкент: Faafur Fулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. –303-бет.

Элни босган сиёсатинг,  
Эрлигингни кўзим кўрмай,  
Не деб минай сенинг отинг,  
Минмайман Гўрўғли отига<sup>1</sup>.  
Рахматулла Юсуф ўғли вариантида:  
– Хунхор бизга қойил бўлсин,  
Кўнглинг отга мойил бўлсин,  
Ҳар бир кунинг сайил бўлсин,  
Кел, Аваз, мингин Фиротга.  
– Қўшин олдини бувмасанг,  
Ғолиб қеб барин қувмасанг,  
Қон билан ханжар ювмасанг,  
Минмайман, номард, Фиротга<sup>2</sup>.

Бу қиёслардан кўринадики, "Ҳикояти Гўрўғли султон" нашрининг ўзбек бахшиларига муайян бир даражада таъсири бўлган. Чунки достончилар уни қиссаҳонлар даврала-рида эшигланлар ёки ўқитиб тинглаганлар, хат-саводлила-рининг ўзлари ўқиб-ўрганганлар. Зероки, бахшиларнинг эпик репертуарни ўзлаштириш ва уни бойитиб ҳамда му-каммалаштириб бориши жуда ҳам мураккаб булиб, устоз сабоғидан кейин ҳам уларнинг бутун умри давомида кечадиган ижодий жараёндир<sup>3</sup>. Аммо бундай таъсир ва ўқиб-ўрганишлар, "ўзлаштиришлар" эпик репертуарни ўзгартириб юбориш даражасида бўлмаган, балки бахшилар репертуарининг сон ва сифат жиҳатидан бойиб боришининг ўнлаб имконият ва манбаларидан биридир, холос. Бунинг устига, китобга асос бўлган матн XIX асрнинг 70-йилларида қайси бир бахшининг ижросида айнан ижро этилган ҳамда жонли оғзаки эпик анъаналарда кейинги йилларгача куйланиб келинган. Шунинг учун унга мазкур достонларнинг бир варианти тарзида қараш зарур. XX асрнинг Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Бекмурод бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли каби улкан ижодкорларида "Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши", "Авазхоннинг арази" каби достонларнинг ба-

<sup>1</sup> Ҳикояти Гўрўғли султон. –Қозон, 1913. – 34-бет.

<sup>2</sup> Авазхон. Тошкент: "Ёзувчи", 1997. –38-39-бетлар.

<sup>3</sup> Қаранг: Мирзаев Т. Эпос и сказитель. –Тошкент: "Фан", 2008. –С. 161–203.

дийи юксак вариантиларининг ёзиб олинганлиги бу фикрни тўла тасдиқлайди. Бунда “Ҳикояти Гўрӯғли султон” муайян бир адабий таҳрирга учраганлигини ҳам унутмаслик керак. Аммо бу таҳрир унинг оғзаки адабиётга хос хусусиятларини йўқотмаган, балки бизга номаълум бахши варианти асос эътибори билан сақланган.

“Ҳикояти Гўрӯғли султон” китоби, юқорида таъкидланганидек, икки достондан таркиб топган. Достонлар номланмаган, аммо бир-биридан ажратилган ҳолда берилган. Уларнинг биринчисига “Гўрӯғлибекнинг Авазхонни олиб келиши”, иккинчисига “Авазхоннинг арази” дея ном бердик. Чунки уларнинг мазмун-моҳияти шу номларни тақоза этади. Бахшилар орасида ҳам мазкур достонлар “Авазхон”, “Гўрӯғлибекнинг Авазхонни олиб келиши”, “Авазхоннинг аразлаб кетиши”, “Авазхоннинг дор остидан озод қилиниши” каби номлар билан юритилади.

Китобдаги “Гўрӯғлибекнинг Авазхонни олиб келиши” достони туркум бош қаҳрамони Гўрӯғлибек эпик ҳаёти асосий нуқталарининг (ўн беш ёшида Чамбилга султон бўлиши, 30 ва 40 ёшида пирларнинг икки марта дуо бериши, эллик, эллик беш, олтмиш беш ёшларида унинг донғига ошиқ бўлган Юнус пари, Мисқол пари, Гулнор париларнинг келиб тегиши, тўқиз хотинни одамзоддан олиши, юз ёшида Исфаҳондан Ҳасанхонни олиб қочиб келиб, фарзанд қилиши кабиларнинг) қисқача баёни билан бошланади. Бундай баёний маълумотлар умуман туркум достонларида шу хилдаги тасвирларга мос келмайди, ҳатто замон ва мақонда бир-бирига зиддир. Шунга қарамай, уларни бир версия сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки бундай баёний маълумотлар айни достонда Авазхоннинг Чамбилга олиб келиниши заруратини бадиий шартлилик асосида янада ёрқинроқ тасвирлашга имконият яратган.

Чамбил мамлакати ҳар жиҳатдан обод булиб, халқи фаравон яшаётган кунларнинг бирида Гўрӯғлибек ўлтиришда “Ҳали ҳам армонинг борми, қирқ йигит”, – деб сўрайди. Шунда қирқ йигит: “Гуржистондан Авазхонни олиб келиб, ўғил қиласанг. Қирқ йигитнинг бир армони шул эрур”, – дейди. Хукмдор Авазхонни олиб келиш учун асранди фарзанди

Ҳасанхон бошчилигига қирқ йигитини жұнатади. Йигитлар Бадбахт тоғига етиб, унинг бошида қызил ола туман чўкиб ётганини кўриб, кўрқсанларидан Ҳасанхоннинг ундовлари, ёлворишларига қарамай, орқага қайтадилар. Достоннинг шу ўринларида Ҳасанхон тилидан тўртта шеърий монолог берилади. Уларда мард билан номардни фарқлаш, ботирлик ва кўрқоқлик, юрга садоқат, ҳукмдор-тарбиячи олдидаги бурч тўғрисидаги халқона қарашлар бадий гўзал сатрларда ўзининг ёрқин ифодасини топган:

Эр йигит қойим урушга,  
Кирмакка дойим хурушга,  
Баҳодирлар кирса урушга,  
Ўнин санчиб, бешин кўзлар.  
Номард одам ёвга борса,  
Қочатурғон ерин кўзлар.

Энди Авазхонни олиб келиш учун Гўрўғлибекнинг ўзи отланади. Бадбахт тоғига етгач, пирларнинг маслаҳати билан Авазхоннинг тоғаси Қўнғирбой қиёфасида шаҳарга киради ҳамда Авазхонни қўлга киритади. Достонда Булдуруқ қассобнинг мол-дунёга ўчлиги, шу сабабли ҳам Авазхонни қўлдан бой берганлиги, Авазхоннинг онаси Гулойимнинг Қўнғирбой Гўрўғли эканлигини билгандан кейинги изтироблари ҳаётий лавҳаларда жуда ҳам жонли, бадий гўзал қилиб тасвирланган. Хунхоршоҳ лашкарлари билан бўлган жангда Гўрўғлининг мардлигини кўрган Авазхоннинг Чамбилга боришга рози бўлиши, юрти билан ғойибона хўшланиши тасвирларида айрилиқ азоблари нақадар оғир эканлиги, киндик қони томган тупроққа меҳр-муҳаббат мотивлари баралла жаранглайди:

Олдимда кўринур Бадбахтнинг бели,  
Неча кунлик экан, билмадим йўли,  
Омон бўлгил яна қайтиб кўргунча,  
Ўйнаб-усган она Гуржистон эли...  
Учкуримда қанотимдан қайрилдим,  
Югрегимда туёғимдан тойрилдим,  
Омонда булинглар, барча оғайин,  
Армон билан мен сизлардан айрилдим.

“Хикояти Гўрўғли султон” китоби таркибидағи иккинчи достон – “Авазхоннинг арази” қизиқ бир мотив – ўлмай туриб йўқлаш билан бошланади. Юз йигирма ёшга етган Гўрўғли хотинлари Юнус, Мисқол, Гулнор париларга: “Энди охир вақтим яқин етди. Сизлар анда мени нима деб йўқлайсизлар, ўз қулоғим билан эшишиб кетай”, – деб ўликдай бўлиб ётди. Париларнинг йўқлови Гўрўғли эпик ҳаёти асосий нуқталарининг чиройли тасвири бўлиш билан бирга достон сюжети конфликтини юзага келтириш учун ўйлаб топилган ўзига хос бадий усул ҳамдир:

Ўн бешингда ғориллаған нор эдинг,  
Ўттизингда Асқар тоғдай бор эдинг,  
Кўп душманга оч бўридай доридинг,  
Ёшинг етди юз йигирма, қаридинг,  
Булут чайнаб, музни пурккан қунларинг...  
Қозининг олдида бўлур нойиби,  
Йигитга панд берар отнинг майиби,  
Ўзинг ўтсанг бу Чамбильдан бир куни,  
Ким бўлади тожу тахтнинг сойиби,  
Дунёдан бефарзанд ўтган, султоним.

Буни эшик орқасида туриб эшиштан Аваз шунча хизмат қилсан ҳам, мени фарзанд ўрнида кўрмас эканлар, дея ниҳоятда хафа бўлади. Ана шу руҳий ҳолат билан майхонага кирган Аваз ногоҳ қўлидаги қадаҳни тушириб юборади. Авазнинг Гўрўғлидан арази сабаблари тасвирдан тасвирга кучайтириб борилади. Овга чиққан Аваз Аҳмад сардорнинг қизи Бўтакўзойим томонидан бир байталлик қул, дея камситилади. Гўрўғлибек Бўтакўзга совчи қўймоқчи бўлганда, Чамбильнинг оқсоқоллари Аҳмад сардор қулингга қизини бермайди, дея совчиликдан бош тортадилар. Бундай камситишлар Авазни Чамбильдан бош олиб кетишга ундейди.

Гуржистонга борган Авазни Хунхоршоҳ аввалига яхши кутиб олади. Кўп мамлакатларни кўрган жаҳонгашта Аваздан қайси юрт обод ва кўркамлигини сўраганда, Авазхоннинг:

Бир тарафда Така-Ёвミт эли бор,  
Бир ёнинда Ҳовдак деган кўли бор,  
Ҳар йигитнинг сендай тўқсон қули бор,  
Йигитнинг арслонин Чамбilda кўрдим, –

деган таъриф-тавсифларини эшитгач, уни зиндан қилади. Бундан огоҳ бўлган Гўрўғли қирқ йигити билан биргаликда Авазхонни дор остидан қутқариб Чамбилга олиб келади.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" бадий мукаммаллиги, хилма-хил шеърий шаклларга эгалиги, шеърий бандларнинг ўта ва тизимли муайянлашганлиги билан ўзбек фольклорида алоҳида ўрин тутади. Ундаги "Кунларинг", "Султоним", "Армоним қолмади", "Кел-ҳо беклар, якка-якка", "Мадад берар кун энди", "Соқиё, абзаллаб келгил Гиротни", "Ба худо, навкар бўлмайман", "Так-так, ҳа-ҳа, ўзбекнинг оти" каби ўнлаб шеърий банд тузилишлари ўзбек фольклорида жуда кенг тарқалгандир.

Бу ўринда яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлаш зарур. Китобда диний-илоҳий қатлам тизимли бир тарзда намоён бўлган. Қўлимиздаги мавжуд достонлар тўлалигича шўро даврида ёзиб олинганлигини ҳисобга олсан, "Ҳикояти Гўрўғли султон" китобида диний-илоҳий қарашларнинг нисбатан тугал бадий ифодаланганинг нақадар аҳамиятга эгалиги ўз-ўзидан аён бўлади. Чунки доимо даврнинг кўз-кулоғи бўлиб келган баҳшилар достонларни ёздирган пайтдаги мафкуравий ҳолатни ҳисобга олмасликлари мумкин эмас. Шу сабабли достонларни ёздираётганди, ундаги диний ўринларни қисқартириб айтганликлари ёки уларни бошқачароқ ифодалаганликлари, ҳатто ташлаб кетганликлари табиийдир.

"Ҳикояти Гўрўғли султон" достонлари матнини ўрганиш уни нашрга тайёрлашда муайян бир адабий таҳрирдан ўтказилганлигини ҳам тасдиқлайди. Аммо бундай таҳрир унинг оғзакилик асосларига зарар етказмаган, балки айrim ўринларинигина (бошланма, тугалланма, боғловчи насрий қисмларни) ўша давр қиссачилик услубига яқинлаштирган. Шу билан бирга баъзи бир маълумотлар ўзгартирилган ёки бошқачароқ талқин қилинган. Гарчи бу маълумотлар китобдаги ҳар иккала достонга тегишли бўлмаса-да, "Гўрўғли" достонлар силсиласининг бош қаҳрамони эпик фаолиятига тўғридан тўғри алоқадордир. Шу сабабли уларга муайян бир изоҳлар бериш зарурдир.

Шундайлардан бири пирларнинг бош қаҳрамонга ҳомийлиги тасвиридир. Китобда: “Гўрўғли султон ўттиз ёшга келганда, Хўжай Хизр алайҳиссалом қирқ чилтан, ўн икки имом бирла келиб, Гўрўғлининг ҳақига дуо қилди... Қирқ ёшига келганда, яна Хизр алайҳиссалом билан қирқ чилтан, ўн икки имом келиб...”, – тарзида маълумот берилади. Бу ахборот Гўрўғли эпик биографиясига мос эмас. “Гўрўғлининг болалиги” достонида тасвиrlанишича, отини излаб юрган бош қаҳрамон ўн беш ёшида Афсар тоғида Хизр ва қирқ чилтанга дуч келади ва уларнинг дуосини олади. Халқ эътиқоди бўйича ҳам, достон ва эртакларда ҳам ғойиб эранлар кишиларни (асар қаҳрамонларини) излаб, уларнинг яшаш маконларига келмайдилар, балки кўзга кўринмас бундай рухий олам вакиллари танланганларга қадамжоларда, йўл, чўл, тоғ ва ғорларда дуч келадилар. Шу билан бирга китобда пирлар дуосининг иккиласирилиши, Гўрўғли эпик ҳаёти саналарининг ўзгартирилиши ноўрин таҳрир натижасидир. Ҳатто бундай “таҳрир” китобнинг бошидаги: “Ондин сўнг ўн беш ёшинда, тилла жиғаси бошинда, қирқ йигити қошинда Гўрўғли султон ҳоким бўлди”, – деган маълумотга ҳам мос келмай қолганлиги яққол кўриниб турибди. “Гўрўғли” достонларида тасвиrlанган эпик воқелик анъанасига кўра, Гўрўғли Афсар тоғида Хизр ва қирқ чилтандан дуо олиб, Фирқўк отига қайта эга бўлгач, пирлар башорати билан ўн беш ёшида Ёвмит мамлакатига подшо бўлади. Бу нарса “Армонинг қолмасин” термасида шундай кўйланади:

Эр атандим олти ёшда,  
Шер атандим ўн тўрт ёшда...  
Катта тоғам Буғра ўлди,  
Юртга ботир лозим бўлди,  
Эл келиб валлами қилди,  
Бўлдим, армоним қолмади,  
Бўлгин, армонинг қолмасин.

Шунингдек, китобнинг кириш қисмидаги: “Эллик ёшинда Гўрўғлининг донғига ошиқ бўлиб, Кўҳи Қоф тоғининг подшоҳининг қизи Оға Юнус пари келиб тегди. Эллик беш ёшинда Ҳиндистондан Мисқол пари келиб тегди. Олтмиш

беш ёшинда Ирам боғидан Гулнор пари келиб тегди", – қабилидаги хабар ҳам достончилик анъаналарига мос эмас. Бош қаҳрамоннинг бўлғуси ёрлари пирлар томонидан илгаридан "белгиланган" бўлса ҳам, уларга эришиш учун жасорат, мардлик кўрсатиш лозим бўлади. Эпос қонунияти шуни талаб қиласи. "Юнус пари", "Мисқол пари", "Гулнор пари" достонларида бу ҳолат кенг тасвирланган. Демак, париларнинг ўзлари, бунинг устига ёши анчага бориб қолганда, Гўрўғлига келиб тегмайдилар, балки Гўрўғли балоғат даврида курашиб, уларга эришади. Бу ҳол баҳшилар томонидан Гўрўғли тилидан айтилган "Кунларим" термасида шундай куйланади:

Оҳ, дедим, мудомо кўнгилим ўсди,  
Силтадим, қиличим ғанимни кесди,  
Кухи Қофдан олиб келдим Юнусди,  
Қора девман қон тўкишган кунларим.  
Дарёга юзганлар кема ҳам солди,  
Бедовга ярашган куйруқ ҳам ёлди,  
Боғи Ирамдан олиб келдим Мисқолди,  
Париларман ўйнаб-кулган кунларим.

Бу ўринда яна иккита изоҳга зарурат бордир. Улардан бири Гўрўғлининг одамзоддан тўққиз хотинга уйланишидир. Гўрўғлининг фарзандсизлигини кучайтириш учун буни эҳтимол бирор баҳши ўйлаб топгандир. Аммо бу ҳақда достончилик анъаналарида бирор бир маълумот йўқ. Фақат Фарғона водийсидан ёзиб олинган айрим достонларнинг кириш қисмида (масалан, Усмон Маматқўул ўғлиниң "Бўтакўз" ва "Шоҳдорхон" достонларида) Гўрўғлининг одамзоддан тўққиз хотин олганлиги айтилади. Бу "Ҳикояти Гўруғли султон"дан ўзлашган бўлиши керак. Эпик анъанага кўра, Гўрўғлининг икки (Юнус ва Мисқол парилар), Пўлкан варианти бўйича учинчи (Гулнор пари) хотини бор. Юқорида айтилганидек, бу париларнинг узоқ ўлкалардан олиб келиниши ҳақида алоҳида-алоҳида достонлар мавжуд.

Иккинчи изоҳ шуки, "Гўрўғлибекнинг Авазхонни олиб келиши" достонида асар қаҳрамони ўн беш ёшдаги навқирион йигит сифатида тасвирланади. Орадан тўрт йил ўтгач,

иккинчи достонда ҳам Авазхон ўн беш ёшда, Ҳасанхон ўн олти ёшдадир. Буни достонларда вақт ўтиши билан юзага келган тафовут ҳисобга олинмаган экан, тарзида тушуниш тўғри бўлмайди. Чунки, анъанага кўра, Авазхон ҳамиша ёш ботир сифатида тасаввур қилинган. Бу, маълум маънода, Ҳасан кўлбарнинг ўғли Самандар иштирок этган достонларда ҳаммавақт “Етти яшар Самандар дев” тарзидаги тасвирга ухшаб кетади. Иккинчидан, юқорида айтилганидек, “Гўруғли” туркуми достонларининг ҳар бири алоҳида-алоҳида куйланганлиги сабабли бундай тафовутлар сезилмайди ҳам. Анъанада шундай ўрнашиб қолганлиги сабабли тингловчи ёки китобхон уни одатдаги ҳодиса сифатида қабул қила беради.

“Хикояти Гўруғли султон” китобига кирган достонларнинг Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли каби улкан достончилардан ёзib олинган бадиий юксак варианtlари бўлишига қарамай, уларнинг халқимиз эпик изходиётида алоҳида ўрни ва аҳамияти бор. Бундай алоҳида ўрин ва аҳамият, бир томондан, уларнинг бизга номаълум бахшидан биринчи бўлиб ёзib олинганлиги ҳамда муайян даражада адабий таҳрир этилган бўлса ҳам, дастлабки нашрлардан эканлиги билан белгиланса, иккинчидан, халқимиз ва бахшилар орасида кенг тарқалиб, эпик репертуарнинг янада барқарорлашуви ва муайян бир ўзгармас бадиий тус олишида муҳим роль ўйнаганлиги жиҳатидан эътиборга лойикдир. “Хикояти Гўруғли султон” китоби таркибидаги достонларнинг адабий қиммати яна шундаки, улар қадимдан қирғиз<sup>1</sup>, қорақалпок<sup>2</sup>, уйғур<sup>3</sup> каби халқлар орасида тарқалмаган ёки кам маълум бўлган “Гўруғли” достонларининг бу халқлар ижодкорлари репертуарига ўтиб, машхур туркумнинг ўша

<sup>1</sup> Қаранг: Қыдырбаева Р. В начале было слово. –Бишкек: Институт языка и литературы им. Чингиза Айтматова, 2013. –С. 113.

<sup>2</sup> Өүезхан // Каракалпак фольклоры. Көп томлық, XV том. Нашрга тайёрловчи Минажатдин Низаматдинов. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1986. –16–132-бетлар.

<sup>3</sup> Emir Görogli. Hazırlayan Erşədin Tatlık. –Urumei, 1986. 1915 йилда Мулла Салай (1875–1950) кўчирган нусха асосида Убайдуллоҳ ҳожи айтиб берган вариант.

халқлар эпик анъаналарига мос равища муайян даражада шаклланишида асос бўлган.

Масалан, уйғур версияси "Амир Гүрүғли"да тасвиirlанишича, Чамбил подшоси Аҳмадхоннинг балоғатга етган Зулпар исмли қизи боғдалигида кўчадан ўтиб кетаётган Ҳазрат Алининг унга назари тушади. Шундан унда ҳомила пайдо бўлади. Ҳомила олти ойлик бўлганда, Зулпар ор қилиб, оллоҳдан ўзига ўлим тилайди. Тилаги ижобат бўлиб, Зулпар вафот этади. Гурда Зулпардан туғилган бола қамиш ёрдамида нафас олиб, ташқарига чиқади. Уни Ола байтал эмизади. Байталнинг эмизганини Ҳазрати Алининг отбоқари Бобо Қамбар кўриб қолиб, қабрни суриштирадилар ва Аҳмадхонга хабар берадилар. Аҳмадхон болага Гүрүғли исмини бериб, уни Ола байтал билан биргаликда олиб кетади. Бола Аҳмадхонникида вояга ета боради. Бир куни Аҳмадхон узоқ муддатли овга кетади. Аҳмадхон йўқлигига Жайхун мамлакатининг подшоси Шоҳдархоннинг Дониёр деган полвони Гүрүғлини алдаб, Лайли қир деган отидан Ола байталга насл бериш баҳонасида Аҳмадхоннинг хотини Узумқўзни олиб қочади. Ола байталдан бир қулун туғилади. Гүрүғли унга ҳар хил ҳайвонларнинг сутини бериб, тулпор қилиб тарбиялайди ҳамда Дониёрнинг қизини олиб қочиб келади. Шундан кейин Аҳмадхон Гүрүғлига алоҳида кўшк қилиб беради. Хизр, Илёс, қирқ чилтан, ўн икки имом келиб фотиҳа беради. Юнус, Мисқол, Гулнор париларга, одамзоддан тўққиз хотинга уйланади, Ҳасанхонни олиб келади. Аҳмадхон туш кўриб, Чамбил подшолигини Гүрүғлига беради.

Юқоридагилар одатдаги достонларга хос тасвиirlар бўлмай, балки "Гүрүғлининг туғилиши", "Гүрүғлининг болалиги", "Зайдиной", "Юнус пари", "Мисқол пари", "Гулнор пари", "Ҳасанхоннинг олиб келиниши" каби ўнлаб достонларнинг бошқачароқ тусдаги бир неча саҳифалик баёнидан иборатдир. Бундай баёnlар "Ҳикояти Гүрүғли султон" китоби бошида берилган Гүрүғли эпик биографиясига доир умумий маълумотларга ўхшаб кетади. Шундан кейин "Амир Гүрүғли" таркибиغا "Ҳикояти Гүрүғли султон"нинг биринчи достони – "Авазхоннинг олиб келиниши" оғзаки қиссаҳонликка хос айrim ўзгартишлар билан тўла равища кири-

тилган. Кейин яна Авазхоннинг Қорахон подшонинг қизи Зайнабга уйланиши, Гўрўғли сафарга кетгандা, Аҳмадхон ўзини Чамбилга хон, деб эълон қилиб, Авазхоннинг хотини, унинг Алихон ва Нурхон исмли фарзандларини чўлга ҳайдаши, Гўрўғли қайтиб келгач, Аҳмадхоннинг Чамбилдан кувилиши воқеалари баён қилинади. Бу баёнлар ҳам бир неча достонлар сюжетини қайта ҳикоя қилиб беришдан иборат бўлиб қолган. Шундан кейин “Ҳикояти Гўрўғли султон”-нинг иккинчи достони – “Авазнинг арази” берилган<sup>1</sup>.

Юқоридаги қисқача баёндан кўриниб турибдики, “Гўрўғли” туркуми достонларининг уйғур версияси бўлган “Амир Гўрўғли”нинг асосини “Ҳикояти Гўрўғли султон” ташкил этади. Ҳажм жихатдан қараганда ҳам, “Амир Гўрўғли”нинг олтидан беш қисми “Авазхоннинг олиб келиниши”, “Авазнинг арази” достонларидан иборатдир. Бундай ўхшашликлар ва ҳатто бирхилликлар у ёки бу эпик асарнинг муайян бир халқ оғзаки достончиллик анъаналарида пайдо бўлиши ва шаклланиши омилларини аниқлаштиришда, бу ўринда “Ҳикояти Гўрўғли султон” нашрининг тарқалиш доираларини белгилаш ҳамда уларнинг халқ ижодкорлари репертуарига ўтиш жараёнларини ўрганишда мухим аҳамият касб этади. Бизнинг бу қайдларимизни муаммони қўйилиш тарзида тушунмоқ керак. Уни бошқа достонлар мисолида ва ҳатто ёзма адабиёт намуналарининг “фольклорлашиш” жараёнлари билан боғлқ ҳолда кенг ва ҳар томонлама ўрганиш фольклоршунослигимиз олдидаги жиддий вазифалардандир.

<sup>1</sup> Қаранг: Emir Görogli // Uygur halk destanları, III. Hazırlayan Abdulhakim Mehmet. –Ankara, 2011. –18–277-бетлар.

## **Умурзоқ ЖУМАНАЗАРОВ**

### **ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИНГ ТАРИХИЙЛИГИ ВА ТАРИХИЙ ДОСТОН МАСАЛАСИ**

Илмда тарихийлик ва тарихий жанр масаласи кўп ҳолларда бир-бирига қориштириб юборилади: айрим ҳолларда тарихийлик атамаси фақат тарихий жанр маъносида тушинилса, гоҳ тарихий жанр атамаси тарихийлик принциплари тарзида англашилади. Бундай чалкашликнинг бош сабаби ўзбек фольклоршунослигига мавжуд барча жанрлардаги тарихийликнинг меъёри ва ўзига хослиги, конкрет тарихий жанрлардаги тарихийликнинг бадиий түқима билан нисбати каби масалаларнинг жуда кам ва заиф тадқиқ этилганлигидadir. Тұғри, XX асрнинг охирида ўзбек халқ эпосининг тарихийлик принциплари ва бевосита тарихийлик принциплари асосида халқ достонларининг етакчи типлари каби масалалар илмий жиҳатдан бироз үрганила бошланди<sup>1</sup>. Лекин ҳайратомуз даражада улкан фольклор меросига эга бўлган ўзбек фольклоршунослиги учун юқорида айтилган тадқиқотлар озвиликни ташкил этади. Мана шу ҳолатни назарда тутиб биз қўйида халқ эпосидаги тарихийликнинг тарихий эпосдаги даражаси ва ўрни масаласида ўз кузатишларимизни қисқача баён қиласиз.

Ижтимоий ҳаёт, инсон онги тарихан ўзгариб борувчи ҳодиса бўлганидек, инсон онги яратган ва ижтимоий ҳаёт акс этган ҳар қандай асар ҳам тарихийdir. Маълум бўладики, ҳар қандай жанрга мансуб асарда ўзига хос тарихийлик мавжуд. Чунки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари қатори фольклор ҳам ижтимоий воқеликни тарихан бадиий акс эт-

<sup>1</sup> Саримсоков Б. Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти, 1981, №3, 37–47-бетлар; Бобоев М. Типология принципов историзма узбекского народного эпоса. АКД, Ташкент, 1983.

тиришнинг тарихан шаклланган ва мудом ўзгариб борувчи бадиий системасидан иборат. Мана шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, тарихийлик воқеликни бадиий акс эттиришнинг муҳим принципи сифатида фольклор жанрларининг барчаси учун муайян даражада хосдир.

Демак, фольклордаги тарихийлик воқеликка бадиий муносабатнинг умумий принципи сифатида ҳамма вақт ижодкор ва тингловчининг бадиий назар ташлашлари, уни бадиий идрок этишлари воситасидир. Бинобарин, ҳар қандай асарни ғоявий-бадиий жиҳатдан баҳолаш бевосита тарихийлик принциплари орқали амалга ошади.

Тарихий фольклор эса ўзида реал ижтимоий тарихни бадиий жиҳатдан нисбатан конкретроқ акс эттирувчи асарлардан иборат. Бошқача айтганда, тарихий фольклор тарихийлик принциплари қуюқ, реал тарихий воқеа-ҳодисалар тасвиранган асарлар мажмуасидир.

Фольклор жанрлари системасида тарихий фольклорга тааллуқли асарлар ўзларига мансуб бўлган жанрларга хос умумий ҳусусиятларни сақлаганлари ҳолда ҳам структура, ҳам мазмун жиҳатидан алоҳида ҳодиса сифатида олиб қаралиши лозим. Чунки ҳар қандай жанрга кирган тарихий конкрет факт бевосита жанрнинг бадиий-тасвирий воситаларига, тасвир принципларига таъсир қўрсатади. Бу таъсир эса муайян жанрнинг асрлар мобайнида шаклланган шаклий хоссалари ҳамда мазмуний қамров даражасида баъзи ўзгаришлар келтириб чиқаради. Кўп ҳолларда, тарихий конкрет факт жанрдаги анъанавий шакл ва мазмун нисбатини бузиб юбориши ҳам мумкин, ёки умуман, анъанавий бадиий шакл бундай фактни лозим бўлган даражада акс эттиrolмай қолиши ҳам мумкин. Худди шунга ўхшаш жараёнларнинг кўпроқ юз бериши фольклордаги қўплаб анъанавий жанрларнинг ё бутунлай ўлиши, ё янги мазмунга мос келувчи бадиий-тасвирий принципларини касб этиш орқали янгиланишларига олиб келади.

Ўзбек фольклори жанрларидаги тарихий факт ва бадиий тасвир принциплари нисбатига назар ташланса, турлича ҳолатларни кўриш мумкин. Лирик ва тарихий қўшиқ каби жанрларнинг тасвирий принциплари янги воқелик билан

боғлиқ тарихий фактларни тасвирилашга қодир эканликларини XX аср даври халқ лирикаси мисолида тўла исботлади. Бундай ҳолатни мақол, топишмоқ каби паремиологик жанрларда ҳам кузатиш мумкин. Маросим фольклори мисолида эса тасвир принципи ва тарихий факт нисбати, тўй маросимига тааллуқли айрим жанрлар ҳисобга олинмаса, ҳеч қачон мувофиқликка кела олмайди.

Халқ эпосига келганда эса жуда мураккаб ҳолатга дуч келамиз. Масалан, унинг мустақил бир типи-тарихий достонларига назар солсак, улар ўзбек халқ эпосининг кейинги ривожланиш даврида, хусусан, XX асрнинг биринчи ярмида катта ўрин тутганилиги, анъанавий эпосга хос тасвир принциплари билан янги тарихий мазмун маълум даражада мос келганлигини курамиз. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, тарихий достонлар ривожи тұхтаб қолди. Бу нарса, бир қатор сабаблар билан изоҳланади. **Биринчиси** – бу даврга келиб тараққиёт имлий-техника ривожи билан боғланди ва маълум маънода кишилар табиатида, руҳий дунёсида мураккабликлар келтириб чиқардики, анъанавий тарихий эпосга хос тасвир принциплари бу мураккабликларни ифодалашга ожизлик қилди<sup>1</sup>.

**Иккинчиси** – бу даврга келиб ёзма бадиий адабиёт, кино санъати, телевидение ва радио шу даражада кишилар маиший ҳаётига, бадиий тафаккур даражасига чукур кириб бордикি, анъанавий тарихий достонга хос тасвир воситалари замондошимиз бадиий онги, фикрлаш даражаси олдида оддий нарсага айланиб қолди. Бунинг устига, бевосита мана шу даврга келиб, омманинг ёппасига саводхон бўлиши, улкан халқ бахшиларининг ҳаётдан кўз юмишлари билан боғлиқ ҳолда халқ достончилигининг янги принципларининг ишланмай қолиши аста-секин халқ эпосини сўнишга томон етаклади. Албатта, айрим фольклоршунослар бу фикрга эътиroz билдиришлари ҳам мумкин. Бироқ илож қанча, ҳақиқат – ҳақиқат-да. Бундай дейишимизнинг сабаби шундаки, ҳозирги кунда энг иқтидорли халқ бахшиси мамлакатимизда кечеётган иқтисодий, маданий ёки миллий муам-

<sup>1</sup> Саримсоков Б. Совет даври ўзбек фольклорини ўрганиш масалалари // Узбек тили ва адабиёти. 1987, №1, 30–36–бетлар.

моларни бутун мураккаблиги билан ёзма адабиётдагидек юксак даражада тавирлай олмайди. Чунки халқ эпосининг ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган эстетик принциплари, тасвир воситалари ишлаб чиқилган эмас. Бевосита мана шу нарса ҳозирги кунда ўзбек халқ эпоси таркибida тарихий достонлар яратилишини тұхтатиб қўйди.

Маълумки, тарихий эпоснинг вужудга келиши халқ тарихида йирик эпик жанрда акс эттиришга лойиқ улкан ижтимоий воқеаларнинг содир бериши ва ана шу воқеаларни акс эттиришга қодир бўлган халқ бадиий фикрлаш қуратининг мавжудлиги билан боғлиқ<sup>1</sup>. Мана шу икки нарса мавжуд бўлган барча даврларда тарихий эпос яратилаверади. Айрим пайтларда кўрсатилган икки нарсадан бири бироз сустлашиши мумкин. Ана шунда ҳам тарихий достон яратилади, аммо бундай маҳсул ғоявий-бадиий жиҳатдан кўнгилдагидек бўлмайди.

Эпос ўзбек фольклорида катта ўрин эгаллади. Бинобарин, бу улкан мерос ўзбек эпосшунослигига тарихийлик принциплари жиҳатидан уч типга бўлиб ўрганилади. Булар: қаҳрамонлик, романтик ва тарихий эпос. Албатта, ўзбек халқ достонларининг барчаси баҳшилар оғзидан, яъни жонли ижродан фақат XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ёзиб олина бошланди. Шу боис, ҳажман олиб қаралса, тарихий достонлар бошқа типдаги, айниқса, романтик достонлардан оздек туюлади. Бундай ҳолат, бир томондан, тарихий эпоснинг кейинроқ пайдо бўлганлиги, иккинчи томондан, қадимги эпос воқеликни тарихан конкретлиқда акс эттира олмаслиги билан изоҳланади.

Тарихий достонларнинг ўзбек эпик меросида миқдоран озлиги, энг аввало, тарихий эпоснинг ўтмишда ҳам кўплаб яратилганлиги, аммо ҳеч ким томонидан ёзиб олинмаганлиги билан изоҳланади. Биз таникли фольклоршунослар В.Я.Пропп ҳамда Б.Н.Путиловларнинг ҳар қандай эпос воқеликни ўзига хос бадиий ишлов билан акс эттириши, у реал воқеликнинг бадиий инъикоси<sup>2</sup> эканлиги ҳақидаги

<sup>1</sup> Путилов Б.Н. Типология фольклорного историзма // Типология народного эпоса. М., 1975, с. 165

<sup>2</sup> Пропп В.Я. Фольклор и действительность // В.Я.Пропп. Фольклор

фикрларга тўла қўшилган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаши лозим кўрамиз. Халқ эпоси – халқнинг бадиий акс этган реал тарихидан иборат. Бинобарин, синфий жамиятда вужудга келган халқ эпосининг тарихий достонларсиз кечмаган. Демак, халқ эпоси ривожида доим тарихий эпос ҳамроҳ бўлган. Бу фикрнинг тўғрилигини XV–XVI аср Мовароуннаҳр ва Ҳурросон тарихида юз берган воқеалар моҳияти акс этган бир қанча достонлар, XIX аср воқеалари акс этган достонлар ва ниҳоят XX асрнинг биринчи ярмида юз берган воқеалар тасвиirlанган достонлар тўла тасдиқлади.

Синфий жамият пайдо бўлгач яратилган халқ эпосида тарихий достон ҳамиша ҳамроҳ экан, эпоснинг бу типи ҳамма вақт қандай вужудга келган, деган савол туғилади. Агар ҳақиқатдан ҳам тарихий достон ўзбек халқ эпосининг барча ривожланиш босқичларида мавжуд бўлган бўлса, у ҳолда қаҳрамонлик эпоси тарихий эпостга нисбатан қандай муносабатда бўлган? Бу ўринда шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, қаҳрамонлик эпоси патриархал – уруғчиликнинг емирилиши ва санфий жамиятнинг эндилиқда пайдо бўлиши даврида вужудга келган. Мадомики, қаҳрамонлик эпоси халқнинг қаҳрамонона ўтмишини идеаллаштирад экан, унинг тарихий ривожланиш илдизлари туркий тили халқларда баҳодирлик характеристи орқали мифологик эпостга бориб боғланади. Шунинг учун ўзининг баҳодирона ўтмишини идеаллаштирувчи қаҳрамонлик достонлари халқ эпосининг барча тараққиёти босқичларида яшаб, ривожланиб келган. Тарихий достонларга келганда шуни айтиш керакки, у халқ достончиларининг реал воқеликка билдирган илк жавоблари сифатида дастлаб тарихий қўшиқ сифатида вужудга келган. Кейинчалик бундай тарихий қўшиқлар эпик планда қайта-қайта ишланиб, маълум даражада тарихий конкретлигини йўқотиб, шунда ҳам акс этган воқеаларнинг

---

и действительность. Избранные статьи. М., 1976, с. 83–115; Яна ўша: Об историзме фольклора и методах его изучения // Курсатилган тўплам, 116–131–бетлар; Путилов Б.Н. Об историзме русских былин.// Специфика фольклорных жанров. Русский фольклор. Т. Х. –М.-Л., 1966, с. 103–126; Яна ўша: Типология фольклорного историзма // Типология народного эпоса. –М., 1975, с. 164–181.

реал моҳиятини йўқотмаган ҳолда тарихий достонларга айланган<sup>1</sup>. Бу масалада айрим фольклоршунослар ўзгача фикр бирдирадилар. Масалан, Б.Н.Путиловнинг фикрича, конкрет тарихий қўшиқлар эпоснинг сўнгги ривожланиш босқичида вужудга келади<sup>2</sup>. Бу қонуният рус халқ эпоси ва тарихий қўшиқлари учун балки тўғридир, аммо туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқ эпоси ҳамда тарихий қўшиқлари учун у қадар тўғри келмайди. Чунки, туркий халқлар эпосида акс этган тарихий воқеалар Ўрта Осиё халқлари тарихига фикран қиёсланса, шу заминда кечган улкан тарихий воқеалар у ёки бу даражада тарихий эпосда ўз ифодасини топганлигини кўрамиз. Бундан ташқари, кўпгина нарсаларнинг бошланиш даври билан сўнгги даври бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Мана шу жиҳатдан қаралса, қадимги туркий халқлар тарихий эпосининг кўпгина жиҳатлари ўзбек халқ эпосининг сўнгги тараққиёт босқичлари билан ўхшашлик касб этади. Масалан: қаҳрамон образининг эпик талқин даражаси, тасвир характери, сюжет ихчамлиги, табиат ва руҳият тасвирининг оқизлиги, улкан жанг-жадалларнинг тасвир марказида туриши ва хоказо.

Хуллас, ўзбек халқ эпик мероси тизимида тарихий достонларнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти, тарихдаги конкрет воқеа ва фактларни тасвирлаш характери, ҳужжатийликнинг даражаси жиҳатидан фарқланиш хусусиятига, шунингдек, тарихий тараққиёт босқичларига кўра ўз таснифлари ҳам мавжудки, куйида масаланинг ана шу томонларига ҳам аҳамият берамиз.

Ўзбек фольклоршунослигига тарихий достонларнинг ҳанузгача ягона таснифи мавжуд. Бу тасниф Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовлар томонидан берилган. Олимлар ўзбек тарихий достонларини тарихдаги конкрет воқеа ва фактларни тасвирлаш характери, ҳужжатийликнинг даражаси жиҳатидан бир-бирларидан жиддий фарқ килиш хусусиятларига кўра: а) тарихий-қаҳрамонлик; б) тарихий-фан-

<sup>1</sup> Каранг: Жуманазаров У. Тарихий қўшиқ ва тарихий достон муносабатларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988, №3, 29–35-бетлар.

<sup>2</sup> Путилов Б.Н. Типология фольклорного историзма.// Типология народного эпоса, с. 175.

тастик; в) тарихий-конкрет ёки янги достонлар; г) автобиографик достонлар каби ички турларга бўлиб тасниф этадилар<sup>1</sup>. Бу – биринчи тасниф сифатида илмда алоҳида ажralиб турди ва халқ эпосининг тарихий тараққиёти этапларини аниқлашга бағишиланган айрим тадқиқотлар ва илмий мақолаларда яна қайта тақрорланди<sup>2</sup>.

Маълумки, XX асрнинг 80-йилларида таниқли фольклоршунос олимларимиздан Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовлар ўзбек халқ эпосининг тарихий тараққиёт босқичларини ижтимоий-иқтисодий формациялар билан боғлиқ ҳолда белгилаб бўлмаслиги, чунки эпоснинг у ёки бу ижтимоий формацияга хос конкрет намуналарининг йўқлиги, бир ижтимоий-иқтисодий формация доирасида ҳам халқ эпосининг табиатида турли хил миқдорий-сифатий ўзгаришларнинг юз бериши ўзбек достончилиги тарихий тараққиёт этапларини белгилашда эфектив натижалар бермаслигини алоҳида таъкидлаб кўрсатган эдилар. Уларнинг фикрича, “эпоснинг тарихий тараққиёт этапларини белгилашда ҳозирга қадар бирдан-бир тўғри ва самарали йўл эпосга мансуб бўлган халқ тарихи билан бевосита алоқадор ҳолда иш тутиш ҳисобланади. Бунда эпос акс этган даврлараро қатламлар меъёрини, унинг таркибида сақланиб қолган турли тарихий релектларни ҳисобга олиш билан бирга халқ ҳаётидаги, жамият тарихидаги катта-катта тарихий бурилишлар, улкан ижтимоий ўзгаришлардан ҳам келиб чиқиш керак бўлади. Демак, эпос тарихий тараққиётининг асосий босқичларини изчил тарихийлик принципларига таяниб белгилаш зарур. Бу ҳол эпос табиатида одатда юз берувчи, майда, иккинчи даражали ўзгаришлар асосида эмас, аксинча, унинг ривожланиш этаплари, яъни стадиал ривожланишига қараб иш тутишини талаб қиласи. шунинг учун ҳам бундай йўл тугиши юқорида қайд этилган ўйлардан мураккаб ва айни пайтда нисбатан самарали ҳисобланади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Раззоқов X., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент, 1980, 205–206-бетлар;

<sup>2</sup> Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёт // Ўзбек фольклорининг эпик жанrlари. –Тошкент, 1981, 17–21–бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбек фольклорининг эпик жанrlари. 26–бет.

Биз ҳам ўзбек халқ эпосининг тарихий тараққиёт босқичларини белгилашдаги Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқовларнинг фикрларига тұла қүшиламиз ва улар тарихий достонларнинг таснифига ҳам тегишли, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбек халқ тарихий достонлари ҳозирги ўзбек халқининг узоқ ажододлари ҳәети билан чамбарчас боғлиқ ҳолда яратилиб, ривожланиб келади. Бинобарин, эпоснинг ушбу типи босиб ўтган даврларни аниқлаш, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятлари, ана шу даврларда яратилған достонларининг тарихий воқеалар билан боғлиқлиги каби масалаларни конкрет фактik материаллар асосида ўрганиш керак бўлади. Бунинг учун ҳозир ихтиёrimизда мавжуд бўлган тарихий эпос намуналарни уларда акс этган тарихий воқеаларнинг бадиийлик даражасига эътибор берган ҳолда тарихийлик мезонини аниқлаш, мана шу орқали тарихий эпоснинг тараққиёт босқичларини белгилаш лозим. Бизнингча, ўзбек халқ эпоси буйича ҳозир ихтиёrimизда мавжуд бўлган эпик намуналар ўзбек халқ тарихий эпоснинг қуидагича тараққиёт босқичларини босиб ўтганлигини аниқлаш имконини беради:

- а) қадимги сак-массагетлар тарихи акс этган достонлар;
- б) қадимги туркий халқлар тарихи акс этган достонлар;
- в) ўзбек халқ тарихий достонларининг мумтоз намуналари;
- г) XX аср воқеалари акс этган реалистик тарихий достонлар.

Албатта, ўзбек халқ тарихий достонларининг тараққиёти этаплари билан боғлиқ бу тасниф кейинчалик материаллар топилиши билан ўзгариши мумкин. Бу билан айтмоқчимизки, юқоридаги даврлаштириш шартли характер касб этади ва бу масалада якунловчи сўзлик даъвосини қила олмайди. Шунга қарамай, мана шу даврлаштиришнинг ўзи ўзбек эпосшунослигида илк бор амалга оширилаётганлигини назарда тутсак, унинг илмий жиҳатдан янги тасниф эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Биз бу масалага доир фикрларимизни бундан аввалги эълон қилинган айрим ишларимизда баён этган эдик. Унда биз умуман, тарихий-қаҳрамонлик фольклорини Ўрта Осиё халқлари бошидан кечирган тари-

хий воқеалар билан боғлиқ ҳолда олти даврга бўлган эдик. Ҳақиқатан, тарихий фольклор материаллари бундай бўлинишни тасдиқласа ҳам, бироқ ҳалқ эпоси материали, айниқса, тарихий достонлар факат юқоридаги кўрсатганимиздек, тўрт давр билан боғлиқ тараққиёт босқичи мавжудлигини тасдиқлади. Масалан, аҳмонийларнинг сак-массагетлар билан олиб борган курашларининг акс-садолари акс эттан эпик намуналар мавжуд бўлганлиги ҳолда, араб истилолари, муғул истилолари нидо берган ҳалқ тарихий достонлари бизга қадар етиб келмаган. Ҳолбуки, бундай улкан тарихий воқеаларнинг ҳалқ эпосида акс этмаслиги мумкин эмас. Бироқ акс этганлари ҳам ўз вақтида ёзиб олинмаганлиги сабабли иззиз йўқолиб кетган.

Хуллас, ўзбек ҳалқ тарихий достонлари юқорида кўриб ўтилган тўрт тарихий давр воқеаларини акс эттирган бўлиб, уларнинг ҳар бирига мансуб эпик намуналари тарихдаги конкрет воқеа-ҳодисалар ва фактларни тасвирлаш характеристери, хужжатийликнинг даражаси жиҳатидан бир-бираидан жiddий фарқ қиласди.

## Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

### ЭПОС ВА УНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Халқ ижодини ўрганиш бу халқнинг турмуш тарзи, урфи-одати, анъаналари, тарихи, бугуни ва келажаги, тафаккур тарзи ҳамда руҳиятини ўрганиш демакдир. Унда миллатнинг ўзини билиш, англаш, намоён этиш хислатлари, уринишлари, халқнинг минг йиллик ҳаёт тарзи, дунёқараши акс этган бўлиб, оддийроқ тилда айтадиган бўлсак, халқ ижодини ўрганиш бу бевосита халқнинг ўзини ўрганиш демакдир. Халқ оғзаки ижодини англаш учун эса биринчи галда оғзаки ижод, яъни бахшичилик санъати ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Бу нарса бизга ижод сирини, унинг юзага келиш ҳолатини билишда, бадиий мерос бадииятини чуқурроқ талқин қилишда ёрдам беради.

Бугунги маънавиятимиздаги янгиланиш жараёни, шубҳасиз, адабий меросимизни, шу жумладан халқ оғзаки ижодини, унинг бадиияти, мифологик қатламини қай даражада ўзлаштиришмиз билан белгиланади. Биз бугун янги адабиёт, туғрироғи, чинакам адабиёт яратишга ҳаракат қилаётган эканмиз, энг аввало санъатга, адабиётга замин бўлган халқимизнинг қадим мифологик тасаввурларини, бахшичилик санъатини яхши ўрганишимиз, таҳлил ва тадқиқ этишимиз лозим бўлади. Зоро, эпик ижод ҳар бир халқнинг бадиий тарихидир. Шундай экан, унинг ижрочилари бўлмиш бахшилар ҳам миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида асрраб-аввайлаб келаётган, авлоддан-авлодга етказаётган, миллий маданият, тарих ва фалсафага ўзининг беназир улушкини қўшиб келаётган улкан ижодкорлардир. Устоз фольклоршунос, академик Тўра Мирзаев таъбири билан айтганда: “Улкан ижодкорлар – халқ бахшиларининг хофизаси-

да жонли оғзаки анъанада бизгача етиб келган күп составли ва күп тармоқли ўзбек эпоси антик давр ва ўрта асрларнинг классик эпопеялари – “Илиада” ва “Одиссея”, “Роланд ҳақида қўшиқ” ва “Нибелунглар ҳақида қўшиқ”, “Махабхарата” ва “Рамаяна”, “Игорь жангномаси” ва “Шоҳнома”, “Манас” ва “Жангар” каби шоҳ асарлар билан беллаша оладиган ва улар билан тенг турган ҳайратомуз бир ижоддир”<sup>1</sup>.

“Алломиш”, “Гўруғли” каби улкан бадиий обидалар ҳам бизга ана шундай эпик ижодкорлардан мерос бўлиб қолган. Бахши ўз эпик хотирасида ана шу қадим анъаналарни сақлаб, уни авлодларга етказиб келган ва ҳар гал ижро этилганда бу эпик анъана янада бойиб, янгиланиб борган. Улар эпик билим ва эпик хотиранинг меросхўрлари, асровчилари эдилар. Аждодлардан мерос қолган бу эпик хотирини улар ўз қувваи ҳофизасига кўра ижро этганлар. Ижрони эса улар шубҳасиз ўз устозларидан ўрганганлар, эпик қолипларга амал қилганлар, шу таҳлит улар эпос қонуниятини яратганлар.

Шунинг учун ҳам туркий халқ маданиятида халқ оғзаки намуналарини ижро этувчи ижодкорлар – бахшилар алоҳида ўрин тутади. Бадиий сўз санъатининг энг юксак кўриниши бўлган эпик ижодкорлиқда биз ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисага айланиш жараёнини кузатамиз. Бу жараён шубҳасиз, халқимизнинг қадим тарихи, мифологик тафаккури, күп асрлик миллий маданияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривож топган.

Бошқа туркий халқларда бахшиларни жанрдан келиб чиқиб номлаш ҳам мавжуд. Қозоқларда жырчи (жырдан), олонхочи (Олонходан), улигерчи (Улигердан), манасчи (Манасдан). Қадимги Грецияда ҳам Аэдлар билан Рапсадларни ажратишган. Аэдлар шоир бўлишган, рапсадлар эса ижрочи. Худди мана шунинг ўзиёқ ҳар бир ижрочи ўзи бир олам эканлиги, ўз услуби, ўз оҳанги, ўз таъби, ўз маҳоратига эга эканлигини, уларга умумий бир нуқтаи назардан баҳо бериб бўлмаслигини, улар алоҳида алоҳида ўрганилишга, тадқиқ этилишга муҳтож эканлигини курсатади.

Тарихий фольклорий жараёнда эпик ижодкорларнинг коҳин, шомон, бахши, ижрочи типлари мавжуд бўлиб, улар

<sup>1</sup> Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари.–Тошкент: Фан, 1976.–Б.5.

ҳақидаги тасаввурлар халқ ривоят ва афсоналарида, достонлар – эпик матн қатида яхши сақланиб қолган.

Бахшичилик, яъни эпик анъана авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша оғзаки равишда сақланиб келган санъатdir. Бахшичилик санъатининг юзага келиши, мифологик асослари, тарқалиш географияси ва ҳар бир худуднинг локал хусусиятлари тадқиқи бу санъатни дунё фольклоридаги мавжуд бошқа эпик асарлар билан тарихий-қиёсий кўламда ўрганишни талаб этади. Ҳар бир давр, маълум жанрлар қамровида ҳамда юртимиздаги машхур эпик санъаткорлар ижоди мисолида ушбу мавзууни кенг планда тадқиқ этиш юртимиз тарихи, эпик санъатининг дунё маданиятидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб беришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Архаик эпоснинг энг нодир намунаси ҳисобланган “Ал-помиш” каби эпос ҳақида сўз юритишдан олдин бахши ва эпик формула ҳақида, тўғрироғи, бахшичилик, бахшичилик анъаналари ҳақида, вариант ва вариантлилик, эпик сюжет ва мотивларнинг ҳар бир вариант ичida ўзига хос трансформацияси, яъни, оғзаки эпик ижодиёт қонуниятлари ҳақида сўз юритиш лозим бўлади. Биз бу мақолада ана шу масалаларнинг биргина жиҳати – эпик формула ҳақида фикр юритамиз.

Устоз Тўра Мирзаев халқ достонларида доимий такрорланиб келадиган анъанавий мисралар ҳақида ёза туриб: "...импровизация анъанавий заминда, тайёр образ ва ифодалар ёрдамида ҳар гал янги сатр ва парчаларни тўқиб кета олиш маҳоратигина эмас, балки ўрганилган достон бадий тексти қисмларини эпик клишеларни, доимий стилистик формулаларни ўз ўрнида қуллай билиш, агар таъбир жоиз бўлса, куйланаётган достоннинг умумий сценарийсими, воқеалар оқимини, сюжет йўналишини тўла сақлаган ҳолда мисраларни янгича комбинациялаш, айтувчи нинг ўз ғоявий ниятидан келиб чиқиб, бир ё икки сўзни, ҳатто биргина аффиксни ўзгартириш орқали уларга янги маъно юклаш санъати ҳамдир"<sup>1</sup>, дейди. Яъни, эпик формула бу

<sup>1</sup> Мирзаев Т. Халқ бахшиларининг эпик репертуари. –Тошкент: Фан, 1976. –Б.86.

эпоснинг ядроидир. Биз эпик формуланинг нима эканлигини тушунмай бирор бир достон моҳиятини тушуниб етолмаймиз. Оғзаки ижод деганда, биз энг аввало, ана шу эпик формула асос бўлган ижодга айтамиз. Ёзма адабиётнинг ўз қонуниятлари мавжуд. У ана шу қонуниятларга асосланниб ривож топади. Оғзаки ижоднинг эса қонунияти битта бу эпик формулага асосланганлик. Бу ижоднинг оғзакилигини, анъанавийлигини таъминлайди. Эпик формула бу эпоснинг қурилмаси, суягидир.

Ижодкор, бахши ўз "уйи"ни, яъни достон куйлар экан, у ана шу "суяк"ка, асосга сунади. Шунга асосланниб у ўз достонини куйлади. Эпик формула бу тайёр қолип. Бахши ўз достонини ана шу эпик қолипга мослади. Бироқ бу дегани бахши фақат тақрорлайди, яъни ҳеч бир янгилик яратмайди дегани эмас. Бахши ҳар бир бахши эпик формулага ўзича ёндашади, бу ижодий ёндашиш унинг навоторлигини, нечоғли иқтидорли эканини намойиш этади. Эпик формулалар қонуниятини билмасдан туриб, эпос қонуниятини ҳам билиш мумкин эмас.

А.Лорд: "Халқ оғзаки ижоди ижро учун яратилмайди, балки ижро этилаётганда яратилади", дейди<sup>1</sup>. Бахши куйлаётганда эпос яна бир марта янгиланади, янгича мазмун, янгича оҳанг, янгича моҳият касб этади. Эпик формула маълум бир тизим, маълум бир қурилмага эга. Эпик формула деганда бирор бир фикрни ифодалаш учун маълум бир шаклда, яъни шеърий шаклда тақрор ва тақрор учрайдиган сўзлар тизими, қўйма сатрлар назарда тутилади. Бу худди тирик организм, яъни тананинг суягига ўхшайди. Суяк тузилиши ҳаммада бир хил. Бироқ, эти, оғирлиги, ранги ва энг муҳими дунёқараш, тушунча ва руҳияти ҳаммада ҳар хил булади. Худди шундай эпик ижодда ҳам ижодкор эпик формула-га таяниб ўз "тана"сини яратади.

Оғзаки ижод, яъни эпик анъана – достон ижросига хос бўлган хусусият эса мутлақо бошқа. Бу бахшининг айнан ижро пайтидаги ҳолатидир. Зеро оғзаки ижод мана шундай ижро пайти яралади, юзага келади. Бу оғзаки ижод қонуниятидир.

Эпосдаги мана шу эпик формулалар бир-бирига туташ-гандагина у маълум бир қўриниш, яъни достон қўрини-

<sup>1</sup> Лорд Альберт. Сказитель. –М.: Восточная литература, 1994. –С.48.

шини олади. Эпик формула қотиб қолган, ўзгармас тизим эмас. У ўзгарувчан, ҳар гал янгиланиб турувчи формуладир. Бахши ўзида анъанавийликни ва индивидуалликни ўзида жамлай олган ижодкордир. Бахши бу шунчаки ижрочи эмас, у анъанавийликка асосланиб, ўз санъатини яратаетган том маънодаги ижодкордир. Формулаларнинг ранг-баранглиги эпик мавзуларнинг ранг-баранглигидан келиб чиқади. Бахши ижрочига нисбатан, бахши шоирларнинг тажрибалари ҳам катта, куйлаётган мавзулари чегаралари ҳам кенг, шунга яраша эпик формулаларни қўллаш салоҳияти ҳам ўзгача бўлади. Бир бахши репуртуаридаги эпик формулалар бошқа бахшиларда ҳам учрасада, ижрода у айнан бир хил бўлмайди.

